

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ  
йўналиши

“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАШИНАЛАР”  
модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ – 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ  
йўналиши**

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАШИНАЛАР”**  
модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ – 2016**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** ТошДАУ “Қишлоқ хўжалик машиналари” кафедраси доцентлари А.Дускулов, Д.Алижанов

**Тақризчи:** АҚШ Шимолий Доката Университети профессори Томас Бон.

**Ўқув-услубий мажмуа (ТошДАУ Кенгашининг 2016 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли қарори билан наширга тавсия қилинган.**

**МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>12</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>16</b>
1-мавзу: Тупроққа асосий ва экиш олдидан ишлов бериш усуллари ва техник воситалари .....	16
2-мавзу: Ўсимлик уруғларни экиш ва кўчатларини ўтқазиш усуллари ва машиналари .....	38
3-мавзу: Ўсимликларни зааркуннадалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоялаш усуллари ва машиналари. ....	60
4 - мавзу: Фалла йифишириш технологиялари ва машиналари .....	74
5-мавзу: Озукаларни тайёрлаш технологиялари ва машиналари.....	93
6-мавзу: Чорвачилик хонаси ички технологик жихозларини жойлаштириш режаси, технологик жараёнлар ва машиналар. ....	105
7-мавзу: Сут соғиш технологияси, кўлланиладиган агрегат ва аппаратлар .....	113
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>122</b>
1–амалий машгүлот: Лемкен фирмасининг плугларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш....	122
2-амалий машгүлот: PPAS-4 прецизион универсал пневматик сеялкани ўрганиш. ....	124
3– амалий машгүлот:PPAS-4 прецизион универсал пневматик сеялкани созлаш ва ишга тайёрлаш. ....	130
4-амалий машгүлот:Доминатор – 130 фалла комбайнининг тузилишини ўрганиш .....	133
5 - амалий машгүлот: Доминатор – 130 фалла комбайнини ишлтишга тайёрлаш....	134
6 - амалий машгүлот: Болғачали дон майдалагичларни ва ишлатишга тайёрлаш. ....	142
7-амалий машгүлот: Пояли ва илдиз мевали озукаларни майдалаш машиналарини ўрганиш ва ишлатишга тайёрлаш.....	150
8-амалий машгүлот: Чорвачилик хонаси ичida жойлашган қурилма ва жихозларни ўрганиш. ....	155
9-амалий машгүлот:“Де Лавал” фирмаси соғиш агрегати ва КР-7518 соғиш аппаратини ўрганиш .....	159
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>168</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....</b>	<b>170</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>171</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>174</b>

### I. ИШЧИ ДАСТУР

#### **Кириш**

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўнишка ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу дастурда Германия ва бошқа ривожланган давлатларнинг соҳага оид технологиялар ҳамда илм-фан ютуқлари, адабиёт маълумотлари асосида, чет эл мутахассислари билан ҳамкорликда яратилган бўлиб, ерга экиш олдидан асосий ишлов берадиган, экиш ва ўтқазиши, ўсимликларни касалликлар, зааркунандалар ва бегона ўтлардан ҳимоялаш, ғалла йиғишириш технологиялари ва техник воситалари ҳамда чорвачиликда бажариладиган технологик жараёнлар асоси, сифати, шароитлари, уларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, лойиҳалаш, экологик ва микроиқлим ва бошқа масалаларнинг баёни келтирилган.

#### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Қишлоқ хўжалигига технологиялар ва машиналар модулининг мақсад ва вазифалари:**

- ерларга асосий ва экиш олдидан ишлов бериш, экиш ва ўтқазиши, ўсимликларни касалликлардан, зааркунандалардан ва бегона ўтлардан ҳимоялаш, ғалла йиғишириш технологиялари ва машиналари ҳамда ем тайёрлаш машиналари, човачиликда кўлланиладиган технологик жараёнлар асоси, лойиҳалаш, механизациялаш ва автоматлаштириш тизимлари, бундай тизимларда экология ва микроиқлим яратиш ва бошқа масалаларни ўргатиш, уларни амалда кўллай билиш ва фойдаланиш каби малакавий кўнишкаларни шакллантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг кўниумаси, малакаси ва компетенциялариға қўйиладиган талаблар**

“Қишлоқ хўжалигидаги технологиялар ва машиналар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- ерга асосий ва экиш олдидан ишлов бериш, экиш ва ўтқазиш, ўсимликларга кимёвий ишлов бериш машиналари, ғалла комбайнларининг турлари, технологиялари, тузилиши ва технологиялардан фойдаланиш;

- озуқаларни тайёрлаш технологиялари ва машиналари, чорвачилик хонаси ички режаси, қўлланиладиган жихоз ва қурилмалар, сигирларни соғиши технологияси ва қўлланиладиган машиналар турлари, технологиялари, тузилиши ва иш жараёнлари тамойиллари ҳакида **билимларига** эга бўлиши лозим;

#### **Тингловчи:**

- ерга асосий ва экиш олдидан ишлов бериш, экиш ва ўтқазиш, ўсимликларга кимёвий ишлов бериш машиналари, ғалла йиғиштириш технологиялари ва техник воситаларидан фойдаланиш;

- озуқаларни тайёрлаш машиналари, чорвачилик хонаси ичida қўлланиладиган технологик жихоз ва қурилмалар, сигирларни соғиши агрегатлари ва аппаратларидан фойдаланиш **кўнима ва малакаларини** эгаллаши зарур;

#### **Тингловчи:**

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида тегишли технология ва техник воситалардан фойдаланишнинг самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш;

- республика ва хорижда қишлоқ хўжалиги механизациялаштириш ва қишлоқ хўжалигини электрлаштириш соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини билиш ва таҳлил этиш;

- қишлоқ хўжалик техникаси соҳасида мавжуд бўлган долзарб амалий масалаларни ечиш учун янги технологияларни яратиш **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтқазиш бўйича тавсиялар**

“Қишлоқ хўжалигидаги технологиялар ва машиналар” курси мавзуу ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

## **ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАШИНАЛАР**

- мавзу дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Қишлоқ хўжалигида технологиялар ва машиналар” модули мазмуни ўқув режадаги “Қишлоқ хўжалиги мобил энергетик воситалар” ва “Қишлоқ хўжалигида техник тизимлар менежменти” ўқув модуллари билан узвий боғлан-ган ҳолда педагогларнинг мобил иловалар яратиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар қишлоқ хўжалигида қўлланадиган технологияларни ва техник воситаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			мустакил таълим
			Жами	Жумладан	назарий	амалий машғулот
1.	Тупроққа асосий ва экиш одидан ишлов бериш усуллари ва техник воситалари.	4	4	2	2	
2.	Ўсимлик уруғларни экиш ва кўчатларини ўтқазиш усуллари ва машиналари.	6	6	2	4	

## **ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАШИНАЛАР**

<b>3.</b>	Үсімликларни зааркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоялаш усуллари ва машиналари.	8	6	2		2
<b>4.</b>	Ғалла йиғишириш технологиялари ва машиналари	6	6	2	4	
<b>5.</b>	Озұқаларни тайёрлаш технологиялари ва машиналари	6	6	2	4	
<b>6.</b>	Чорвачилик хонаси ички технологик жихозларини жойлаштириш режаси, технологик жараёнлар ва машиналар	4	4	2	2	2
<b>7.</b>	Сут соғиши технологияси, қўлланиладиган агрегат ва аппаратлар	6	4	2	2	
<b>Жами:</b>		<b>40</b>	<b>36</b>	<b>14</b>	<b>18</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Тупроққа асосий ва экиш одидан ишлов бериш усуллари ва техник воситалари**

Тупроққа асосий ишлов бериш ва экиш одидан ишлов беришнинг илғор технологиялари, турлари, фойдаланиш хусусиятлари. Плуглар, турлари, ишчи ва ёрдамчи қисмлари. Ерга ишлов бериш операциялари, технологик операциялари, ишчи қисмлари. Ерга асосий ишлов бериш машиналари ишига қўйиладиган агротехник талаблар.

### **2- мавзу: Үсімлик уруғларни экиш ва қўчатларини ўтқазиш усуллари ва машиналари**

Экиш ва ўтқазиш машиналари. Сеялкалар, турлари, ишчи ва ёрдамчи қисмлари. Технологик иш жараёнлари. Техник воситаларни қўллаш қўллаш.

### **3-мавзу: Үсімликларни зааркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоялаш усуллари ва машиналари**

Үсімликларни касаллик, зааркунанда ва бегона ўтлардан химоя қилиш усуллари, фойдаланиладиган кимёвий воситалар, пуркагич ва чангитгич машиналир, машиналарнинг асосий ишчи қисмлари, пуркагич

курилмалари ва пуркаш учликлари. Туркагич ва чангитгичнинг технологик иш жараёнлари.

### **4-мавзу: Ғалла йиғишириш технологиялари ва машиналари**

Ғалла йиғишириш технологиялари, турлар. Ғалла йиғишириш машиналарининг тузилиши ва технологик иш жараёнлари. Ҳосилни йиғиширишда ишлатилаётган янги машиналар, иш сифатини баҳолаш.

### **5-мавзу: Озуқаларни тайёрлаш технологиялари ва машиналари**

Озуқалар турлари ва уларни озиқлантиришга тайёрлаш усуллари ва турлари. Озуқаларни тайёрлаш технологик жараёни учун машина ва жиҳозларни танлаш, уларни кетма-кетликда жойлаштиришни режалаштириш. Машина ва жиҳозлар тузилиши ва технологик иш жараёни.

### **6-мавзу: Чорвачилик хонаси ички технологик жиҳозларини жойлаштириш режаси, технологик жараёнлар ва машиналар**

Чорвачилик хонаси ичидаги чорва молларини сақлаш (боғлаб, боғламасдан), озиқлантириш, суғориш, гүнгини йиғишириш, микро иқлимини ташкил этиш ва сутларни соғиб олиш қурилмаларини жойлашиш режалари, оралиқ масофалар, технологик жараёнларни бажарилиш қўлайликлари, техника хавфсизлиги масалалари. Машина ва жиҳозлар тузилиши ва технологик иш жараёни.

### **7-мавзу: Сут соғиши технологияси, қўлланиладиган агрегат ва аппаратлар**

Сигирларни соғишига тайёрлаш технологияси, соғиши технологияси, вакуум хосил қилиш қурилмалари, соғиши аппаратлари, соғиши агрегатлари тузилиши ва технологик иш жараёни.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

**Лемкен фирмасининг плугларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш.**

Плугларнинг тузилиши, тракторга агрегатланиши, плугнинг маҳаллий шароит тупроғига мослаштириб созлаш ва ундан фойдаланиш.

### **2-амалий машғулот:**

**PPAS-4 прецизион универсал пневматик сеялкани ўрганиш.**

Сеялканинг умумий тузилишини, миқдорлаш аппаратини ва бошқа ишчи қисмларининг умуми тузилиши, улар бажарадиган технологик иш жараёнини ўрганилади.

### **3-амалий машғулот:**

**PPAS-4 прецизион универсал пневматик сеялкани созлаш ва ишга тайёрлаш.**

Сеялканинг экин уруғларининг турларига мослаб миқдорлагич дискларини танлашни, сеялкани экиш нормасига ўрнатиш, изортгичини сеялка қамров кенглиги ни ҳисоблаб топиш ва созлашни ўрганиш ва ундан фойдаланиш.

### **4-амалий машғулот:**

**Доминатор – 130 ғалла комбайнини ўрганиш.**

Ғалла комбайн ўргичи, янчиш аппарати, сомон элагичи, дон тозалаш қисмларининг тузилиши, улар бажарадиган технологик иш жараёнларини ўрганиш.

### **5-амалий машғулот:**

**Доминатор – 130 ғалла комбайнини ишлтишга тайёрлаш.**

Ғалла комбайн ўргичи ишчи қисмлари: ўриш аппарати, мотовилоси, транспортловчи шнеги ҳамда янчиш қурилмаси, сомонэлагичи, дон тозалаш қисми иш жараёнларини таҳлил қилиш ва созлаш. Ғалла комбайнининг янчиш қобилиятини ҳисоблаб топиш ва таҳлил қилиш.

### **6-амалий машғулот:**

#### **Болғачали дон майдалагичларни ўрганиш ва ишлатишга тайёрлаш**

Донларни майдалаш болғачали дон майдалагичлар тузилиши, технологик иш жараёнини ўрганиш. Ғалбирли ва ғалвирсиз дон майдалаш машиналари ишчи органлари тузилиши ва иш жараёнларини тахлил қилиш. Зоотехник талабларга кўра чорва моллари ва паррандалар учун озуқаларни майдалашда ишчи органларни ростлашни ўрганиш.

### **7-амалий машғулот:**

#### **Пояли ва илдиз мевали озуқаларни майдалаш машиналарини ўрганиш ва ишлатишга тайёрлаш**

Пояли ва илдиз мевали озуқаларни майдалаш машиналари тузилиши, технологик иш жараёнини ўрганиш. Майдалаш машиналари ишчи органлари (қирқич, эзиш, сиқиши, зарб билан майдалаш) тузилиши ва иш жараёнларини тахлил қилиш. Зоотехник талабларга кўра чорва моллари ва паррандалар учун озуқаларни майдалашда ишчи органларни ростлашни ўрганиш.

### **8-амалий машғулот:**

#### **Чорвачилик хонаси ичида жойлашган қурилма ва жихозларни ўрганиш**

**Чорвачилик хонаси** ичида чорва молларини сақлаш (боғлаб, боғламасдан), озиқлантириш, суғориш, гўнгини йиғишиши, микро иқлимини ташкил этиш ва сутларни соғиб олиш қурилмаларини жойлашиш режалари, оралиқ масофалар, технологик жараёнларни бажаришда қўлланила-диган машина ва жихозлар тузилиши ва технологик иш жараёнини ўрганиш ва ростлаш.

### **9-амалий машғулот:**

#### **“Де Лавал” фирмаси соғишиш агрегати ва КР-7515 соғишиш аппаратини ўрганиш**

Соғишиш агрегати ва соғишиш аппарати тузилиши, технологик иш жараёнини ўрганиш. Сут соғишиш агрегати ишчи қисмлари-вакуум насос, вакуум балон, вакуум ростлагич ва соғишиш аппарати ишчи қисмлари-пульсатор, коллектор. Соғишиш стаканлари ва соғишиш челягидаги технологик жараёнлар кетма-кетлиги ўрганиш ва ишчи вакуумни ва пулсатор пулслар сонини ростлаш.

### **ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимлар) ни мустаҳкамлаш;
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Кейс топшириклари	2.5 балл	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириклари		0.5 балл
3	Амалий топшириклар		0.8 балл

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

**«ФСМУ» методи.**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан мавзу машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштири-лишига асос бўлади.

**Намуна.**

Фикр: “Доминатор-130 комбайнининг ишчи қисмларини иш шароитига мослаб созлаш дон нобудгарчилигини камайтиришнинг асосий усулларидан биридир”.

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.


### Венн диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифода-ланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурух-ларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқила-ётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

#### Намуна: Фалла комбайнлари янчиш аппаратлари турлари бўйича



**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



**Намуна:** Хорижий Доминатор-130 комбайни ўрилган ғаллани янчиш тизимини SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Доминатор-130 комбайни ўрилган ғаллани янчиш тизимидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Ғаллани янчиш жараёнини ва донини ажратишни яхшилаши ...
<b>W</b>	Доминатор-130 комбайни ўрилган ғаллани янчиш тизимидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Янчиш аппарати конструкциясини мураккаблашиши ...
<b>O</b>	Доминатор-130 комбайни ўрилган ғаллани янчиш тизимидан фойдаланишнинг имкониятлари	Электроник тизим турли ечимлар учун имкониятни кенгайтиради ...
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	Бундай тизим билан техникадан фойдаланувчиларнинг таниш эмаслиги ...

### Хулосалаш (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий

фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан мавзу машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма

Иштирокчиларни тартиботи



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва

Марози сунноти

### Намуна:

Ғалла янчигиш			
Барабан-декали		Роторли	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:			

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-мавзу: Тупроққа асосий ва экиш олдидан ишлов бериш усуллари ва техник воситалари**

##### **Режа:**

- 1.1. Тупроққа ишлов бериш технологиялари.
- 1.2. Тупроққа ишлов бериш тизимлари.
- 1.3. Тупроққа ишлов бериш турлари ва жараёнлари.
- 1.4. Тупроққа ишлов бериш машиналари ва қуроллари.
- 1.5. Ерларга экиш олдидан ишлов бериш машиналари.

**Таянч иборалар:** *технология, технологик жараён, тупроқ, корпус, иичи орган, плуг, ағдаргичли плуг, дискли плуг, сақлагач, ерга ишлов берши, чизел, чизел-култиватор, тупроқ фрезаси, галтак мола, мола, ротацион тирма.*

#### **1.1. Тупроққа ишлов бериш технологиялари**

Ўзбекистон Республикаси агрокомплексининг асосий вазифаси – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳисобига мамлакат ахолисини озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги хом ашъёси билан, халқ хўжалигини эса турли хилдаги маҳсулотлар ва хом ашъёлар билан таъминлаш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда халқ хўжалигининг бу тармоғига жиддий эътибор берилиб келинмоқда. Ҳозирги кунда дехқончиликдан олинадиган маҳсулотларнинг миқдори ва сифатини ошириш вазифаси қўйилган. Бу вазифани амалга ошириш учун энг аввало тупроқ унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бунда энг аввало ривожланишнинг жадаллаштириш омилларини, фан ва техникаларнинг энг янги, самарали ютуқларини ҳамда илфор тажрибаларини жорий этиш, ҳозирги кундаги ҳамда яратилаётган ишлаб чиқариш потенциалларидан самарали фойдаланишни кўзда тутади. Бндей ишларни бажаришда Олий таълим массасаларининг, Илмий тадқиқот институтларининг, Машина ва техникаларни синаш ва сертификациялаш марказининг, Машина ва тракторлар ишлаб чиқарадиган заводларнинг, машина трактор паркларининг ва бошқа ташкилотларнинг аҳамияти бекиёсdir.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги экинлари маҳсулотларини етиштиришда машинавий технологиялар кенг

күлланилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида технологиялар деганда кам меҳнат харажат ва энергия сарфлаган ҳолда, талаб этиладиган ҳажмга ва сифатга эга бўлган махсулот ишлаб чиқиш, йиғиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва уларни сотиш тушинилади. Ҳар қандай технология—бу йиллаб ўтказилган илмий тадқиқот ва дала шароитида ўтказилган ишлари натижасидир. Технологиялар узлуксиз равишда такомиллаштирилиб ва тўлдириб борилади. Янги технологиялар хўжалик шароитида ҳар томонлама текширилганидан ва ижобий иқтисодий самара берганидан кейингина ишлаб чиқаришга жорий этилиши мумкин.

Аниқ бир хўжаликда учун бир нечта технологияар қабул қилиниши мумкин. Аммо уларнинг барчаси бир хилда самарали бўла бермайди. Уларнинг ичидан энг мақбули ва самарадорлигини танлаш учун фермер хўжалигининг етакчилари ходимлари барча технологияларни норматив жиҳатларини акс эттирган ҳолда ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида уларни қандай қилиб роционал амалга ошириш, уларга қандай ресурслар ва техникалар кераклигини кўрсатган ҳолда техник-иқтисодий таҳлил қилиши керак.

Хозирги пайда хўжаликларда мавжуд бўлган ишлаб чиқаришни жадал-лаштириш воситалари (ерга ишлов бериш воситалари, уруғ, ўғит, кимёвий ҳимоялаш машиналари, ёнилғи ва бош.) нинг мавжудлигига қараб, экстенсив, нормал, интенсив (жадал) ва юқори даражадаги интенсив технологиялар қўлланади.

Экстенсив технологиялар органик ва минерал ўғитлардан фойдаланмасдан фақат тупроқнинг табиий унумдорлигидан фойдаланишга йўналтирилган технологиядир. Нормал технология тупроқнинг ўртача унумдорлигини ва унумдорлиги йўқотилишининг олини оадиган, ўсимликларни парваришлишнинг ўртача даражасини таъмсинлаш имконини берадиган органик ва минерал ўғитлар солиб фойдаланишни кўзда тутади.

Интенсив (жадал) технология ўсимликларни оптимал даражадаги минерал озиқа билан таъминлашни ва ўсимликнинг касалликлари, зааркунандалари, бегона ўтлар ва бошқалардан кимёвий ҳимоялашни қўллашни кўзда тутади.

Юқори интенсив (жадал) технология нафақат ўсимликларни оптимал даражадаги минерал озиқа билан таъминлашни, ўсимликларни касалликлар, зааркунандалар, бегона ўтлар ва бошқалардан кимёвий ҳимоялашни қўллашни кўзда тутади, балким комбинациялаштирилган машиналаран фойдаланган ҳолда ерларни сиқат жиҳатидан кескин фарқ қиласиган ерлани шудгорлаш, экишга тайёрлашнинг янги усусларидан, аниқ, бир хил

чуқурликка экадига сеялкалардан, парваришилаш жараёнини сифатли таъминлайдиган машиналар ва прецизион пуркагичлардан, нобудгарчиликка кам йўл қўядиган, юқори унумли техник воситалардан, қайта ишлишда кам чиқитли машиналардан фойдаланишни кўзда тутади.

Нормал тнехнология етиштириладиган ўсимликларнинг биологик потенциалининг 50% дан, интенсив (жадал) технология 65% дан, юқори интен-сив (жадал) технология эса 85% дан ортикроғидан фойдаланишни таъминлайди.

Технологияларни тузишда ҳар бир хўжаликнинг ўзи учун экинларни етиштиришнинг асоси бўлмиш экин етиштириш технологияларидан фойдаланилади. Бундай асосга тупроққа асосий ишлов бериш, тупроққа экиш олдидан ишлов бериш, экиш, экинларни парваришилаш ва ҳ.к. технологиялар киради. Ушбу технологиялар тегишли махсулот ишлаб чиқиш учун тугалланган босқич учун керак бўладиган, оптимал равишида тузилган ва шакллантирилган технологик жараёнлардан ташкил топади. Мисол учун пахта етиштириш учун “Ерга асосий ишлов бериш” технологияси қуидаги, майдонни ғўзапоядан тозалаш, ўғитлаш, кузги шудгор каби технологик жараёнларданузилган. Зарур ҳолларда, ерларни текислаш, яхоб суви бериш, шўр ювиш ва шу каби жараёнларни қўшимча бажарилиши мумкин.

Технологияларни амалга ошириш учун, ўз таркибига энергетик, технологик, транспорт, юклаштушириш, назорат қилиш-бошқариш ахборот билан таъминлаш каби машиналар қўлланилади. Ҳар қандай машина энергияни, материални ёки ахборотни қайта ишлайдиган механик қурилма ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик машиналари технологик машиналар қаторига киради.

Табиатда ўсимликлар инсон аралашувисиз ўсади ва ривожланади. Аммо қишлоқ хўжалик тармоғида инсон ўсимликтининг ривожланишини назорат қиласи. Улар машинадан ўсимликларни ўстириш, парваришилаш ва махсулотини ишлаб чиқаришда ўзларининг имкониятларини кенгайтирадиган восита сифатида фойдаланади.<sup>1</sup>

Фермер ўз ерида экинлар етишитириши ва ундан юқори ва сифатли махсулот олиш учун қандай ишларни амалга ошириши кераклигини ва аниқ бир операцияларни амалга оширилишини билиши керак. Биринчси операцияси ерларни тегишли чуқурликда ва сифатли шудгорлаш, ундан кейин ерларни экишга тайёрлаш керак бўлади. Учинчи операция-экиш операцияси бўлиб, у уруғларни тайёрланган жойга тайинланган чуқурликка

<sup>1</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552

ва уруғлар ораси кенглигини белгиланган оралиқда жойлаштириш операциясидир. Шулар билан биргаликда у тупроқнинг ҳарорати, намлиги, уруғларни қачон экиш лозимлиги, уларнинг ўсиши ва ривожланишини, зараркунанда ва касалликлардан ҳимоялашни, экинларни парваришлашни ва бошқаларни ва охирги операци етиштирилган ҳосилни ва фермер учун иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган ўсимликнинг қисмларини йиғишириш ва шу каби билиши керак. Ана шуларнинг барчасини қишлоқ хўжалиги машиналари билан амалга оширилади<sup>2</sup>.

Ҳар қандай машинада асосан уч қисмдан, яъни ишлов берадиган объект(тупроқка,уруғликка, ўсимликка, ўғиттларга ва ҳ.к) га бевосида таъсир кўрсатадиган: движател, оралиқ механизмлар ва ишчи органлардан ташкил топади. Ҳар бир машина битта ёки бир нечта технологик операцияларни бажаради, уларнинг таъсирида ишлов берилаётган объектнинг физик ва биологик ҳоссалари, ўлчамлари, шакли ҳолати ва бошқа сифатий кўрсатгичлари тубдан ўзгаради. Қишлоқ хўжалик машиналари бошқа тармоқда ишлатилаётган машиналардан фарқли ўлароқ бевосита жонли табиат: турли хил жонли организмлар макони бўлмиш тупроқка, уруғлар, ўсимликлар ва бошқаларга бевосита таъсир кўрсатади.

Технологик жараённи бажаришда машиналар биринчидан- ўсимликнинг ривожланиши учун энг қулай шароит яратиши керак, иккинчидан-уларга зарар етказмаслиги ва ривожланишига тўсқинлик қиласидиган шароит туғдирмаслиги керак. Шунинг учун янги машинани яратиш ёки саноатда ишлаб чиқилган машинани танлашда ишлов бериладиган объектнинг технологик ҳоссаларини ва етиштирилладиган ўсимликнинг агробиологик хусусиятларини ҳамда тупроқ-иқлим шароитларни ва ишлов бериш муддатларини ҳисобга олиш керак бўлади. Шулар билан биргаликда, машиналардан самарали фойдаланиш учун ўсимликлар ҳам машиналар билан етиштириш технологиясига мослаштирилган бўлиши керак<sup>3</sup>.

Ҳар қандай экиннинг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида уни экишдан олдин тупроқка ишлов бериб, уни қулай ҳолатга келтириш зарур. Ерга ишлов беришда асосий эътиборни тупроқни ҳимоялаб, унинг унумдорлигини тиклашга каратиш керак. Шу максадда, тупроқка ишлов беришнинг анъанавий ҳамда ресурс тежамкор усувларидан фойдаланилади.

Анъанавий усуlda плуг билан ерни чуқур (20 см дан купрок) хайдаб, асосий ишлов берилади. Кейинчалик эса турли тирма, культиватор, фреза

<sup>2</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552

<sup>3</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552

каби машиналар билан ерга саёз ишлов берилади. Плуг билан ишлов беришда тупроқнинг устки катлами қирқилиб ажратилади ва ён томонга силжитилиб суриласди, маълум бурчакка буриб ағдарилади. Ағдарилиш натижасида қирқилган палахса қатлами деформацияланиб майдаланади, аралаштирилади, бегона ўт уруғлари ва ўсимлик колдиклари хамда хашаротлар кўмилади, ер бетига эса тупроқнинг пастки, яъни чириндига бойроқ қатлами чиқарилади.

Анъанавий усулдан фойдаланиб, чукур ва ўта чукур (27 см ва ундан ортиқроқ) шудгорлаб, бегона ўтларни кескин камайтириш мумкин. Аммо ағдариб хайдаш ҳам тупроққа салбий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки ер бетига чиқарилган органик моддалар қуёш нури ва бошқа омиллар таъсирида парчаланиши, таркибидаги углероднинг атмосферага учуб кетиши хамда тупроқ эррозияси кучайиши мумкин. Бу эса тупроқ унумдорлигини пасайтиради.

Суғориладиган ерларда 2-3 марта ҳосил олиш учун тупроққа интенсив ишлов бериш технологиясидан фойдаланилади. Бу эса далага машина-трактор агрегатларини, шу жумладан, шудгорлаш агрегатларни кўп марта киритишга олиб келади. Натижада тупроқнинг устки катлами уваланиб чангга айланиши, пастки қатламининг эса зичланиши кучаяди. Бундан ташкари, плуг билан бир неча йил давомида ерга бир хил чукурликда ишлов берилганда шудгор тубида зичланган „берч товон“ деб номланадиган қатлам пайдо бўлиб, ўсимлик илдизининг ривожланиши ва сувнинг шимилишига тўсиқлик қиласди. Бундай ерлардан олинган ҳосил нисбатан пастроқ бўлади. Ерга солинган минерал ўгитнинг самараси ҳам кам бўлади. Шу сабабли сўнгги вақтда дунёда рсурс тежамкор технологиялар кенг таркалмокда.

Ресурс тежамкор технологияни баъзи мутахассислар нул, минимал, альтернатив, мулчалаш, пушталаш технологияси деб аташади. Уларнинг асосий кўрсаткичи ерга ишлов беришда плугдан ҳар йили фойдаланмаслиқдир. Шу сабабли бир нечта технологик операцияларни мужассамлаштирилган-комбинациялаштирилган агрегатнинг бир юришида бажариб, тупроқ зичланишининг олдини олиш максадга мувофикдир<sup>4</sup>.

Ғалладан сўнг такрорий экинни юқоридаги технологияда экиш учун пояларни баландроқдан ўриб, улар массасининг 30% ини *анғиз* кўринишида қолдириш керак. Экин экиш учун анғизнинг факат уруғ кўмиладиган жойигина турли чизел, культиватор, чукуртилгич, чукурюмшаткич кабилар

<sup>4</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552

ёрдамида юмшатилади. Ўн томонга кия энгашган устунга ўрнатилган тишли „параплау“ туридаги чуқурюмшаткичдан фойдаланиш яхши натижа беради.

Чуқурюмшаткич — тилгич хар 3-4 йилда бир маротаба 0,5-0,6 м чукурликкача 1,5...2,5 м оралик колдириб ишлатилади. Натижада илдиз ривожланадиган жой кенгаяди. Бундай усул “йўлаклаб“ ишлов бериш деб аталади.

*Нул* технологияси шудгорламасдан экиш ёки бевосита экиш ҳам дейилади. Бу усулда даланинг 25% гагина механик ишлов берилади, қолган жойдаги бегона ўтлар гербицид ёрдамида йуқотилади.

*Ресурс тежамкор* технологиядан фойдаланилганда, тупроқни экин экиш учун тайёрлашга сарфла харажатлар камаяди.

Республикамиз далаларини шудгорлашда осма плуглардан купроқ фойдаланилмокда. Улар, асосан, ғилдиракли тракторлар билан агрегатланади. Ғилдиракли трактор билан плугни агрегатлашнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш лозим. Плугларни энергия ва ресурс тежамкорлик билан ишлатиш учун қуидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Тупроғи юмшоқ бўлган дала шароитида ғилдиракли тракторнинг судраш қобилияти бирмунча чекланган бўлади. Шу сабабли у агрегатлай оладиган юргизилади. Республикамиз шароитида оғир тупроқли далаларни катта чуқурликда шудгорлашда бу камчилик яққолроқ кўзга ташланади. Оддий осма плуг билан шудгорлашда шудгор жўяклари ҳамда тупроқ уюмларини камайтириш максадида дала пайкалларга ажратилади. Пайкалларни шудгорлаш навбати ва уларда ҳаракатланиш тартиби маҳсус схемала буйича плугнинг камров кенглиги  $B_{пл}$  трактор ғилдираклари оралиғи  $B_{тр}$  га нисбатан кам бўлади. Шу туфайли шудгорлаш агрегати учун дала белгиланган тартиб буйича пайкалларга ажратилади. Пайкал ичida ҳаракатланиш тартибида тафутлар бор, чунки тракторнинг ўнг ғилдираги (ўнг томонга ағдарадиган корпуслар ишлатилиши сабабли) доимо шудгорланган ерда юради. Шароитга қараб, агрегатни пайкалда юритиш схемаси хам турлича булиши мумкин.

Пайкалларда ҳосил бўладиган тупроқ уюмини иложи борича кичикроқ қилиш мақсадида корпусли плугдан тузилган агрегатнинг дастлабки 4 та юришини ташкил қилиш тавсия этилган 4 ва 5 корпусли плуглар учун хам шу тартибдан фойдаланиш мумкин.

### 1.2. Тупроққа ишлов бериш тизимлари

Қишлоқ хүжалик әкинларини етиштиришда фойдаланиладиган бир неча технологик операциялар ёки жараёнлар тупроққа ишлов бериш тизимини ташкил этади. Тупроқ иқлим шароитига, әкин етиштириш технологияларига боғлиқ ҳолда *ағдариб шудгорлаш, ағдармасдан шудгорлаш ҳамда минимал ишлов берииш тизимлари* қўлланилади.

*Тупроқни ағдариб шудгорлаш тизими* – тупроқ қатламини ағдариб шудгорлашни кўзда тутади ва у әкин қолдиқларини, бегона ўт уруғларини, касаллик пайдо қилувчи барча организмларни тупроқнинг пастки қисмига кўмилишини таъминлайди. Бунда әкин қолдиқлари аэроб микроорганизмлари таъсирида парчаланиб, эрийдиган минерал бирикмалар ҳосил қиласди, ўт уруғлари, касаллик туғдирувчи организм личинкалари эса ўлади.

*Тупроқ қатламини ағдармасдан шудгорлаш* – (ишлов бериш)да тупроқ қатлами ағдарилмайди, у анфизни сақлаган ҳолда чуқур юмшатилади. Бунда тупроқ шамол эррозиясидан ҳимоя қилинган бўлади. Бундай тизим чўл минтақаларида кўп кўлланилади, эррозия жараёнининг олди олинади, ҳамда намгарчилик кам бўладиган туманларда нам тўплаш ва сақлаш усули сифатида кенг фойдаланилади.

*Тупроққа минимал ишлов берииш тизими* – тупроққа ишлов бериш сони ва чуқурлигини камайтиришни, бир неча технологик операцияни бир пайтнинг ўзида биргаликда агрегатнинг бажаришни кўзда тутади. Бу тизимни тупроқ зичланишининг олдини олиш, тупроқнинг трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари ғилдираги таъсирида чангга айланишининг олдини олиш ҳамда тупроқни тайёрлаш муддатини камайтириш мақсадида қўлланилади.

Тупроққа ишлов бериш тизимлари тупроқни ҳимоя қиласди, энергия тежамкор, атроф муҳитга заарсиз ҳамда иқтисодий жиҳатдан оқланган бўлиши керак. Бундай талабларни бажариши машиналарни тўғри танлаш, биргаликда қўлланиладиган машиналарнинг оптимал нисбатини аниқлаш, машиналар техник ҳолатини соз ҳолатда ушлаш, тўғри агрегатлаш ва созлаш билан чамбарчас боғлиқидир.

### 1.3. Тупроққа ишлов бериш турлари ва жараёнлари

Машиналар ишчи органлари билан ишлов бериш чуқурлигига ва бажари-ладиган операцияларга боғлиқ ҳолда тупроққа асосий ишлов бериш асосий, саёз ва маҳсус ишлов бериш турларига бўлинади.

*Ерга асосий ишлов берииш* – әкин йиғишириб олинганидан кейин тупроққа 20...45 см чуқур ишлов беришни ўз ичига олади. Бу плуглар билан амалга оширилади, тупроқ қатлами ағдарилиб, кейинчалик уни юмшатиб

ишлоў берилади. Эррозияга учрайдиган ерларда тупроқ қатлами ағдарилмасдан 25–40 см чуқурликда юмшатилади, ишлов берилади.

*Ерга саёз ишлов берииш–экин олдиdan, экиш пайтида ёки экишдан кейин ерга 14 см чуқурликкача амалга оширилиши тушунилади. Уни лушчилниклар, культиваторлар, тирмалар, мотигалар, ғалтак молалар, тупроқ фрезалари ёрдамида амалга оширилади. Бунда тупроқ юмшатилади, аралаштирилади, зичланади, бегона ўт илдизлари қирқилади ва ўғитлар кўмилади.*

*Ерга маҳсус ишлов берииш – ерларни ўзлаштиришда, ўсимликларнинг нормал ривожланишини таъминлаш мақсадида қандайдир маҳсус шароит яратиш мақсадида қўлланиллади. Бунга чангальзор – ботқоқбоп плуглар, плантажбоп, ярусли плуглар билан ерларни чуқур юмшатиш, фрезалаш, пушта олиш киради.*

### ***Ерга асосий ишлов бериишининг турлари:***


- Тупроқ қатламини ағдариб ишлов бериш – плуглар.
- Тупроқ қатламини ағдаримасдан ишлов бериш – ағдаргичсиз плуг, чуқур юмшатгич, культиватор, чизел плуглар.
- Тупроқ қатламига эррозияга қарши ишлов бериш – шудгорда сувни ушлаб қолиш учун тупроқда маҳсус рельеф ҳосил қилиш, анғиз қолдириш.
- Мулча ҳосил қилиш – ўсимликнинг майдаланган қолдиқлари билан ёпилган, ишлов берилган ер.
- Минимал ишлов бериш – ишлов бериш сони ва чуқурлиги камайтирилган ва агрегатнинг бир ўтишда амалга ошириладиган ишлов бериш тушиниллади.
- Кузги шудгор – ёз, кузда ишлов берилган ва баҳорда экишга мўлжалланган ишлов бериш.
- Шудгорланган ва экин экилмаган ерга дам бериш.
- Сидерал пар – тупроққа аралаштириб юборишга мўлжалланган дуккакли ва бошқа экинлар экилган ерга ишлов бериш.

Тупроқка ишлов бериш натижасида унинг унумдорлиги ортади, бегона ўтлар йўқотилади, намлик тўпланади ва сақланади, тупроқдаги фойдали бактерияларнинг яшаси ва ривожланиши учун шароит яхшиланади. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги операциялар бажарилади:

**Ағдариш** — тупроқ палахсасининг пастки ва устки катламларини бир-бирига нисбатан ўзгартиришdir тушиниллади. Боткоқлик ва чим босган ерларда палахсани горизонтал ўқ атрофида  $180^\circ$  га буриб, тўлик тўнтарилади. Ҳар йили шудгорланадиган, яъни маданийлаштирилган

ерларда эса палахсани  $130^{\circ}\dots140^{\circ}$  гача буриб ағдарилади (2-б расм).

Айрим вазиятларда, масалан, палахсадаги таркиби турли хил булган катламларнинг жойини ўзаро алмаштириб, тупроқнинг унумдорлигини оширишда ёки бегона ўтларни чукур күмиб йуқотишда күш ярусли шудгорлашдан фойдаланилади (1-г расм). Бу усулда палахсани яхлит кўринишда эмас, балки бир нечта қатламларга бўлиш, агроном тайинлаган тартибда уларнинг жойларини алмаштириб шудгорлаш ишлари бажарилади.



**1 расм. Тупроққа асосий ишлов бериш схемаси**

**Юмшатиш**—яхлит катламни заррачалар шаклида майдалаб, тупроқнинг ғавваклигини оширишини тушинилади. Бунда тупроқнинг дастлабки ҳажми кўпайиб, ҳаво ва сувнинг ҳаракатланиши яхшиланади.

**Зичлаш**—юмшатишга тескари жараён бўлиб, унинг натижасида тупроқнинг ғоваклик даражаси камайиб, капилляр каналлари тикланади ва сувнинг буғланиши кучаяди.

**Текислаш**—дала юзасидаги нотекисликларни йўқотиб, уруғни сифатли экиш, кейинчалик эса бир текис суғориш учун шароит яратишdir.

Шундай килиб, маълум тартибда бажарилган бир нечта операциялар технологик жараённи ташкил килади. Кўпинча, машинанинг битта ишчи кисми муайян технологик жараённи бажаради. Масалан, шудгорлаш технологик жараёнини бажараётган плуг корпуси тупроқ палахсасини тубидан ва ён томонидан (шудгор девори буйлаб) кесиб олади, агдаради, юмшатади ва аралаштиради. Ерни шудгорлаш, чукур юмшатиши, ангиз ва чимли дала юзасини саёз юмшатиши, культивациялаши, тирмалаши, зичлаши,

фрезалаши каби технологик жараёнлар кенг таркалган. Булардан ташқари бегона ўтларни йўқотиш; жўяқ, пушта ва ариқ олиш каби технологик жараёнлар мавжуд.

Бир нечта технологик жараёнлар мажмуаси *тупроққа ишлов бериш тизими* дейилади. Масалан, тупроқка ишлов беришнинг асосий (чукур) ва қўшимча (саёз) тизимлари мавжуддир. Асосий ишлов бериш икки кўринишида- тупроқ палахсасини ағдариб ҳамда ағдармасдан шудгорлаб бажарилади. Қўшимча ишлов бериш эса экишдан олдинги ва экишдан кейинги турларга бўлинади.

1 - жадвал

Тупроққа ишлов бериш усуллари	Шудгорлаш турлари
Шудгорлаш;	Маданий;
Култивациялаш;	Тупроқ қатламини тўлиқ ағдариш ( $180^0$ );
Фрезалаш;	Плантаж (40 см ва чукур);
Тирмалаш;	Жўяқ – поғонасимон;
Текис ишлов бериб юмшатиш;	Контурли;
Чизеллаш;	Жўяқ олиб шудгорлаш;
Саёз шудгорлаш (тирма ва культиватор билан ишлов бериш мураккаб бўлгандা);	Мелиоратив;
Зичлаш;	Қисман ағдариб шудгорлаш;
Жўяқ, ариқ пушта олиш;	Ағдармасдан шудгорлаш;
Шлейфлаш;	Икки ва уч яруслаб шудгорлаш;
Чукурча ҳосил қилиш;	Чукур юмшатгичлар ёрдамида шудгорлаш;
Тирқиш ҳосил қилиш.	Тезкор шудгорлаш;
	Текис шудгорлаш;
	Ром шаклида шудгорлаш.


#### **1.4. Тупроққа ишлов бериш машиналари ва қуроллари**

Тупроққа ишлов бериш машина ва қуролларининг асосий ишчи қисми тупроқ билан ўзаро таъсирда бўладиган, талаб даражасида юмшатадиган, ағдарадиган, аралаштирадига, хуллас агротехник талаб даражасида ишлов берадиган, пона асосида яратилган ишчи органлар: турли шаклга эга бўлган ағдаргичлар, сферик дисклар ва юмшатувчи тишлар ёки уларнинг гурухлари

хисобланади. Улар тупроққа талаб даражасида ишлов беришини амалга ошири рама, ғилдирак, осгич ёки улагич, бошқариш ва сақлаги ва турли хил жиҳозлар ёрдамида амалга ширилади. Булар ишчи органларнинг юқори сифатда ишлишини таъминловси воситалар ҳисобланади<sup>5</sup>.

Ҳар қандай фермер, тупроққа ишлов бериш учун турли хилдаги машиналарни танлашади. Улар машиналарни тупроқ-иклим шароитларни, ўсимликнинг турларини ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда танлашади. Аммо, кўпчилик фермерлар ерларга ишлов беришда асосан бита усулни танлашади, яъни плуглар билан шудгорлашни танлашади. Бунда ағдаргичли корпуслар, дискли корпуслар билан жиҳозланган плуглардан, чизел ва чизели плуглардан, култиваторлар ва бошқалардан фойдаланишади.

Ағдаргичли корпус билан жиҳозланган плугларнинг асосий ишчи қисми корпус бўлиб, лемех, ағдаргич, трак тахта ва устиндан ташкил топган (2-расм). Ағдаргичли корпуслар билан жиҳозланган плуглар деярли




**2-расм.** Ағдаргичли корпус.


а-исканали лемех билан жиҳозланган корпус; б-трапециясимн лемех билан жиҳозланган корпус, бир хил ишчи ва ёрдамчи қисмлардан: корпус, пичоқ, чимқирқар, рама, осгич, ғилдирак, сақлагич ва бошқа қисмлардан тузилган. Хорижда ишлаб чиқарилган плуглар (3-расм) асосан турли конструкцияга эга бўлган<sup>6</sup>

<sup>5</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552

<sup>6</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552



**3-расм.** Ағдаргичли плугларнинг пичлқлари. а-текис, пружина билан жиҳозланган пичноқ; б-қирраси «илон изи» шаклда эгилган пичноқ; в-қиррасида тишлар чиқарилган пичноқ; г-сферик бискли пичноқ пичноқлар билан жиҳозланган бўлиб, улар шудгор деворининг силлиқ ва текис бўлишини, тупроқни ва бегона ўт илдизларини қирқишида энегияни тежаш ва корпус устунларига бегона ўтлар ўралиб қолишининг олдини олади.




**4-расм.** Ағдаргичли осма плуг.

Ҳорижий мамлакатларда осма, тиркалма ва ярим осма плуглар ишлаб чиқарилади. Осма плугларнинг афзаллиги, уларнинг конструкцияларининг соддалиги, бошқарилишининг (автоматик) осанлиги ҳамда нисбатан арзанлиги ҳисобланади. Камчилиги эса тракторнинг плугни транспорт ҳолатига кўтариб, бир жойдан иккинчи жойга кўчишида, унинг ағдарилиш ҳавфи қўпроқлиги ва плуг билан ишлов бериш чуқурлигининг ер рельефига нисбатан ўзариши ҳисобланади. Ярим осма плуглар нисбатан қимматроқ, аммо улар тупроққа бир хил чуқурликда ишлов беради<sup>7</sup>.

Ағдаргичли плугларнинг ишчи органлари қўпинча сақлагичлар билан жиҳозланади (5-расм).

<sup>7</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552



**5-расм.** Ағдаргичли плугларга ўрнатилган сақлагачнинг умумий кўриниши.

Ағдаргичли плуглар ишлов берилаётган тупроқ қатламини ўнг томонга ағдариб шудгорлашга мўлжалланган. Шунинг учун участкалар бўйлаб шудгорлаганда, шудгорланган майдонда чуқурлиги ишлов бериш чуқурлигига teng бўлган ариқ ёки тупроқ уюми ҳосиб башлади, уларни текислаш учун қўшимча меҳнат, маблағ ва энергия сарфланади. Шу муносабати билан плуглар ўнг ва чап корпуслар билан жиҳозланади ва улар бир-бирига нисбатан қарама-қарши жойлаштирилади- бу плуг тўнтарма ёки текис шудгорлайдиган плуг деб номланади. 5-расмда Германиянинг «Лемкен» фирмасининг плугларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин<sup>8</sup>.



**6-расм.** «Лемкен» фирмасининг текис шудгорлайдиган плуги.

«Лемкен» фирмасининг плугларининг корпусларининг ўрнатилиш бурчаги агрегатнинг ҳаракатланиш йўналишига нисбатан ўзгартирилиши имкониятлари, уларнинг ҳар қандай турдаги тупроқ бўлишига қарамасдан тайинланган ишлов бериш чуқурлигига енгиллик билан кириши таъминланади. Корпуслари ишчи сиртини конструкцияси талаб даражада


<sup>8</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552

сүйри тайёрланганлиги ва мустаҳкам пўлат ёки пластик материалдан тайёрланганлиги сабабли тупроқнинг қаршилиги минимум даражагача камаяди. Шу билан биргаликда плугнинг ишчи органлари сақлагич курилма билан жиҳозланган(6-расм).



**7-расм.** «Лемкен» фирмасининг текис шудгорлайдиган плугига ўрнатилган сақлагичнинг умумий кўриниши.

Шудгорлашда ишлатиладиган дискли плугларнинг тузилиши ағдаргичли плугларнинг тузилиши билан деярли бир хил (8-расм) .




**8-расм.** Дискли плуг.

Фарқи фақат ишчи органларида, халос. Унинг корпуслари сферик ёки конуссимон диск бўлиб, уларнинг диаметри 60 ва 70 см.ни ташкил этади. Дискли плуглар ҳам осм, ярим осма ва тиркалма вариантда ишлаб чиқилади. Улар асосан ағдаргичли корпуслар билан жиҳозланган плуглар қониқарсиз

ишлайдиган тупроқли ерларда, яғни оғир тупроқли, қуруқ ва қаттиқ ва ўта соз тупроқли ерларни шудгорлашда қўлланилади. Дискларнинг ишчи тифи ўткирланади, улар алоҳида-алоҳида устунларга ва уларга жойлаштирилган ўқига подшипник ёрдамида ўрнатилади. Дислар плуг рамасига шудгор тубига нисбатан 65 - 75 градус, агрегатнинг ҳаракат йўналишига нисбатан 42-45 градус бурчак остида ўрнатилади. Сферик дискнинг тифи узунлиги лемехлар тифи узунлигидан бир-неча баробар узун бўлганлиги сабабли, бир хил шароитда унинг тифи нисбатан камроқ ўтмаслашади<sup>9</sup>.


Маҳаллий шароитда осма (9-расм), тиркалма (10-расм) ва ярим осма (11-расм) плуглар ишлатилади. Ерларни шудгорлашда дискли плуглар деярли ишлатилмайди. Ушбу плугларнинг тузилиши ва иш жараёни ҳорижда ишлаб чиқилган длугларнинг тузилиши ва технологик иш жараёнидан деярли фарқ қилмайди. Конструктив жиҳатлари билангана фарқ қиласди. Ҳорижда ишлаб чиқилган плугларда (м.у. АҚШ) чимқирқар ишлатилса, маҳаллий шароитда шудгорлаш жараёнида чимқирқардан кенг фойдаланилади 8, 9 ва 10 расмларда келтирилган плуглар сақлагич билан жиҳозланмаган, ҳорижда шлаб чиқилган плугларнинг деярли барчаси сақлагичлар билан жиҳозланган.




**9-расм.** ПЛН-5-35 плугининг умумий кўриниш схемаси. 1–чимқирқар; 2–корпус; 3–кронштейн; 4–тирманинг кронштейни; 5–асосий рама; 6–пичноқнинг кронштейни; 7–дисксимон пичноқ; 8–таянч ғилдирак; 9–осгич; 10–бўйлама брус; 11–кўндаланг брус; 12–осгич кронштейни; 13–чимқирқар

---

<sup>9</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552



**10-расм.** Тиркалма плуг. 1–чимқирқар; 2–корпус; 3–орқа ғилдирак; 4–тирма улагичи; 5–орқа ғилдирак тортқиси; 6–штурвал; 7–дала ғилдирак штурвали; 8–рама; 9–улаш қурилмаси; 10–дала ғилдираги; 11–шадгор ғилдираги



**11-расм.** Ярим осма плуг. 1–улаш қурилмаси; 2–олд ғилдираги; 3–рама; 4–ўнг ғилдирак; 5–корпус; 6–чимқирқар; 7–транспорт ғилдираги; 8–пневматик ғилдирак; 9–дискили пичоқ;

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, тупроққа асосий ишлов беришда қўлланиладиган турли туман машина ва қуроллар мавжуд ва улардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Шу билан биргаликда уларни такомиллаштириш зарурияти ҳам мавжуд. Бундай ишларни машиналардан фойдаланишда, яратишда ва ишлаб чиқишда энергияни (ёнилғини) тежаш йўналишида олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун тупроқ-иқлим шароитни ҳисобга олган ҳолда тупроққа ишлов

бериш усулини танлаш, турли технологик жараёнларни бир вақтда битта машинада амалга оширишни йўлга қўйиш, плуглар билан шудгорлашни вақти-вақти билан чуқур юмшатиш, текис юмшатиш, чизеллаш, дискалаш ва бошқалар билан алмаштириб ишлов бериш, универсал, комбинациялаштирилган, юкори унум ва тезкорлик билан ишлайдиган тупроққа ишлов берадиган машиналани яратиш ва шу кабиларни амалга ошириш керак.

### 1.5. Ерларга экиш олдидан ишлов бериш машиналари

Ерларга экишдан олдин ишлов бериш кўпинча ерларга иккиламчи ишлов бериш деб аталади. Бажариладиган технологик жараёнлар орасида ҳамиша ҳам аниқ бир фарқ сезилмайди. Ерларга асосий ишлов бериш, экилган, ҳосили ва поялари йиғишириб олирган ерларга ишлов бериш ва натижада ер тупрогининг мустаҳкамлигини камайтириб, юмшатиб, аралаштириб, ўсимлик қолдиқлари ва ер юзасидаги барча нарсаларни тупроқ билан кўмиш бўлса, у тупроққа иккиламчи ишлов бериш, яъни экишга тайёрлаш-экилган уруғларнинг унуб чиқиши, дуркун ривожланиши учун шароит яратиб бериш ҳисобланади<sup>10</sup>.

Фермер ерларни экишга тайёрлашда бир ёки бир нечта технологик операцияларни кўзда тутиши мумкин. Мисол учун фермер маҳаллий шароитда ерларни экишга тайёрлашда дала шароитидан келиб чиқсан ҳолда тирмалаш, дискалаш, молалаш, чизеллаш ва бошқа операцияларни танлаши мумкин. Уларни амалга оширишда қуйидаги техникалардан фойдаланади.

#### *Тишли тирмалар.*

Тишли тирма (12-расм) нинг ишчи органи икки ёнли понага ўхшаш тиш бўлиб, олдинги қирраси билан тупроқни бўлиб қирқади, ён қирралари билан эса, тупроқни суради, эзади ва тупроқ заррачаларини силжитади ва катта кесакларни парчалайди. Тишлар алоҳида тайёрангандан бир-бири билан ўаро уланган бикир ёки шарнирли рамага қотирилади. Тўрсимон ва ўтлоқзорларда ишлатиладиган тирмалар шарнирли рама билан жиҳозланади. Бундай тирмалар даланинг микрорельефига яхши мослашади ва уларнинг барча тишлари тупроққа бир хил чуқурликда ботиб ишлайди.

Тишли тирмалар тупроққа 3...10 см. ботиб ишлов бериши мумкин. Тишли тирмалар кўндаланг кесим юзаси тўртбурчак ва новсимон шаклли планкалардан ташкил топган бшлиб, уларнинг кесишигандан жойларига тишлар қотирилади. Тишлар рамада шундай жойлаштирилиши керакки, унда ҳар бир тишнинг ўзи алоҳида тупроққа ботиб, ишлов бериши керак. Тишлар


<sup>10</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-55

қолдирган изларининг орасидаги масофа тирманинг турига боғлиқ бўлиб, у 22 мм. дан 49 мм.гача бўлиши мумкин. Тишларнинг орасига кесаклар ва бегона ўтлар қолдиқлари тиқилиб қолмаслиги учун қаторда қўшни жойлашган тишлар ораси 15 см. дан кам бўлмаслиги керак.

Кўндаланг кесими квадрат бўлган тишлар ўткир қирраси билан агрегатнинг ҳаракатланиши бўйлаб, овалсимн тишлар эса айланасимон томони билан, тўрт бурчак шаклли тишлар-қисқа ёки узун томони билан ўрнатилади.

Тирманинг ишлов бериш чуқурлиги ҳар бир тишининг тупроққа кўрсатган босимига, улагич поводогининг узунлигига боғлиқ. Тишларининг кўндаланг кесими квадрат шаклга эга бўлган тирмаларда эса тишларининг қия қирқилган томонининг агрегатнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилишига ҳам боғлиқ.


Тирманинг оғирлик қучи даъсирида ҳар бир тишига тушадиган босим микдорига қараб, тирмалар *оғир* (хар бир тишига таъсир этадиган босим 20...30 Н), *ўртacha оғирликдаги* (10...20 Н) ва *енгил* (5...10 Н) тирмаларга бўлинади.



**12-расм. Тишли тирма**

1- тирма тиши; 2- платформа

**Тирма турлари:** оғир тирма, ўртача оғирликдаги тирма, енгил тирмалар, тўрсимон тирма, шлейф тирма, ротацион юлдузча ва шу кабилар. 13 ва 14-расмларда тўрсимон ва шлейф тирмаларнинг умумий кўриниши келтирилган.



13-расм. Түрсимон тирма.



14-расм. Шлейф тирма.

*Дискли тирмалар.*


Дискли тирмалар енгил (далабоп ва боғбоп), оғир тирмаларга бўлинади. Далабоп тирмалар, шудгорга ишлов беришда, шудгорланган ва ўт босган ерларни юмшатишда, анғизга ишлов беришда, ажриқлари кам бўлган ўтлоқзорларни янгилашда ишлатилади. Боғбоп тирмалар боғ дараҳтлари орасидаги тупроққларга ишлов беришга мўлжалланган. Уларнинг тупроққа 10 см. чуқурликкача ишлов беришга мўлжалланган. Оғир тирмалар янги ўзлаштирилган чўл ерларини, ишлов берилган, лекин маълум бир маддат экин экилмаган, ажриқ босган ерларга ишлов бериш, ботқоқли ерларни дискалаш, ўтлоқзор ва яйловзорларга ишлов бериш, ўсимлик қолдиқлари ва ўғитларни тупроққа кўмишга мўлжалланган.

Ёнгил тирманинг ишчи органи диаметри 450 ва 510 мм. бўлиб пўлатдан тайёрланган сферик дискдир. Оғир тирманинг дисклари диаметри 660 мм. бўлиб, улар гардишлари силлиқ ёки тишлар чиқарилган бўлади. Тишлар чиқарилган дисклар тупроққа яхши ботади ва ўсимлик

қолдиқларини яхши майдалайди. Квадрат ўққа ўрнатилган бир неча дисклардан ташкил топган қурилмани батарея деб ном берилган. Батареяда дисклар орасида маълум бир масофа қолдирилиб йифилади. Уларнинг орасига масофани чегараловчи втулка қўйилади. Батарея подшипник ва унинг корпуси ёрдамида рамага маҳкамланади, агрегет ҳаракатланганда батарея айланади. Батареялар рамага икки қатор қилиб жойлаштирилади. Олдинга ўрнатилган батареялар ткпроқни тирманинг бўйлама ўқига нисбатан ташқи томонга ағдарадиган бўлса, кейин ўрнатилган батареялар эса ички томонга ағдаради. Тупроқни янада яхшироқ майдалаш мақсадида, орқада жойлашган батареяларнинг дисклари одинда ўрнатилган батарея дискларига нисбатан силжитилган ҳолда ўрнатилади. Дискларнинг айланиш текислига ва агрегетнинг ҳаракатланиш йўналиши орасидаги бўрчакни ҳужум бурчаги дейилади. Уни 0 дан  $24^0$  гача ўзгартириш мумкин. Қуруқ ва қаттиқ ерларда ишлатилганда ҳужум бурчагини қаттароқ, нам ва енгил тупроқларга ишлов берилганда эса қамрокқа ўрнатилади.

Тирма илгариланма ҳаракатланганда, унинг дисклари тупроқ билан ўзаро таъсирда бўлиб, айланади ва тупроқни қирқиб олиб юқорига кўтариади. Ундан кейин тупроқ қандайdir баланликдан ерга тушади, диск ёрдамида ён томонга суриб қўйилади. Дискнинг сферик юзасида силжиши ва қандайdir баландликдан ерга тушиши натижасида тепроқ майдаланади, ағдарилади ва аралашади. Ҳужум бурчагини орттирилиши натижасида дисклар тупроққа чукурроқ ботади ва тупроқнинг майдаланиш даражаси ортади. Тупроққа ишлов бериш чукурлигини ўзгартириш, дискларнинг ҳужум бурчагини ва дискларнинг тупроққа босимин ўзгартириш йўли билан амалга оширилади. Дискли тирмаланинг дисклари, тишли тирмаларга нисбатан ўсимлик қолдиқлари билан тиқилиб қолмайди. Улар ўсилик қолдиқларининг ингичка илдизларини қирқади, йўғон илдизлар устидан юмалаб ўтади.

БДН-3 тирма (15-расм), осма дискли тирма бўлиб, у дисклари ўзгартириладиган тўртта батареядан ташкил топган. Қамров кенглиги 3 ёки 2 м.ни ташкил қиласи. Қамров кенглиги 3 м. бўлганда учта батареяларга 9 тадан, орқа томондаги чап батареяга эса 10 тадан дисклар ўрнатилади.




**15-расм.** БДН-3 дискли тирма.

а-далабоп дисксимон тирма; б-боғбоп дисксимон тирма; в, г—сферик ва ўйик дисклар.

Қўшимча қўйилган диск олдинга ўрнатилган батареялар ўртасида ишлов берилмай қолган ерни юмшатади. Қамров кенглиги 2 м. бўлганда учта батареяларга 6 тадан, тўртинчи батареяга 7 та диск ўрнатилади. Батареяларни рамага нисбатан 12, 15, 18, 21 ва  $24^0$  га буриб хужум бурчагини ўзгартириш мумкин.

Ерлани экишга тайёрлашда тупроқ фрезалари (16-расм)дан кенг фойдаланилади. Тупроқ фрезалари тепрокқа жадал равишда ишлов бериш, бегона ўтларни йўқотиш, ўсимлик қолдиқларини майдалаш, тупроқ қатламини аралаштириш, ўғитларни тупроқ билан кўмишда фойдаланилади. Тупроқни фрезалаш кўп энергия талаб қиласди. Шунинг учун оғир тупроқларда тупроқ қатламини жадал равишда майдалашда қўлланилади.




**16-расм.** Тупроқ фрезаси.

а-фрезанинг ишчи органи; б-тупроқ фрезасининг умумий кўриниши; в-чопик култиваторининг битта секцияси

Галтакмолалар (17-расм) тупроқни экиш олдидан ва экишдан кейин зичлашда қўлланади. Экишдан олдин ишлатилганда, ер юзасини текислайди, кесакларни майдалайди, тупроқни зичлайди, у тупроқнинг юза қисмини зичлаб, уруғни тупроқ билан узаро таъсирини яхшилади, пастки қатламдан намликтарни оқиб келишини кўпайтиради, натижада урганинг тез унуб чиқиши таъминланади. Қуруқ минтақаларда зичлаш йўли билан намлик йўқолишининг олди олинади. Тупроқнинг зичланиши ҳисобига ер майдонида агрегатнинг бир текисда харакатланиши таъминланади, ишчи тезликни ошириш имкони пайдо бўлади.

Улар бир неча турларга бўлинади:



**17-расм.** Ғалтак молалар.

а-цилиндрсимон; б-қабурғали; в-понасимон; г-тишли ва понасимон; д-қозиктишли; е-қозикчали.

Юқорида келтирилган машина ва қуроллар маҳаллий шароитда алоҳида алоҳида, жуда камдан-кам ҳолатларда биргаликда қўшиб илатилади. Лекин хорижий мамлакатларда бундай машина ва қуроллар ўрнига каомбинациялаштирилган машиналар кенг қўлланилади [2, 3 ва 4]. Ана шундай шиналардан бири Лемкен фирмасининг ротоцион тирмаси (18-расм) ни мисол қилиб келтириш мумкин.



**18-расм.** Ротоцион тирма.

Лемкен фирмасининг ротоцион тирмаси асосар икки қисмдан: вертикал ўқ атрофида айланадиган ишчи орган билан жиҳозланган тупроқ фрезаси ва ҳалқасимон тупроқ зичлагичдан иборат, Тупроқ фрезаси ишлов бериладиган ер тупроғини жадал равишида юмшатади, ҳалқасимон тупроқ зичлагич эса, яхши юмшатилган ва энг мақбул намлиқка эга тупроқни, кесакларини майдалаб, текислаб, зичлаб экишга тайёрлаб кетади. Натижада экишга тайёрланган тупроқ намлиги қочишининг олди олинади.

### **Назорат саволлари:**

1. Тупроққа ишлов бериш технологиялари.
2. Тупроққа ишлов бериш тизимлари.
3. Тупроққа ишлов бериш турлари ва жараёнлари.
4. Тупроққа ишлов бериш машиналари ва қуроллари.
5. Ерларга экиш олдидан ишлов бериш машиналари

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552.
2. Landtechnik. Stuttgart. 2005.c.-10-404.

### **2-мавзу: Ўсимлик уруғларни экиш ва кўчатларини ўтқазиш усуллари ва машиналари**

#### **Режа:**

- 2.1. Уруғларни экиш ва кўчатларни ўтқазиш усуллари.
- 2.2. Ўсимликлар уруғларини экишда қўлланиладиган техник воситалар
- 2.3. Экиш машиналарининг ишчи қисмлари
- 2.4. Кўчат ва картошка экиш машиналари.

**Таянч иборалар:** уруғ, экиш ва ўтқазиш усуллари, сеялкалар, эккачлар, миқдорлаш аппарати, уруғ ўтқазгич, кўчат ўтқазии машинаси, картошка экиши машинаси, тупроқ, экиши чуқурлиги, қатор.

### **2.1. Уруғларни экиш ва кўчатларни ўтқазиш усуллари**

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг комплекс технологик операциялари орасида уруғларни экиш ва кўчатларни ўтқазиш муҳим рол ўйнайди. Сеялкалар билан уруғ экишда, у уруғларни бўйлама *a*, кўндаланг

*b*, вертикал *h* масофаларда ерга жойлаштиради. Бунда экилган экин учун етарлича ва керак бўладиган шароит яратиш, бутун майдон ичра оптимал туплар сонини олиш ҳамда кўзда тутилган ҳосидорликка эришиш режалаштирилади.

Экинларнинг қалинлиги уруғларнинг униб чиқсан ниҳоллари, экиш чуқурлиги, тупроқдаги озиқ моддаларнинг заҳираси, тупроқнинг намлиги ва экиш усулларига боғлиқ. Керакли ниҳолларни олиш учун стандарт талабларига мос бўлган уруғлар танлаб олинади. Экишдан олдин қўшимча сараланади ва пестицидлар билан ишлов берилади. Тўкилувчанлигини ошириш мақсадида, уруғни қоплаб турган толалар ва бошқа нарсалардан мнханик ва қимёвий усуллар билан ишлов берилади. Уруғлар калибрланади, бир хил ўлчамдаги уруғлар ажратиб олинади, елимланадиган хоссаларга эга бўлган моддалар билан қоплабниб, шар шаклига келтирилади, қобиги қаттиқ бўлган уруғланинг қобиги (беда, люпин) га енгилгина жароҳат етказилади.

Экилган уруғларнинг экиш чуқурлиги саёзроқ бўлса, кузда экилган экинларнинг ниҳолларини совук уриши мумкин, бу эса экинларнинг сийрак-лашишига сабаб бўлади. Агар экилган уруғ меъёридан чуқурроқ экилган бўлса, униб чиқсан ниҳоллар нозик бўлади ва бу, бир қисм ниҳолларнинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкин. Уруғ ва тупроқ орасида бўшлиқ, ҳаво қатлами бўлмаслиги керак, бундай ҳолат уруғга намликнинг етиб боришига халақит беради. Шунинг учун тупроққа яхши ишлов берилади, текисланади ва қисман зичланади.

Ўсимликнинг ривожланишига экиш муддати кам таъсир кўрсатади. Экиш муддати кечиктирилса, ҳосилдорлик кескин пасайиб кетиши ҳаммага маълум.


Тупроқда озиқ моддалар етишмаган ҳолларда тупроққа уруғ билан биргаликда минерал ўғитлар солинади. Ўғитлар уруғлар билан биргаликда солиниши ва улар орасида тупроқ қатлами ҳосил қилиниб солиниши мумкин.<sup>11</sup>

Экиш ва ўтқазиш усуллари икки белги билан тавсифланади:

- уруғларни горизантал текисликда (қаторлар кенглиги ва қаторда) жойлаштириш бўйича ва уруғларни вертикал текислик(ер юзаси кесими) бўйлаб, яъни ер юзаси профили-чуқурлиги бўйича жойлаштирилади.

Экин қаторлари ва уруғларнинг қаторда жойлашишига қараб турли хил: қаторлаб, қирқмалаб, қисқа қаторлаб, кенг қаторлаб, йўлаклаб, пунктирлаб, уялаб, сочиб экиш усулларидан усуллардан фойдаланади (19-расм).

<sup>11</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552



**19-расм.** Экиш ва ўтқазиш усуллари.

Уруғлар ва қүчатлар тупроқ иқлим шароитларни ҳисобга олиб, текис юзали ерларга (20-расм), эгатга (21-расм), пуштага (22-расм) ва анғизга әкилиши мүмкін.



**20-расм.** Текисланган ерга әкиш.



**21-расм.** Эгатта әкиш усули.



**22-расм.** Пуштага әкиш усули.



**23-расм.** Жүйкка әкиш усули.

## **2.2. Ўсимликлар уруғларини экишда қўлланиладиган техник воситалар**

Экиш ва ўтқазиш жараёни қуидаги фазалардан: уруг, туганак ва кўчатларни таъминловчи идишдан эккичларга бир текис узатиш, экиш ариқчалари олиш, унга экиладиган ёки ўтқазиладиган материални жойлаштириш, уларни нам тупроқ билан кўмишдан ташкил топган. Шуларни амалга ошириш учун экиш ва ўтқазиш машиналарига учта асосий талаб қўйилади.


- а). Бир бирлик майдонга тайинланган уруғларни жойлаштириш;
- б). Уларни экиладиган майдонга бир текис тақсимлаш;
- в). Уруғларни тайинланган чуқурликка экиш.

Юқорида келтирилган экиш ва ўтқазиш усуллари асосида экиладиган уруғлик маҳсулотларни ва экин кўчатларин турли хилдаги экиш ва этқазиш машиналари ёрдамида экилиади. Ҳозиргаги кунда универсал, маҳсус, комбина-циялаштирилган, моноблокли, модулли, секцияли ва бошқа турдаги сеялкалар кенг қўлланилиб келинмоқда.

Моноблокли сеялка яхлит рамага, унинг барча ишчи қисмлари ўрнатилади. Ягона бункер1 даги уруг ёки ўғитларни бир нечта микдорлагич 2 лар ажратиб олиб, уруг ўтказгич 3 орқали эккич 4 ларга етказиб беради.


Модулли сеялкаларнинг ягона катта ҳажмли бункери 1 маҳсус тележкада жойлашади. Бункерда иш унуми юқори бўлган, аниқ ишлайдиган ягона марказий микдорлагич 2 бункердан ажратган уруғни ҳаво оқими ёрдамида марказий қувур 5 орқали тақсимлагич 6 га етказиб беради. Тақсимлагич 6 дан ҳар бир қаторга экиш учун уруғлар эккичларга уруг ўтказгич 3 лар орқали узатилади. Эккич 4 лар бошқа рамага маълум тартибда ўрнатилиб, экиш блоги тузилади.

Секцияли сеялкада эса умумий рама 7 га ўрнатиладиган экиш секцияларидан ташкил топган. Ҳар бир секцияда алоҳида бункер 1, микдорлагич 2 эккич 4 бўлади. Секцияларни рамада силжитиб, қаторлар орасидаги масофани ўзгартириш мумкин. Ҳар бир секциядаги микдорлагични ишлатиш учун таянч ғилдираклари ҳаракат узатиш механизmlарига эга бўлиши керак. Секцияли сеялкалар уруғларни доналаб, кенг қаторлаб экиши мумкин.




**24-расм.** Сеялка ишчи қисмларини жойлаштириш схемаси.  
бункер; 2-уруғ микдорлагич; 3- уруғ ўтказгич; 4-эккич; 5- қувур; 6-рама.

Ҳар қандай сеялка қуйидаги қисмлардан ташкил топган: уруғ микдорлаш аппарати, бункер, ўғит микдорлаш аппарати, уруғ күмгич, эккич, ғилдирак, рама. 25-расмларда маҳаллий шароитда қўлланилиб келинаётган дон сеялкасининг умумий схемаси, 26-расмда АҚШда кенг қўлланадиган дон сеялкасининг умумий кўриниши келтирилган [1]. Уларнинг технологик иш жараёни деярли бир хил кечади. Ҳаракатланаётган микдорлагич бункердан белгиланган меъёрдаги уруғларни узлуксиз ажратиб олиб, уруғ ўтказгичга ташлаб беради ва улар орқали ўтиб эккичга етказилади. Эккич тупроқни ёриб, ариқча тайёрлайди, унинг тубини зичлайди ва у ерга тушаётган уруғларни керакли чуқурликда жойлаштириб, тупроқ билан кисман кўмади. Эккич орқасида ўрнатилган кўмгичлар уруғ устини тупроқ билан тўлиқ кўмиб, кисман зичлаб кетади.



**25-расм.** Дон сеялкасининг умумий схемаси.  
1 - уруғ микдорлаш аппарати; 2- бункер; 3- ўғит микдорлаш аппарати;  
4- уруғ кўмгич; 5- эккич; 6- ғилдирак; 7- рама.



**26-расм.** Дон сеялкасининг умуми кўриниши (John Deere фирмаси).

John Deere фирмасининг қаторлаб экадиган дон сеялкаси донни 140...150 мм. кенглиқда экишга мўлжалланган. Сеялканинг оғирлиги унинг таянч ғилдиракларига тушганлиги сабабли, ҳар бир дискли эккичларининг массаси жичловчи ғилдиракчаларига тушади. Шунинг учун экилган уруғ устига ташланган тупроқ ғилдиракчалар билан яхши зичланиб. Иккала дон сеялкаларининг технологик иш жараёнларини қиёслагандা, уларнинг орасидаги фарқ асосан экилган уруғларнинг устига ташланган тупроқларнинг зичланиши бўлиб, маҳаллий шароитда ишлатиладиган сеялкаларда уруғлар тупроқ билан тўлиқ кўмилади ва юза қисми текисланади холос. John Deere фирмасининг сеялкасида эса уруғ устига ташланган тупроқ қўшимча зичланади ҳам. Бу уруғнинг униб чиқиш имкониятларини кенгайтиради.

27-расмда John Deere фирмасининг донни қаторлаб экадиган сеялкасининг умумий кўриниши келтирилган<sup>12</sup>. Бу сеялка универсал, комбинациялаштирилган сеялка бўлиб, дуккакли, полиз ва техник техник экинлар уруғларини экиш билан бир пайтда ўғитлаб керишга мўлжалланган.



**27-расмда.** John Deere фирмасининг сеялкаси.

---

<sup>12</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552


Сеялка буюртмачининг хохишига кўра 6, 8, 12 ва 16 қатор экадиган ватиантда тайёрланиши мумкин. Қаторлари ораси кенглигини 36, 46, 48, 51, 76, 91, 97 ва 102 см. оралиғида таъминлаши мумкин. Унинг афзаллик томонлари: турли экинларни экиш учун қаторлар кенглигин ўзгартириш имканияти, иш унумининг юқориилиги ва экиладиган уруғларни сифатли экиши ҳисобланади. Уругни сифатли экиш учун икки дискли эккич ва уларнинг ён томонларига ўрнатилган қўш зичлагич ғилдиракчалар қўлланилган (28-расм).



**28-расм.** John Deere фирмас сеялкасининг эккичи иш жараёни.


Маҳаллий шароитда полиз, сабзавот ва техник экинлар уруғини экишда турли хил сеялкалардан фойдаланилади.

Масалан маккажўхори уруғини экиш учун алоғида сеялка ишлаб чиқилган (29-расм) ва у колибрланган маккажўхори уруғини уялаб, квадрат уялаб ва пунктирлаб экишга мўлжалланга. У бир пайтнинг ўзида уяларга ўғит хам солиб кетади. Сеялка кунгабоқор, сабзавот экинлари уруғини, дуккакли экинлар ва бошқаларни экиш учун комплект мосламалар билан жиҳозланади. Ушбу сеялканинг ажралиб турадиган хусусияти, унинг ишчи органларининг секцияли жойлашashi бўлиб, ҳар бир микдорлаш аппарати индивидуал ҳаракат узатиш механизми билан жиҳозланан. Бу ишчи органларнинг ер юзасидан нусха олиб унга мосланиб ҳаракатланганлиги учун экиш чуқурлиги бир текисда таъминланади.



**29-расм.** Маккажүхори сеялкаси (СКНК). 1-күндаланг брус; 2-осгич; 3-ўғитлаш аппарати; 4-урұғ үтказгич; 5-урұғ бункери; 6-урұғ міқдорлагич; 7-ғилдирак; 8-эккич.


Лавлаги сеялкаси (30-расм) колибрланган лавлаги уруғларини пунктирилаб экиш ва бир пайтнинг ўзида ўғитлашга мүлжалланган. Бу сеялка ҳам маккажүхори сеялкасига ўхшаш бўлиб, ишчи органлари секцияли жойлашгандир. Ҳар бир секция раманинг бруси параллелограмми механизм ёрдамида шарнирли уланган. У уруғ қутиси, міқдорлаш аппарати, комбинациялаштирилган сирпанғичли эккич, кўмгич, зичлаги ғалтакча, ва шлейфдан тузилган. Уруғ ва ўғит міқдорлаш аппаратлари ҳаракатни таянч ғилдирагидан олади. Унда дискли міқдорлаш аппарати ўрнатилган. Экиш нормаси дискларнинг айланиш частотасини ўзгартириш ва дискининг айрим катакчаларини ёпиш ҳисобига созланади.



**30-расм.** Лавлаги сеялкаси (CCT).

1- сеялка ғилдираги; 2- ўғитлаш аппарати; 3- ўғит үтказгич; 4-урұғ бункери; 5-урұғ міқдорлаш аппарати; 6-тупроқ текислагич; 7-зичлагич ғилдиракча; 8- тупроқ кўмгич; 9-эккич; 10-эккичининг осгичи.


Пневматик сеялкаси (31-расм) универсал сеялка бўлиб, маккажўхори, кунгабоқор, оқ жўхори, сабзавот ва полиз экинлари уруғларини пунқтирилаб экишга мўлжалланган. Сеялканинг асосий қисмлари: рама, вентиляторлар, таянч – ҳаракат узатувчи филдираклар, экиш секциялар, автоулагич, изортгичлар ҳисобланади. Экиш секциялари параллелограммли осгич ёрдамида рамага осилган. Вентилятор пневматик экиш аппарати ҳаво камерасида вакуум ҳосил қилиш учун хизмат қиласди. Вентилятор ҳаракатни гидромотордан ёки тракторнинг КОВ дан олади.



**31-расм. Пневматик сеялка (СУПН).**

1-осгич; 2-ўғитлаш аппарати; 3-вентилятор; 4-ҳаво ҳайдагич қувур; 5-бункер; 6-эккич; 7-ҳаракат юритма;

Чигит сеялкаси (32-расм) калибрланган чигитни, маккажўхори, оқ жўхори уруғларини қаторлаб, уялаб, ҳамда квадрат-уялаб экишга мўлжалланган. У бир пайтнинг ўзида минерал ўғит солиш, суғориш ариклари олиш, гербицид сепиш ишларини бажариши мумкин. Сеялка туксизлантирилган чигитларни аниқ ҳамда тукли чигитларни 60 ва 90 см. қаторлаб экади. У осиш механизм билан жиҳозланган рама, иккита таянч-ҳаракат узатувчи филдираклар, экиш секциялар, изортгичлар, ариқ очгич ишчи органлар ва ҳаракат узатиш механизmlардан тузилган. Секцияси таркибига экиш аппарати, уялаш аппарати, чанғисимон эккич, зичловчи ғалтакча, кўмгичлар киради. Сеялкада икки хил миқдорлаш аппаратлари ўрнатилиши мумкин.




**32-расм.** Чигит сеялкаси.

1-рама; 2- эккич; 3-харакар узатиш механизми; 4-уруғ қўмгич; 5-зичлагич филдиракча; 6-ариқ очгич.

Ҳозирги пайтда хорижда ишлаб чиқилган кўпчилик сеялкаларда уруғларни марказлаштирилган ҳолда пневматик тарқатгичли сеялкалар кенг ишлатилмоқда (33-расм). Бундай сеялкалар қуидаги қисмлардан ташкил топган: бункер, миқдорлаш аппарати, вентилятор, тарқсимлагич, уруғ ўтказгич, эккич, қўмгич ва таянч-харакат узатувчи филдирак. У қуидагич ишлайди. Бункердаги уруғлар аралаштиргач ёрдамида аралаштирилади ва унинг ёрдамида уруғлар миқдорлаш аппаратига узатилади. Ғалтак уруғларни миқдорлаб, уларни марказий уруғ ўтказгичга узатади. Вентилятор ҳосил қилган ҳаво оқими уруғларни сўриб олиб марказий уруғ ўтказгич бўйлаб ҳаракатлантириб, тақсимлагичга етказиб беради. Ҳаво оқими йўлида ҳолати созланадиган тўсгич жойлашган, у ёрдамида ҳаво оқимининг тезлиги ўзгартирилиши мумкин. Бу ерда тешиги кичрайиб борадиган сопло ўрнатилган бўлиб, унинг ёрдамида ғалтакнинг пастки қисмида ҳаво сийраклашади. Бу эса ўз навбвида уруғларнинг ҳаракатини тезлаштиради. Сўрилган уруғлар марказий уруғ ўтказгичдан тақсимлагичга етказилади. Тақсимлагичдан уруғ ўтказгич ёрдамида эккичга етказилади ва эккич олган ариқча тубига ташланади. Кўмгич ёрдамида тупроқ билан кўмилади.<sup>13</sup>

<sup>13</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552



**33-расм.** Уруғларни марказластирилған ҳолда пневматик тарқатгичли сеялка.

### 2.3. Экиш машиналарининг ишчи қисмлари

**Сеялкаларнинг дон миқдорлаш аппаратлари.** Дон сеялкаларнинг асосий иш күрсатгичларини таъминлайдиган иш қисмлардан бири, бу дон миқдорлаш аппарати ҳисобланади.

Экиш ва ўтқазиш машиналарининг миқдорлаш аппаратлари бажарадиган технологик иш жараёни бўйича икки гурухга бўлинади:

- экиладиган ва ўтқазиладиган уруғлик материалларини узлуксиз равишида миқдорлаб ёки ажратиб олишга мўлжалланган;
- доналаб ажратадиган аппаратларга бўлинади.

Уруғлик материални узлуксиз миқдорлайдиган аппаратлар асосан дон сеялкаларида, доналаб ажратадиган аппаратлар эса турли хил сеялкаларда, картошка ва қўчат экиш ва ўтқазиш машиналарида кенг қўлланилади.


Экиш ва ўтқазиш машиналарининг миқдорлаш аппаратлари ҳаракатланиш ва ишлаш принципига қараб: механик ва пневматик турларга бўлинади. Ҳозирги пайтда механик аппаратлар кенг тарқалган. Пневматик миқдорлаш аппаратлари билан калибрланган ва чопиқ қилинадиган экинларнинг калибрланмаган уруғларини пунктирлаб экадиган сеялкаларда қўлланилади.

**Ғалтаксимон миқдорлаш аппаратлари.** Ғалтаксимон миқдорлаш аппаратлари новли ва штиф (тишли) ли турларга бўлинади. (34 ва 35-расмлар). Ғалтаксимон миқдорлаш аппаратлари универсал механик аппарат

бўлиб, улар уруғларни узлуксиз равишда ажратишга мўлжалланган. У штанповка усулида олинган корпус, ғалтак, розетка, муфта ва клапандан ташкил топган.

Маҳаллий шароитда ишлатилаётган ва ҳорижда ишлаб чиқилган сеялкаларнинг ғалтикли миқдорлаш аппаратларининг тузилиши ва технологик иш жараёни бир хил уларнинг корпуслари сеялка бункерининг тагига, туртбурчак шаклда ўйилган, уруғларнинг тушишига мўлжалланган жойига қотирилади. Ғалтак икки новли ва цилиндр шакллли қисмлардан ташкил топган<sup>14</sup>. Новли қисми, розеткага кийгизилади. Розетка корпуснинг чап қисмida ҳосил қилинган ҳалқасимон ариқчага ўрнатилади ва унда айланиши мумкин. Ғалтакнинг цилиндрисимон қисмига иккита қабирғаси бўлган муфта кийгизилади. Корпуснинг ўнг деворига муфта ўрнатилади. Муфтали ғалтак бирнеча миқдорлаш аппаратлари учун умумий бўлган валга қотирилади. Ғалтак вал билан биргаликда айланади, муфта эса қўзғалмас ҳолатда туради.


Вални айланиш ўқига нисбатан бўйлама йўналишда силжитиш мумкин. Бунда корпуснинг ичидаги жойлашган, уруғлар билан ўзаро таъсирда бўлган ғалтакнинг новсимон қисми узунлигини камайтириш ёки узайтириш мумкин. Ғалтакнинг бу қисми унинг ишчи узунлиги дейилади.



**34-расм.** Ғалтаксимон миқдорлагич.

1-корпус; 2-ғалтак; 3- вал; 4-таглик; 5-муфта; 6-роztка

<sup>14</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552



**35-расм.** John Deere фирмасининг қаторлаб экадиган дон сеялкасининг миқдорлаш аппарати.

Ғалтакнинг узунлигини минимал қийматдан максимал қийматгача ўзгартириш мумкин. Миқдорлаш аппаратининг таги, ундаги уруғларни тўкиш учун, валга маҳкамланган, пружина билан жиҳозланган клапан хисобланади.

Миқдорлаш аппаратининг иш жараёни: Бункердаги уруғлар эрқин равишда оқиб, аппарат корпусини ва унинг ғалтаги атрофини уруғ билан тўлатади. Ғалтак айланганда новга тушган уруғлар биргаликда айланади ва силжийди. Новга тушмаган уруғлар муфтанинг қавурғалари ёрдамида тўхтатиб турилади. Новга тушган ва унинг атрофида жойлашган бир қисм уруғлар клапан ва ғалтак орасида силжиб ўтади ва уруғ ўтказгичнинг воронкасига ташланади.

Айрим нозик уруғларга( пиёз уруғи) жароҳат етказмасик мақсадида ғалтак қарамақарши айлантирилиб, аппарат юқоридан миқдорлаб бериш усулидан фойдаланилади.


*Ғалтаксимон штифтили миқдорлаш аппарати.* Селекцияда ишлатиладиган сеялкаларида ҳамда универсал сеялкаларда минерал ўғитларни миқдолашда кенг қўлланилади. Уларнинг иш жараёни ғалтаксимон миқдорлаш аппаратларининг иш жараёнига ўхшашидир.

*Дисксимон миқдорлаш аппаратлари.* Дисксимон миқдорлаш аппаратлари икки турга бўлинади. Микдорлаш диски вертикал ёки қия ўрнатилган ўқ атрофида ва горизантал ўқ атрофида айланадиган турларга бўлинади (36-расм). *Миқдорлаш диски вертикал ёки қия ўрнатилган ўқ атрофида айланадиган миқдорлаш аппарати* цилиндрик бункенинг тубига жойлаштирилган ячейкали диск, қайтаргич, туширгичдан иборат.<sup>15</sup>

Дискнинг қиррасида эни, чукурлиги ва қалинлиги миқдорланадиган уруғларнинг ўлчамига мос келадиган ячейка-катақчалар тайёрланган

<sup>15</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552

бўлади. Диск сеялканинг таянч-харакат узатиш филдираги ёрдамида айланади. Диск айланганда бункердаги уруғлар дискнинг катакчаларига тушади ва унинг айланиши натижасида, диск билан биргаликда силжиб, эккичининг уруғ тушадиган дарchasига келади ва унга тушади. Катакчада факат битта уруғ қолиши учун қайтаргич ортиқча уруғларни суриб ташлайди. Катакчадаги уруғ кафолатланган ҳолда катакчадан тушиши учун, уни *туширгич* туртиб дарчага тушишини таъминлайди.



**36-расм.** Уруғ миқдорлагич аппаратлар. а—дисксимон (ички томони қбурғали, John Deere фирмаси ); б ва в—дисксимон ( ячейкали); г— марказдан қочма.


Ушбу аппаратни экиш нормасига ўрнатиш учун дискнинг айланишлар сони ўзгартирилади.

*Дисклари горизантал ўқ атрофида айланадиган дискли миқдорлаш аппарати* уруғ қутиси тубига ўрнатилади. Айланаётган диск катакчаларига бункерда жойлашган уруғлар ўз оғирликлари билан тушади, Дискнинг айланиши натижасида қайтаргич олдига келади. Бу ерда қайтаргич, катакчадаги ортиқча уруғларни суриб ташлайди. Дискдаги катакчаларда ҳосил қилинган ҳалқасимон ариқчада жойлаштирилган пружинали туширгич, уруғлар эккичининг дарchasига тўғри келган пайтда туширади.

Марказдан қочма (пневмомеханик) миқдорлаш аппаратларининг конструкцияси хилма-хилдир. Улардан кенг тарқалгани марказдан қочма миқдорлаш аппарати ҳисобланади. Марказдан қочма миқдорлаш аппарати

микдорлагич, қанотлар билан жиҳозланган конуссимон ротор, йўналтириувчи куракча, тақсимлагич ва унинг атрофида жойлашган уруғ ўтказгичларнинг воронкасидан иборат. Бункердаги уруғлар микдорлагич ёрдамида роторнинг тубига узатилади ва унинг айланиши натижасида, яъни ҳосил бўлган марказдан қочма куч таъсирида уруғлар конуссимон роторнинг ички сирти бўйлаб йўналтириувчи куракчага сирпаниб юкорига кўтарилади ва тақсимлагич каналларга келиб тушади. Бу жойларда конуссимон роторнинг қанотлари ёрдамида ҳосил қилинган ҳаво оқими таъсирида уруғ ўтказгич бўйлаб эккичга етказиб берилади. Миқдорлаш нормаси микдорлагич ёрдамида созланади.

Пневматик микдорлаш аппаратлиари экиладиган уругни умумий уруғлар массасидан ҳосил қилинган вакуум ёки юқори босим ёрдамида ажратиб олади. Уларнинг конструкцияси хилма-хил бўлиб, улар икки гурухга: дискли ва барабанли гурухларга бўлинади. Дискли микдорлаш аппаратларида дискнинг ён қиррасида, барабанли микдорлаш аппаратларида барабаннинг цилиндрик сиртида жойлашган бўлади. Маҳаллий шароитда ишлатилиб келинаётган сеялкаларда, хорижда (White Farm Тquірт) ишлаб чиқилган ҳамда руминия сеялкаларида (37 ва 38-расмлар) дискли микдорлаш аппаратлари қўлланилади [1].



**37-расм.** Пневматик микдорлагич аппарат(руминия сеялкаси) вакуум камера; 2- ҳаво; 3- аралаштиргич; 4- корпус; 5-уруғ сўргич камера; 6- бункер; 7- қайтаргич; 8-патрубка.



**38-расм.** White Farm Tquipment фирмасининг пневматик миқдорлагич аппарати.


Бундай миқдорлаш аппаратлари корпус, тешиклар очилган миқдорлаш диски, вакуум камера, аралаштиргач, қайтаргич, тозалагич, бункер ва уруғ олиш камерасидан ташкил топган. Миқдорлаш дискининг бир томонида ҳавоси сўриб олинадиган камера, иккинчи томонида озиқлантиргич камера жойлашган бўлади. Вакуум камера от тақаси шаклида тайёрланган ва дискнинг айрим зонаси билан туташиб туради. Дискнинг пастки қисми, вакуум камерадан ташқарида туради. Вакуум камерага эластик аралаштиргич диск ёрдамида босилиб туради. Бункерга солинган уруғлар дарча орқали озиқлантиргич камерага келиб тушади. Аппаратнинг патрубкасига эгилувчан шланг уланади, шланг вакуум камерани вентиляторнинг сўрувчи коллекторини бирлаштиради. Вентилятор ишлаганида, вакуум камерадан ҳавони сўриб олади ва камерада вакуум ҳосил қиласи.

Уруғлар бункердан уруғ олиш камерасига келиб тушади ва вакуум ҳисобига сўрувчи дискнинг тешикларига сўрилади. Диск айланиши натижасида канал ва туширгич ёнидан ўтаётиб, тешиклар ортиқча уруғлардан тозаланади ва аппаратнинг пасти қисмига, эккичнинг дарчаси яқинига келади. Бу ерда вакуум таъсири йўқлиги сабабли, уруғлар дискдан ажралади ва эккич олган ариқча тубига ташланади.

**Эккичлар.** Эккичлар тупроқда ариқча ҳосил қилишга мүлжалланган. Уруғнинг униб чиқиши ва дуркун ривожланиши уларнинг тупроқ билан қанчалик яхши кўмилишига боғлиқ. Шунинг учун эккичлар қуидаги агротехник талабларга жавоб бериши керак.

- тупроқда тайинланган чуқурликда ариқча олиши;
- намликни йўқотмаслиги учун тупроқнинг паски қисмини юқори-юза қисмига чиқармаслиги;
- тупроқда копиляр найчалар ҳосил қилиши учун, ариқча туби тупроғини зичлаши;
- узатилаётган уруғлар оқимини бузмаслиги;
- уруғларга ўғитларнинг зарар келтирмаслиги учун уларнинг орасида маълум бир қалинликдаги тупроқ қатламини ҳосил қилиши керак. Сеялкалар турли хилдаги эккичлар билан жиҳозланади<sup>16</sup>.


Хорижда ишлаб чиқилган сеялкаларди турли хил эккичлар қўлланади, уларнинг айримлари 39-расмда келтирилган.



**39-расм. Хориж сеялкаларининг эккичлари.**

Маҳаллий шароитда қўлланиладиган сеялкалар ҳам турли эккичлар билан жиҳозланади. Уларнинг айримлари 40 ва 41-расмларда келтирилган.

<sup>16</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552



**40-расм.** Дискли эккичлар. а- қүш дискли эккич; б-икки қаторга экадиган қүш дискли эккич; в-бир дискли, чегаралагич түғинли эккич; г-бир дискли эккич.

*Бир қатор экгадиган икки дискли эккич.* Бунда дисклар бир-бирига нисбатан  $10^0$  бурчак остида ўрнатилади. Дискларнинг олдинги қисми бир – бирига туташган бўлади.


*Икки қатор экадиган икки дискли эккич.* Бу эккич уруғларни бўлиб берадиган воронка билан жиҳозланади. Дисклар бир-бири га нисбатан  $18^0$  бурчак остида ўрнатилади. Қаторлар ораси 7....8 см. ни ташкил этади.

*Чегаралагич қабирга билан жиҳозланган, бир қатор экгадиган икки дискли эккич.* Бу эккич уруғларни 2...4 см. чукурликка экиш учун мўлжалланган.

*Бир қатор экадиган бир дискли эккич.* Текис юзали диск агрегатнинг ҳаракатланиш йўналишига  $8^0$  вертикал текисликка нисбатан  $20^0$  ўрнатилади, ҳаракатланганда ариқча олади. Уруғ воронка ёрдамида ариқчага ташланади, тупроқ билан кўмилади. Уруғ айланадиган дисклар билан ўзаро таъсирда бўлмаганлиги туфайли, улар ариқчада бир хил чукурликда ва текис жойлашади.

“Килсимон эккич” – тупроқнинг пастки қатламини юқорига чиқармайди. Ишлов бериш чуқурлиги пружина ёрдамида амалга оширилади.

*Сирпангичли эккич.* Бу эккич 12 см. чуқурликда ариқча олиши мумкин. Ишлов бериш чуқурлиги сирпангичини пичноқقا нисбатан силжитиш йўли билан, айrim ҳолларда пружина кучини ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.



**41-расм. Эккичлар.**

а- ёргичсимон (килсимон) эккич; б ва в–сирпангичли, эккичлар; г–омоч тишисимон (анкерсимон) эккич; д-кувурсимон эккич; е-ўқёйсимон тумшуқли эккич.

*Анкерсимон эккич.* Ишлов бериш чуқурлиги 4...7 см.

*Кувурсимон эккич.* Шамол эрозиясига учрайдиган минтақаларда ишлатилади.

*Ўқёйсимон тишили эккич.* Анғизли ва шамол эрозиясига учрайдиган ерларда ишлатилади.

Уруғ ўтказгичлар миқдорлаш аппарати билан миқдорланган уруғларни эккичга етказиб бериш учун хизмат қиласди, тасма-спиралсимон, найсимон, ворон-касимон, бурмаланган, телескопик каби турлари мавжуд.

Уруғ экиш учун олинган ариқчанинг тупроғи уруғ ташланганидан кейин уни қисман кўмади. Уруғларни тупроқ билан тўлиқ кўмиш учун уруғ кўмгичлардан фойдаланилади. Уруғ кўмгичларнинг шлейф, куракчасимон,

тирмачасимон, ғилдираксимон, конуссимон, сферик дискли уруғ күмгич турлари мавжуд.

### **2.4. Кўчат ва картошка экиш машиналари**


Карам, помидор, бақлажан ва бошқа экинлар асосан кўчатлардан етиштирилади. Улар тувакчада ёки тувакчасиз етиштирилади. Кўчатлар асосан иссиқхоналарда етиштирилади. Машиналар ёрдамида экиладиган кўчатлар бир хил ўлчамга, пояси тўғри, сўлимаган бўлиши керак. Мисол учун карам кўчати-нинг узунлиги 12...15 см. ва 5...6 баргли бўлиши, помидор кўчати узунлиги 20...25 см., барглар сони 8...10 та бўлиши керак.

Маҳаллий шароитда қўлланиладиган кўчат экиш машинаси (42-расм.) Тувакчада ва тувакchasiz етиширилган кўчатларни кенг қаторлаб, йўлаклаб экишга мўлжалланган. Бундан ташқари илдизидан баргигача бўлган узунлиги 100-300 мм., илдизининг узунлиги 30 – 120 мм . бўлган кўчатларни экишга мўлжалланган. Ишчи тезлиги 0,6....3,5 км/соат.ни ташкил этади. Экиш аппарати дискдан иборат бўлиб, ушлагичлар билан жиҳозланган. Ушлагич қутисимон устундан ташкил қилинган бўлиб, унинг юқори қисми пластина шаклида тайёрланган. Пластинага стерженга ўрнатилган қўзғалувчан пластинани пружина босиб туради. Кўзғалувчан пластина юмшоқ резина билан қопланган. У кўчатни жароҳат олишдан сақлайди. Стерженга тирсак бриктирилган ва у резина билан қопланган ғилдиракча билан жиҳозланган. Тирсакни ўраб турган пружина ўзининг бошқа томони билан устунга тиради. Экиш диски билан айланадиган ғилдиракча даврий равишда йўналтирувчи пластина устидан юмалаб ўтади. Бунда қўзғалувчи пластина гоҳ очилиб гоҳ ёпилиб туради. Очилганида уларнинг оралиғига кўчат жойлаштирилади. Ғилдиракча йўналтиргич пластина юзасидан тушганида ёпилиб, кўчатни ушлаб қолади. Эккич устига келганида ғилдиракча яна бошқа йўналтирувчи пластина юзасига чиққанида ушлагич очилади, кўчат ушлагич орасидан эккич олган ариқча ичига тушади.

Экиш диски ҳаракатни ғилдиракдан занжирли узатма ва редуктор орқали олади. Кўчатларни суғориш учун машина бак, қуюиш ва суғориш шланглардан, миқдорлагич қурилмадан ташкил топган тизим билан жиҳозланган. Сув бакдан ўзи оқиб миқдорлагич қурилманинг корпусига келади ва ундан қувурлар орқали эккичга узатилади. Агар кўчатлар оралиги 35 см. гача бўлса, миқдорлагич қурилмани ялпи равишда суғоришга ўрнатилади, агар қатордаги кўчатлар оралиғи 35 см. дан катта бўлса, порциялаб суғориш усулига ўрнатилади. Машина қаторлар оралиғи 60, 70 ва 90 см. бўлганда олти қатор экадиган қилиб созланади, қаторлар кенглиги


80, 90 ва 120 см. бўлганда тўрт қатор экишга созланади. Машинада 12 та эккич ишчилар, кўчатларни тўғрилайдиган 3 та ишчи ва тракторчи жами 16 та ишчи ишлайди.

Машинанинг тезлиги шундай танланадики, бунда ҳар бир эккич ишчи минутига 40...45 та кўчатни экиш аппаратига узатаолсин. Эккичларнинг экиш чуқурлиги 5...23 см. Қаторлдаги кўчатларнинг оралиқ масофасини 12...140 см. оралиғида созлаш мумкин. Бу ушлагичлар сонини ўзгартириш (2,4,6,8 ва 12 дона ушлагич ўрнатиш) йўли билан созланади.




**42-расм.** Кўчат экиш машинаси. 1-трактор; 2-сув баки; 3-шланг; 4-кўчат экиш аппарати

Картошка экиш машиналари ундирилмаган ва ундирилган, туганакларининг оғирлиги 30...100 грамм бўлган картошкаларни жўякларга ва текис юзали ерларга экишга мўлжалланган. Экилган картошка қаторларининг кенглиги асосан 70 см., қатордаги картошка уяларинг оралиғи 22...40 см. бўлишини таъминлади. Маҳаллий шароитда кўлланиладиган экиш машинасининг технологик иш жараёни 43-расмда келтирилган. Картошка туганаклари бункердан ўз оғирлиги ва бункернинг тубида жойлашган тебратгич ёрдамида озиқлантиргич камерагакелиб тушади. Бу ерда қошиқли диск айланиб унга узатилган туганаклардан биттасини қошиқ билан илиб олади ва бармоқ ёрдамида уни қошиқда ушлаб туради. Дискнинг айланиши натижасида уруғ



**43-расм.** Картошка эккич машина. 1-бункер; 2-түсгич; 3-картошка микдор-лагич аппарат; 4-уруғ ўтказгич; 5-эккич; 6-уруғ күмгич; 7-осгич; 8-рама.

Ўтказгич устига яқинлашганда бормоқ картошқа туганагини бўшатади ва туганак ўз оғирлиги билан эккичининг қанотлари орасига келиб тушади. Эккич тайинланган чуқурликда ариқ очиб, ўғит ва уруғнинг жойлашиши керак бўлган жойни тайёрлади ва бу етга туганак келиб тушади. Эккич машина билан биргаликда ҳаракатланиб белгиланган масофага силжиганида сферик диск туганаклар устини тупроқ билан кўмади. Grimme фирмаси ишлаб чиқсан картошқа экиш машинаси (44-расм) ҳам. Худди шундай тарзда ишлайди<sup>17</sup>.



**44-расм.** Grimme фирмасининг картошқа экиш машинаси.

<sup>17</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552

### **Назорат саволлари:**

1. John Deere фирмасининг қаторлаб экадиган дон сеялкасининг қамров кенглиги қанча?
2. Дисклари горизантал ўқ атрофида айланадиган дискли миқдорлаш аппарати машинанинг қаерига жойлаштирилади?
3. Кўчат ва картошка экиш машиналарининг асосий ишчи қисмларини айтиб беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552.
2. Landtechnik. Stuttgart. 1985.c.-10-404.
3. Ҳорижий машиналарининг проспектлари.
4. [www.lemken.com](http://www.lemken.com)
5. [www.john deere/com](http://www.john deere/com)
6. [www.qrupponardi.it](http://www.qrupponardi.it)

**З-мавзу: Ўсимликларни зааркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоялаш усуллари ва машиналари.**

### **Режа:**

- 3.1. Ўсимликларни ҳимоялаш усуллари ва машиналари.
- 3.2. Ўсимликларни ҳимоялаш машиналарининг ишчи ва ёрдамчи қисмлари.

**Таянч иборалар:** ўсимлик, кимёвий дори, ишчи суюқлик, ҳимоялаш, туркагич, чангитгич, насос, аралашибиргич, туркагич учлиги, вентиляторли туркагич қурилма, штангали туркагич қурилма, магистрал қувурлар, методлар.

### **3.1. Ўсимликларни ҳимоялаш усуллари ва машиналари**

Қишлоқ хўжалиги экинлари зааркунандалари ва касалликлари олинадиган ҳосилнинг миқдори ва сифатининг камайиб кетишига асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўсимлик маҳсулотларини етишибиршнинг интенсив технологиясида ўсимликларни ҳимоялашнинг ўйғунлашибиргич ҳимоялаш тизимини, яъни агротехник, биологик, физик, кимёвий методларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

**Агротехник метод** - илмий асосланган алмашлаб экиш, тупроққа ишлов бериш ва ўғитлаш тизимини қўллаш, уруғларни танлаш, касаллик ва

зааркунандаларга турғун навларни жорий этиш ва ҳоказаларни ўз ичига олади.

**Биологик метод** - ўсимлик зааркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга ўз күшандалари, душманлари ва бактериал препаратларни қўллашни кўзда тутади.

**Физик метод** - уруғ ва ўсимликларга ўта паст, ўта юқори ҳарорат, ултратовуш, юқори частатали ток ва бошқалар билан таъсир этишини кўзда тутади.

**Механик метод** - турли хил тўсиқлар (каналлар, тўсиқлар, ёпишқоқ ҳалқалар ва бошқалар қуриш йўли билан) қуриш йўли билан зааркунандалар тарқалишининг олдини олиш, бевосита йўқотиш (қапқон, тузоқлар қўйиш) ни кўзда тутади.

**Кимёвий метод** - ўсимлик касалликлари, зааркунандалари ва бегона ўтларга қарши кимёвий моддаларни қўллашни кўзда тутади. Кимёвий метод касаллик туғдирувчи ва зааркунандаларга қарши курашда, биргина энг самарали ва асосий ҳимоя воситаси ҳисобланади.

Кимёвий ҳимоя воситасининг умумий номи *пестицид* деб аталади. Унинг заарли ҳашоратларга қарши курашишда қўлланиладиган тури-инсектицидлар; касалликка қарши курашишда қўлланиладиган тури-фунгицидлар; бегона ўтларга қарши курашишда қўлланиладиганлари-гербицидлар; ўсимлик баргларини сунъий туширишда қўлланиладиганлари-дефолиантлар; ўсимликларни тўлиқ ўлдиришда қўлланиладиганлари-десиканлар деб номланади. Пестицидлар уруғларга, ўсимликка, тупроқка, омборхоналар деворларига, эритма, суспензия ёки қуқун шаклида сепилади. Пестицидлардан фойдаланилганда, албатта уларнинг кўпчилиги заарли эканлигини эсдан чиқармаслик зарур.

### Ўсимликларни ҳимоялашда қуйидаги усувлар қўлланилади

**1. Пуркаш**-ўсимлик ва ҳашоратлар танасига эритма, суспензия ва эмулсия-ларни майда томчилар шаклида сепишга тушинилади. Туркаш оддий (суюқлик сарфи 500...2000 л/га), кичик ҳажмли (суюқлик сарфи 15...500 л/га) ва ултра-ҳажмли (0,5...15 л/га) турларга бўлинади.

**2. Чангитиши**-ишлов бериладиган обьектга кукунсимон препаратни сепишга тушинилади. Улар ўсимлик ёки зааркунандалар танасига яхшироқ ёпишиши учун уларни тарқатишда сув ёки минерал мойлар билан намланади. Бунда 40...50% препарат иқтисод қилиниши мумкин.

**3. Дорилаши**-уруғларни қуруқ, ярим қуруқ, хўллаш йўли билан пуркалиб, касаллик туғдирувчиларни йўқотишда қўлланилади. Қуриқ дорилашда 1 тонна уруғ 1...3 кг. дери билан аралаштирилади ва уруғ сирти

дори билан қопланади.

Ярим қуруқ усулда 1 тонна уруғга 15...30 литр эритма билан ишлов берилади.

Хўллаш усулида эса-1 тонна уруғга 100...150 л эритма пуркалади.

**4. Аэрозол ишлов** бериш-ишлов бериладиган объектни ўлчами 20...60 мкм. бўлган аэрозол зарраchalари билан қоплашни кўзда тутади. Аэрозоллар бинодаги тирқишиларга, дараҳт танаси ичига осонгина кириб, ишлов бериладиган объект юзасига бир текис тарқалади.

### Агротехник талаблар

1. Ишчи суюқлик таркиби бирхил бўлиши керак, белгиланган концент-рациясидан фарқи  $\pm 5\%$  дан ошмаслиги керак.

2. Пуркашда ишлов бериладиган объектнинг юқори қисми (ўсимлик баргларининг юқори қисми) нинг эритма томчилари билан қопланиши 80% дан, пастки қисми эса 60% дан кам бўлмаслиги керак. Сепиш нормасига қараб ҳар бир квадрат сантиметр юзасига 10...70 дона томчи зарраchalари бўлиши керак.

3. Дорилар сепилишининг нотекислиги машина қамров кенглиги бўйича 30% гача, бўйлама йўналишда 25 % гача рухсат этилади.

4. Тайинланган дозадан, сепилаётган ишчи суюқликнинг фарқи: пуркашда  $\pm 15\%$ , чангитиб сепишда  $+ 15\% - 20\%$  фарқ қилиши рухсат этилади.

5. Пуркашда шамол тезлиги 5 м/с. дан, чангитиб сепишда эса 3 м. дан ошмаслиги керак.

6. Ҳарорат  $23^{\circ}$  дан ошганда пуркаш ёки чангитиб сепишни амалга ошириш тавсия этилмайди.

### Машиналар турлари:

Ўсимликларни ҳимоя қилишда пуркагичлар, чангитиб сепгичлар, уруғларни дорилаш, аэрозол генераторлари, фумигаторлар ҳамда ишчи суюқлик тайёрлайдиган машиналар қўлланилади.

*Пуркагичлар вазифасига қараб:* маҳсус (боғ, мевазор, токзор, дала экинларига ишлов ерадиган) ва универсал турларга бўлинади.

*Технологик иш бажарии жараёнига қараб:* гидравлик (штангали) ва вентиляторли турларга бўлинади.

*Ишчи суюқликлар сарфига қараб:* оддий, кичик ҳажмли, ултраҳажмли турларга бўлинади.


*Ҳаракат узатиши усулига қараб:* кўлда, двигателлар ўрнатилган аравачаларда, двигател ёрдамида, трактор ва самалётларга ўрнатилиб ишлатила-диган турларга бўлинади.

**Чангитгичлар:** ишлаш характеристига қараб, порциялаб ва узлуксиз узатиб сепадиган, препаратларни тарқатишига қараб—шнекли, барабанли, камерали турларга бўлинади.

### Пуркагичларнинг иш жараёни ва ишчи қисмлари

Машиналарнинг тури жуда кўп бўлишига қарамасдан улар битта принципиал схемада ишлайди. Ушбу схемада бажариладиган технологик операциялар: кимёвий препаратларни миқдорлаш, майда заррачаларга парчалаш, ишлов бериладиган объектга етказиб бериш ишлари кетма-кет бажарилади [1].

Пуркагичнинг барча қисмлари ғилдиракка таяниб ғаракатланадиган (агар у тиркалма бўлса) ёки тракторнинг осиш қурилмасига ўрнатилган (агар у осма бўлса) рамага ўрнатилади (45-расм).



**45-расм.** Пуркагичнинг умумий схемаси.

1-идиш; 2-фільтр; 3-уч йўлли жўмрак; 4-эжектор; 5-гидравлик аралаштиргич; 6-ўтказиш жўмраги; 7-ажратгич жўмраги; 8-вентилятор; 9-пуркагич учлиги; 10-штанга; 11-босимли магистрал қувур; 12-созлагич жўмраги; 13-манометр; 14-насос; 15-босмли ростлагич жўмраги; 16-клапан; 17-клапан; 18-клапан; 19-клапан; 20-орқали сўрилади. Суюқлик ҳайдаш қувурида учта оқимга бўлинади. Унинг энг кўп қисми редукцион клапан 18 орқали идиш 4 га қайтиб боради. Кўпроғи ўтиш жўмрани 8 ва гидравлик аралаштиргич 7 орқали яна идиш 4 га келиб тушади. Қолган суюқлик суюқлик кесувчи клапан 9 ва созланадиган жўмрак 16 орқали вентилятор 10 ва 11 га ёки 13 ва 14 пуркагич қурилмаларга жўнатилади. Пуркагич учликлари 11 ва 13 лар

Ишчи суюқлик гидравлик аралаштиргич 7 билан узлуксиз аралаштириб турилади ва идиш 4 дан насос 19 ёрдамида уч ёнли жўмрак 3 ва фильтр 20 орқали сўрилади. Суюқлик ҳайдаш қувурида учта оқимга бўлинади. Унинг энг кўп қисми редукцион клапан 18 орқали идиш 4 га қайтиб боради. Кўпроғи ўтиш жўмрани 8 ва гидравлик аралаштиргич 7 орқали яна идиш 4 га келиб тушади. Қолган суюқлик суюқлик кесувчи клапан 9 ва созланадиган жўмрак 16 орқали вентилятор 10 ва 11 га ёки 13 ва 14 пуркагич қурилмаларга жўнатилади. Пуркагич учликлари 11 ва 13 лар

ёрдамида пуркалган ишчи суюқлик заррача-лари, ҳаво оқими (вентиляторли пуркагичларда) таъсирида ёки заррачанинг кинетик энергияси таъсирида (штангали пуркагич қурилма бўлганда) ишлов бериладиган обьектга йўналтирилади. Идишни ишчи суюқлик билан тўлатишда тракторнинг тутин чиқарадиган қувурига уланган газоқимли эжектор 5 дан фойдаланилади. Редукцион клапан 18 ёрдамида магистрал қувурлардаги суюқликнинг керакли босими ўрнатилади. У насоснинг, пуркагич учликларининг ҳамда ишлов берилаётган обьектнинг турига қараб белгиланади. Поршенли ёки плунжерли насослар ўрнатилган бўлса ҳамда дарахтларга ишлов бериладиган бўлса босим 1,5 ,...2, МПа, дала экинларига ишлов бериладиган бўлса 1,0 МПа даражада ўрнатилади. Агар уюрмали ёки марказдан қочма насослар, марказдан қочма вентилятор ёки штангали пуркаш қурилмалари бўлса, босим 0,3...0, 35 МПа ўрнатилади. Босимнинг кўрсатгич даражаси моно-метр 17 орқали назорат қилинади. Гидроцилиндр 12 вентилятор 10 ни буриш учун хизмат қиласи.

Ишчи суюқликнинг миқдорини миқдорлагич 16 ёрдамида амалга оширилади. Бир бирлик юзага сепиладиган ишчи суюқлик сарфини агрегатнинг тезлигини ўзгартириш йўли билан ҳам ўзгартириш мумкин.

Пуркагичнинг барча ишчи қисмлари шланг ва гидроарматуралар билан жиҳозланади.

Пуркагичнинг барча қисмлари тракторга рама орқали уланади. Улар ўзларининг ғилдиракларига эга бўлиши ёки тракторга осилиши мумкин. Қуйида маҳаллий шароитда кенг қўлланилган вентиляторли пуркагичнинг умумий қўриниши келтирилган (46-расм).



**46-расм.** Вентиляторли пуркагичнинг умумий кўриниши.

Ҳорижий мамлакатларда ўсимликнинг касалликлари, зааркунандалари ва бегона ўтларга қарши курашишда пуркагичлар кенг қўлланилади. Уларнинг турли конструкциялари ишлаб чиқилган<sup>18</sup>.

Уларнинг технологик жараёнлари кенг қўламда автоматлаштирилган, қамров қенглиги 8...48 м. ни ташкил этади. Ана шундай пуркагичлардан бири Лемкен фирмасининг “ЕвроЛюкс” пуркагичидир (47-расм).

<sup>18</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552



**47-расм.** Лемкен фирмаси (Германия)нинг “ЕвроЛюкс” пуркагичи.

Бу пуркагич йигиладиган, қамров кенглиги 15 м. дан 24 м. гача кенгликда ўзгарадиган штанга ва алюминий қувурдан ташкил топган бўлиб, дала экинларини киёвий ишчи суюқлик билан ишлов беришга мўлжалланган.

### **3.2. Ўсимликларни ҳимоялаш машиналарнинг ишчи ва ёрдамчи қисмлари**

Кимёвий ишлов берадиган машиналари вазифалари бир хил бўлган, аммо тузилиши ҳар хил бўлган қатор конструктив элементлардан ташкил топган. Уларнинг асосийлари:

**Ишчи суюқлик солиши учун идиши;** Суюқлик солинадиган идиш машинанинг узоқ вақт тўхтовсиз ишлашини. ишчи суюқликни заҳирада сақлаш учун хизмат қиласиди. У *сатҳ ўлчагич, фильтр ва суюқликни аралаштиргич* билан жиҳозланади. Пуркагичларнинг идишлари ичига *пневматик, гидравлик ва механик аралаштиргичлар* ўрнатилади. Идишлар турли хил шаклда бўлиб: полиэтилен, стеклопластик, пўлат листлардан тайёрланади.

**Фильтрлар** сув ва суюқликни тур лихил заррача ва ифлосликлардан тозалашучун хизматқиласиди.


#### **Насос**

Пуркагичларда пневматик ва гидравлик насослар қўлланилади. Насос–босим остида ишлайдиган магистралларга (қувурларларга) ишчи

суюқликни ҳайдаш, кимёвий дориларни керакли ўлчамда парчилиш учун тегишли босим ҳосил қилиш ва уни ишлов бериладиган объектга етказиш учун уларга зарурий ҳаракатланиш тезлигини бериш, суюқликни аралаштириш, машина идишини ишчи суюқлик билан тўлатиш учун хизмат қиласи.

Гидравлик насосла ўз навбатида *поршенли*, *плунжерли*, *марказдан қочма*, *уюрмали*, *шестерняли*, *диофрагмали*, *мембронали*, *роликли* ва бошқа турдаги насосларга бўлинади.

**Босим ростлагич**—пуркагичнинг босим остида ишлайдиган суюқлик йўлларида ишчи суюқлик босимини белгиланган чегарада ушлаб туриш учун хизмат қиласи (48-расм).




**48-расм.** Босим ростлагич. 7- сақлагич клапан; 14 – редукцион клапан  
**Сақлагич клапан** – босим остида ишлайдиган суюқлик йўлларида ишчи суюқлик босими ҳаддан ошиб кетганда ишлайди ва машина қисмларини бузилишдан сақлади.

#### **Пуркагичларни ишчи суюқлик билан тўлатиш қурилмалари.**

Пуркагичларнинг идишини суюқлик билан механизация йўли билан тўлдиришда газ ва гидрооқимли эжекторлар қўлланилади. Газоқимли эжекторлар уюрмали ва шестерняли насослар билан жиҳозланган пуркагичларда қўлланади, гидро-оқимли эжекторлар эса поршенли ва плунжерли насослар билан жиҳозланган пуркагичларда қўлланади. Гидрооқимли эжекторларнинг икки тури: идишларни очиқ ва ёпиқ оқимли

түләтиш қурилмалари күлланади. Очиқ оқимли түләтиш қурилмали эжектор (а ва б расмлар) насадкали корпус, диффузорли аралаш-тириш камераси, соплога уланган, босим остида ишлайдиган шланга, түләтиш шлангаларидан ташкил топган (49-расм).



**49-расм. Гирооқимли энжекторлар.**


а ва б—очиқ оқимли қурилмали эжектор; в-ёпик оқимли қурилмали энжектор; 1,6,8, 11 ва 12—шланглар; 2- дастак; 3 ва 15—аралаштириш камераси; 4—корпус; 5—пробка; 7 ва 9—сопло; 10 диффузор; 13-түләтгич машинанинг идиши; 14 – фильтр.

Энжектор пуркагич насоси билан биргаликда ишлайғанлыги сабабли босимли шланги орқали унга 1,5..2 МПа босим остида ишчи суюқлик келиб туради. Шунинг учун түләтишдан олдин идишга 25...30 литр суюқлик қуийлган бўлиши керак. Эжектор корпуси түләтгич машинанинг ишчи идиши ичига туширилади ва насос ишга туширилади. Соплодан чиқаётган суюқлик оқими суюқликнинг қовушқоғлиги хисобига идиш ичидаги суюқликни сўриб қувурга ҳайдайди. Аралаштириш камерасида сийраклашган муҳит ҳосил қилинади ва натижада Э түләтгичнинг идишидаги ишчи суюқлик сўрилади ва қувур орқали пуркагичнинг идишини тўлдира бошлайди.

**Ёпик оқимли тұлатиши эжектори** пуркагич идиши ичига ўрнатылған корпус. Арапаштириш камераси га сопло ва диффузор ўрнатылған бўлади. Пуркагич идишини ишчи суюқлик билан тұлатиши учун насосдан ёрдамида файдаланған суюқлик эжектор корпусига йўналтирилади. Соплодан тезлик билан чиқаётган суюқлик оқими камера, шлангда сийраклашган босим ҳосил қиласи. Тұлатиши идишидаги суюқлик шланг орқали сўрилиб, эжектор корпусига келиб тушади, ундан сўрилиб, шланг ёрдамида пуркагич идишига келиб тушади.

**Пуркагичниң тарқатгич қурилмалари.** Пуркагичниң тарқатгич қурилмалари пуркалған ишчи суюқлик оқимини силжитиб, уларни ишлов бериладиган обьектга тарқатищдан иборат. Улар вентиляторли, штангали, комбинация-лаштирилған ва брандспойт каби турларга бўлинади.


Вентиляторли тарқатиши қурилмалари куч агрегати, ва иккита ўқ бўйлаб ҳайдайдиган вентилятордан ташкил топган. Қурилманинг куч агрегати икки табакали редуктордан иборат. Вентилятор паррагининг айланишлар частотаси 2000айл/мин. Вентиляторга жойлаштирилған дискли пуркагич учлигининг айланиш частотаси-6000 айл/мин. Вентилятор ер юзасига нисбатан 0... 40 градус бурчак остида ўрнатилиши мумкин (50-расм).



**50-расм.** Вентиляторли тарқатиши қурилма.

**Штангали тарқатиши қурилмаси.** Машинанинг ҳаракатланиш йўналишига кўндаланг ва ерга нисбатан горизантал жойлашган текис ёки фазовий фермадан иборат. У бир неча секциялардан ташкил топиши мумкин. Улар ўз аро шарнирли бриктирилади. Транспорт ҳолатга ўтказилганда, улар йигилади, габарити кичраяди.

Қурилманинг секциясига қувур-коллектор қотирилади. Унга пуркагич учлиги билан жиҳозланган скоба ўрнатилади. Кронштейнда коллекторларни бураш йўли билан пуркагич учликлари шундай ўрнатиладики, пуркалган ишчи суюқлик оқимининг барчаси вертикал ҳолатни эгаллаши керак.




**51-расм.** Штангали тарқатиш қурилма.

Штангани баландлик бўйича шундай ўрнатилиши керакки, пуркалган, конуссимон шаклга эга бўлган заррачалар оқими бир-бирини ярим масофада қоплашлари керак.

**Комбинациялаштирилган тарқатиш қурилмалари**-штанга ва унга ўрнатилган бир нечта вентиляторлардан ташкил топган. Штагага пуркагич учлиги ўрнатилади ва ишчи суюқликни пуркайди, вентилятор эса пуркалган ишчи суюқликни тарқатади.

**Брандспойт.** Ёш боғ дараҳтларини, якка турган дараҳтларни, турли экинларни ва омборхоналарни ишчи суюқлик билан ишлов беришда қўлланади. Унинг асосини пуркагич учлиги билан жиҳозланган ўзакли қувур ташкил этади (52-расм).




**52-расм.** Брандспойт

Пуркагич учлиги тешигининг диаметри, магистралдаги босимнинг мик-дорига қараб, ишчи суюқлик оқими баландлиги 7...12 м. бўлади.

**Пуркагич учликлари.** Пуркагичнинг пуркагич учликлари (53-расм) :  
**вазифасига қараб:** *далабоп ва боғбоп;* ;

**ишлаш принципига қараб:** оддий марказдан қочма; боғбоп марказдан қочма; далабоп марказдан қочма; тангенциал; айланиб ишлайдиган ва бошқалар.



**53-расм.** Пуркагич учликлари.

а) далабоп учлик; б) боғбоп марказдан қочма учлик; в) УН турдаги марказдан қочма учлик; д)пневмо пулверизаторли учлик; е) дефлекторли учлик; ж)айланиб ишлайдиган учлик.

**Далабоп учликлар:** кам босим-0,3...0,8 Мпа остида ишлайди, суюқликни кичик заррачаларга парчалайди. Пуркаш узунлиги-1...2 м.

Пуркаш бурчаги 80...96.градус . Қўл ва гербицид пурқагичларда қўлланилади.

**Боғбоа пурқагич учлиги-** 2,0...2,5 МПа босим остида ишлайди. Дискининг тешиклари-1; 1,5; 2; 2,5; 3; 4.мм.. Брандспойтларда қўлланилади.

**Тангенциал учлик**-диски тешигининг диаметри 1,5; 2; 3 мм. Штангали ва вентиляторли пурқагичларда қўлланилади.

**Марказдан қочма пурқагич**-кам босим остида ишлайди. Диски тешиги-нинг диаметри-1,5; 2; 3 мм. Штангали, вентиляторли ва дори аралаштиргич машиналарда қўлланилади.

**Оқимли учлик**- тирқишли, дефлекторли турларга бўлинади. Парчаланган заррачалари ўлчами 300...500 мкм.

### **Пневматик пурқагич учликлари:**


**Айланниб ишлайдиган учликлар**-барабани диаметри-45...375 мм. айлан-ишлар частотаси-4000....14000 айл /мин.

### **Оддий, кам ҳажмли пурқагичларда қўлланилади.**

### **Чангитиб сепгичлар.**

Универсал чангитиб сепгич (54-расм) – боғлар, токзорлар, ўрмон дарахтлари, турли хил ўсимликлар касалликларига, зааркунандаларга қарши курашишда қуруқ қукусимон кимёвий дориларни сепишда фойдаланишга мўлжалланган. У текис майдонларда ҳамда қиялиги 20 градусгача бўлган тоғ ёнбағларида ишлатилиши мумкин. Машина далабоп-боғбоп пўркагич қурилма билан жиҳозланган бўлиб, унда дала экинларига, ўрмон дарахтлари билан қоплнган майдонларга, токзор ва бутазорларга ишлов беришда қўлланилади.


Чангитиб сепиш усули пуркаш усулига нисбатан афзаллик ва камчиликларга эга. Чангитгичлар пурқагичларга нисбатан содда конструкцияга эга, ишчи суюқлик тайёрлаш учун машина бўлишини талаб қилмайди, меҳнат ва маблағ сарфини камайтиради. Аммо кимёвий моддаларнинг 3...5 маротаба ортиқ сарфланишига олиб келади, чунки қуруқ кимёвий қукун ўсимлик танасига етарлича ёпишмайди, шамол таъсирида учирив кетилади, атмосферани булғайди ва ифлослантиради.



**54-расм.** Универсал чангитиб сепгич

Универсал чангитиб боғ, токзор, дала экинлари, ўрмон дарахтлари зааркунандалари ва касалликларига қарши қуруқ кимёвий дориларни сепишда қўлланади. Унинг асосий қисмлари: бункер, пуркагич қурилма, шнек-озиқлантиргич, редуктор ва бошқалар. Машина ҳаракатни тракторнинг қувват олиш валидан олади. Бункерининг сифими-160 дм<sup>3</sup>. Боғ дарахтларига ишлов бергандаги иш унуми – соатига 25 гектар, узумзорга ишлов беришда–соатига 5 гектар.

*Пуркагич учликлари (55-расм).* Чангитиб сепгичлар тирқишимон, қошиқсимон, ойболтасимон, трапециясимон, цилиндрисимон ва комбинациялаштирилган учликлар билан жиҳозланади. .



**55-расм. Кукунсимон кимёвий дориларни  
сепгич пуркагич учликлари**

- а – цилиндрисимон учлик;
- б) – қошиқсимон учлик;
- в) – ойболтасимон учлик;
- г - трапециясимон учлик;
- г- тирқишли учлик; комбайнайлаштирилган учлик.

Цилиндрисимон учлик кимёвий препаратни симметрик, цилиндрик шаклда чангитиб беради, борғ ва ўрмон дарахтларига ишлов беришда қўлланади.

Тирқишимон учликлар уюрмали ҳаво оқимини ҳосил қиласди. Улардан дала ва боғ экинларига ишлов беришда қўлланади.

Қошиқсимон учлик асосан қўлда ишлатиладиган аппаратларда қўлланилади. Дала экинлари баргларининг пастки қисмига ишлов беришда ишлатилади.

Ойболтасимон учликларнинг уч қисмига йўналтиргич тўсиқлар ўрнатилган бўлиб, баланд ўсадиган ўсимликларга ишлов беришда қўлланади.

Комбинациялаштирилган учликлар сепиладиган кимёвий препаратни учлик қотирилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўсимлик махсулотларини етиштиришнинг интенсив технологиясида ўсимликларни ҳимоялашнинг уйғунлаштирилган ҳимоялаш тизими қандай?
2. “ЕвроЛюкс” пуркагичини тузилишини гапириб беринг.
3. Қандай пуркагич турларини биласиз?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552.
- 2.Landtechnik. Stuttgart. 1985.c.-10-404.
3. Ҳорижий машиналарининг проспектлари.
4. www.lemken.com
- 5.www.john deere/com

## **4 - мавзу: Ғалла йиғиштириш технологиялари ва машиналари**

### **Режа:**

- 4.1. Ғалла йиғиштириш технологиялари.
- 4.2. Ғалла комбайнлари ва уларнинг ишчи қисмлари.

**Таянч иборалар:** ғалла, технология, мум пишиши, дон, поя, сомон, бошоқ, усуллар, технологи жараён. Комбайн, ўргич, янчиши аппарати, барабан, дон тозалагич, сомонэлағич.

### **4.1. Ғалла йиғиштириш технологиялари**

Ҳосилнинг етилиши ва пишиши. Ғалла етиштириш қўп меҳнат талаб қиласидиган иш, аммао етиштирилган ҳосилни кам меҳнат ва энергия сарфлаган ҳолда нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш унчалик енгил иш эмас. Ҳосилнинг нобуд бўлиши, уни йиғиштириб олиш муддати ва

давомийлигига боғлиқ. Ҳосилни донлари мум ва тўлиқ пишиб етилганда йиғишириб олинади.

**Бошоқли экинларнинг мум пишиб етилиши,** унинг таркибида озиқ моддаларнинг энг кўп пайти билан тавсифланади, бунда унинг намлиги массасининг 25% қисмини ташкил этади. Бундай донни тирноқ билан кесиш мумкин. Доннинг мум пишиш фазасининг давомийлиги 6...10 кунни (кичик сон куруқ ва иссиқ об-ҳавога, катта сон эса нам ва салқин об-ҳавога) ташкил этади.

Дон мум пишганда ўсимликни ўриш, анғизга уюмлаш, пояси ва бошофини қуритиш ва кейинчалик йиғишириб олиш мумкин.

Доннинг тўлиқ пишиб етилиши дон қаттиқ, намлиги 14...20 % оралиғида бўлганда бошланади. Дон бошоқдан тўкилабошлайди. Дон тўлиқ пишиб етилганидан кейин йиғишириб олиш кечиктирилса, нобудгарчилик кўпаяди, сарфланган меҳнат ва маблағ ҳавога соврилади. Тажрибалар кўрсатадики дон тўлиқ пишиб етилгандан бошлаб йиғиширилганидан сўнг 10....12 кун ўтганда ҳам нобудгарчилик унчалик сезиларли бўлмайди (0, 005%), ундан кейин эса жадал равишда кўпаяди. Бундан кўриниб турибиди, ҳосилни ўз вақтида ва тез йиғишириб олиш керак.

Ғалла йиғишири технологиялари турфа хил, аммо улар орасидан иккитаси: бир фазали ва икки фазали ғалла йиғишири технологиялаи кенг қўлланилади:

1. Ғаллани бир фазали (тўғридан – тўғри ) йиғишириш технологияси.
2. Ғаллани икки фазали йиғишириш технологияси<sup>19</sup>.

*Ғаллани бир фазали (тўғридан – тўғри ) йиғишириши технологиясида* - ғаллани ўриш, уни янчиш, донни ажратиб олиш ва тозалаш, сомонини сомон тўплагичга йиғиши, уларни ташиш воситалларига тўкиш ишлари битта агрегатда бажарилади. Бунда йиғишириш ишлари дон тўлиқ пишиб етилганда бошланади. Ўсимликлар бир пайтда пишиб етилмаганлиги сабабли, йиғишириш ишларининг муддати чўзилиши, донларнинг нобуд бўлиши, дон ҳар хил даражада пишганлиги сабабли, янчиб олинган донни қайта ишлаш учун харажатларнинг кўпайиши мумкин. Шунинг учун бу технологиядан асосан сийрак ва паст бўйли экинларни йиғиширишда қўлланилади.

*Ғаллани икки фазали йиғишириши технологиясида* ғалла дони думбул пишиб етилганда, уни ўргич уюмлагичлар билан ўрилади ва дала шароитда қуритилади (3..6 кун). Қуриган ғаллани “подборшчик”лар билан жиҳозланган комбайнлар ёрдамида йиғишириб олинади, янчилади, дон ва

<sup>19</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552

сомони ажратиб олинади. Бу технология қўлланилганда ўриш ишларини 5... 10 кун олдин бошлаш имконини беради, дон бир хилда қурийди, ғалла яхши янчилади, дон нобудгарчилиги камайиб, уларнинг ҳисобига ҳослдорлик гектарига 0,15... 0,45 тоннагача ортади. Донларга дастлабки ишлов бериш харажатлари камаяди.

### **4.2 Ғалла йиғиштиришнинг ноананавий технологиялари**

*Ғаллани уч фазали йиғиштириши технологияси -ғалланинг бутун биологик массасини йиғиштириб, хирмонга ташиш, стационар ҳолатда янчиш, донини алоҳида, сомонини алоҳида ажратиб омборлага жойлаштиришни кўзда тутади.*

*Ғалла йиғиштиришининг Кубан индустрисал технологияси-ғаллани ўриш, уни майдалаб, биологик массани ташиш воситасига ортиш ва хирмонда тўплаш, стоционар ҳолатда конвеерларда қуритиш, маҳсус тайёрланган комбайнлар ёрдамида (СК – 6) янчиб, донини алоҳида қайта ишлаш жойларига, сомонини алоҳида скирдаларга ташиш операцияларининг бажарилишини кўзда тутади.*

*Ғалла йиғиштиришининг "лентасимон" йиғиштириши технологияси – узунлиги 200... 300 м. бўлган даладаги ғаллани ўриб, эни 2 м. бўлган полиэтилен лентага жойлаштирилади ва ўриш агрегати билан анғизда слжитилиб юрилади. Дала четига чиқарилгач ўргич ўрилган ғаллани маҳсус қурилма ёрдамида стационар янчиш қурилмасига транспортёр орқали узатади ва янчилади. Янчилган донни транспортларга ортилиб қайта ишлаш пунктларига, сомон эса сақлаш жойларига жўнатилади.*

*Ғаллани "невейк" усулида йиғиштириши- дон ва сомонни далада йиғиш ва уларни ажратиш, стационар хирмонларда амалга оширишни кўзда тутади.*

*Ғаллани йиғиштириши ва уни стационарда ишлов бериши – ўсимликни ўриш ва майдалаш ёки ўриш, уюмлаш, йиғиштиришишларини далада бажариш ва ундан кейин йиғилган массани хирмонга ташиш, янчиш, донни ажратиш ва тозалаш ишларини стационар ҳолатда амалга оширишни кўзда тутади.*

### **Ғалла йиғиштириш комбайнлари ишига қўйиладиган агротехник талаблар.**

1. Бир ва икки фазали йиғиштириш технологияларида дон нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиниши керак. Икки фазали йиғиштириш технологиясида ишлатиладиган комбайнларда дон нобудгарчилиги 1 % рухсат этилади. Бункерга йиғилган доннинг тозалиги 96% дан кам бўлмаслиги керак.

2. Бир фазали йиғиширишда комбайн бункерида йиғилган доннинг тозалиги 95% дан кам бўлмаслиги керак, Ғалласи ётиб қолмаган, тик ғаллани ўриб–янчишда комбайндаги умумий дон нобудгачилиги 1,0% гача, ётиб қолган ғаллани йиғиширишда эса 1,5 % гача рухсат этилади.

3. Комбайн ёрдамида уруғлик учун йиғишириб олинган доннинг жароҳат олиши 1 % гача, истеъмолбоп доннинг жароҳат олиши 2 % гача, дуккакли ва крупабоп ( ёрма) экинлар донининг жароҳат олиши 3 % гача, шоли донининг жароҳат олиши 5 % гача рухсат этилади.

### **Ғалла комбайнлари ва уларнинг ишчи қисмлари**

Ғалла йиғиширишда икки хил машиналир ишлатилади:

1. Ғаллани ўриб уюмлайдиган ўргичлар.
2. Ғалла йиғишириши комбайнлари.


*Ғаллани ўриб уюмлайдиган ўргичлар* - осма, ўзиорар, модулли ва универсал турларга бўлинади.

*Ғалла комбайнлари*: агрегатланиши бўйича: тиркалма, ярим осма, ўзиорар турларга;

Комбайннинг янчиш аппаратига ўрилган ғаллани узатиш ўйналишига қараб: Г–шаклли; Т–шаклли ва П–шаклли схема бўйича ишлайдиган комбайн-ларига бўлинади.

Қия ерларадаги ғаллани ўришга мўлжалланган–максус комбайнларга бўлинади.

Комбайнларнинг Т- шаклли схемаси ўзиорар комбайнларда кўлланилган. Уларда ўрилган ғалла ўргичнинг ўнг ва чап томонларидан ҳаракатланиб марказига келади ва ўзларининг ҳаракатланиш йўналишини  $90^{\circ}$  га буради. Бундай схемада тайёрланган комбайнлар яхши бошқарилади, ўсимликнинг ўрилишини кузатишга қулай шароит яратади. Аммо, бундай комбайнларда ишчи қисмларга ҳаракат узатиш бироз мураккаб, габарит ўлчамлари каттароқ, массаси оғирроқ бўлади.



**56-расм.** Ғалла комбайнлари турлари. а – тиркалма, Г – шаклли; б – тиркалма, түгри оқимли; в- тиркалма, күндаланг-түгри оқимли; г – ўзиюар бўйлама-түғри оқимли; д – ўзиюарар Т – шаклли; е – ўзиюарар түғри оқимли; ж – ўзиюарар шассига осилган Т – шаклли.

Г–шаклли схема тиркалма ва осма комбайнларда қўлланилади. Тиркалма комбайнларни ўзиюар комбайнларга нисбатан бошқариш қийинроқ. Майдонга тушадиган юк массаси кўпроқ. Ўзиюар коибайнларга нисбатан уларнинг эксплуатацион харажатлари ва капитал қўйилмаси пастроқ.

П–шаклли схема янчиш қурилмаси ўқи ўргичга параллел бўлган комбайнларда қўлланилган. Бундай схема ихчам, металл ҳажми кам, техник хизмат кўрсатиш осонроқ.

### Ғалла комбайнининг тузилиши


Кейинги йилларда Республикаизга ғаллани йиғишириб олишга “Доминатор-130” комбайнлари ишлатилиб келинмоқда. Унинг умумий кўриниши 57-расмда келтирилган<sup>20</sup>. У ўргичдан, қия камерадан, янчиш қурилмадан, дон тозалаш қурилмасидан, сомон элагичдан, сомонни майдалагичдан, бункердан бункердаги бонни транспорт воситасига ортадиган қурилмидан, двигателдан, бошқаоиш тизими билан жиҳозланган, комфорт шароитга эга бўлган кабинадан, электро-гидравлик тизимдан ва шассидан ташкил топган.

<sup>20</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552



**57-расм.** Доминатор-130 дон комбайнининг умумий кўриниши.

1-кабина; 2-CPBIS ; 3-GPS PILOT; 4- кўп функцияли ажратгич; PILOT; 5-V-шаклли канал; 6-бўлгич; 7-ўргич; 8-ўргич каркаси; 9- LASER PILOT;10-қия тахта; 11-дон тозалагич; 12-сомон майдалагич; 13-сомон элагич; 14-янчиш қурилмаси.



**58-расм.** Доминатор-130 комбайнининг конструктив схемаси

1-мотовило; 2-мотовило хаскаши; 3-узатмалар қутиси; 4-ростлаш юритмаси; 5-мотовило цилинтри; 6-туп кўтаргич; 7-таъминловчи шнек; 8-транспортер нови; 9-қия транспортер; 10-жатка цилинтри; 11-тош тутувчи нов; 2-дека; 13-янчиш барабани; 14-битер; 15-фартук; 16-сомон силкитгич; 17-тўзитгич; 18-сомон уюмлагич; 19-ирғитувчи доска; 20-ғалвир қутиси; 21-юқори элак; 22-пастки элак; 23-вентилятор; 24-ҳаво йўналтирувчи пластина; 25, 27-дон шнеклари; 26-дон элеватори; 28-бўшатиш шнеки; 29-дон бункери; 30-бошоқ шнеки; 31-бошоқ элеватори; 32-бошоқларни тақсимлаш шнеки; 33-двигател; 34-ҳаво фильтри; 35-ҳавони сўриш панжараси; 36-оператор ўрни; 37-

кабина; 38-ён редуктор; 39-узатмалар қутиси; 40-олд филдираклар; 41-орқа филдираклар.

Комбайнларнинг конструктив схемалари (57 ва 58-расмлар) ва техник тавсифларидан (2-жадвал), кўринадики, Доминатор-130 комбайни кўндаланг барабан-дека ва сомон силкитгичли янчиш-ажратиш қурилмасига эга.


Доминатор-130 комбайнинда янчилган донни сомон ва қипикдан ажратиб оловчи иш органлари сони 4 та клавищдан иборат.

2-жадвал.

#### **Доминатор-130 ғалла комбайннинг техник тавсифлари**

T/p	Кўрсаткичлар номи	Доминатор-130
1.	Жатка русуми ва қамраш кенглиги	C 420 (4,27 м)
3.	Янчиш аппарати узунлиги ёки эни, мм	1060
4.	Янчиш барабани диаметри, мм	450
5.	Янчиш барабани айланишлар сони, мин <sup>-1</sup>	650-1500
6.	Деканинг қамраш бурчаги, градус	117
7.	Клавишимон сомон силкитгич узунлиги, м	3,90
8.	Сомон силкитгич юзаси, м <sup>2</sup>	4,13
9.	Дон тозалаш юзаси, м <sup>2</sup>	3,0
10.	Дон бункери хажми, л	3200
11.	Тўлиқ қуввати, кВт (о.к.)	97 (132)

Сепаратор роторининг ўлчамлари қуйидагича: диаметри 605 мм, узунлиги ёки эни 1300 мм. Ротордаги ажратувчи бармоқлар 10X7 формула билан ўрнатилган бўлиб, уларнинг умумий сони 70 донани ташкил этади. Роторнинг айланишлар сони икки хил режимда ишлашга мослашган бўлиб, 740 ва 388 мин<sup>-1</sup> айланиш билан ҳаракат қила олади. Бу эса уни турли хил шароитларда ишлатишга имкон беради.



**59-расм.** Доминатор-130 ғалла комбайнин технологик жараёнининг принципиал схемаси

I-ўриш қисми; II-ғаллани ташиб узатиш қисми; III-ғаллани янчиб ажратиш қисми (ЯАҚ); VI- донни сомондан ажратиш қисми (донни сомондан ажратиш қисми ДСАҚ); V-донни тозалаш қисми (ДТТ).

1-ғалла; 2-комбайн жаткаси; 3-транспортёр; 4-технологик оқим “ғалла”; 5-янчиш барабани; 6-қайтарувчи битер; 7-технологик оқим “сомон+дон”; 8-сомонсилкиткич; 9-технологик оқим “сомон+нобуд бўлаётган дон” 10- технологик оқим “дон+тўпон+қипик” 11-силкитиши тахтаси; 12-технологик оқим “дон+қипик”; 13-технологик оқим “дон+тўпон+қипик”; 14-технологик оқим “дон”; 15, 17-технологик оқим “тўпон”; 16-ғалвир.

59-расмда “Доминатор-130” комбайнлари технологик тизимиning принципиал схемалари келтирилган. Схемадан кўриниб турибиди, комбайннинг технологик тизими I-ғаллани ўриш қисми, II-ташиб узатиш қисми, III-ғаллани янчиб ажратиш қисми (ЯАҚ), VI-донни сомондан ажратиш қисми (ДСАҚ) ва V-донни тозалаш қисми (ДТК) дан иборат.

Доннни янчиб олиш жараёнини бир неча: ғаллани ўриш, янчиш ва тоза донни ажратиб олиш жарёнларга бўлиш мумкин. Янчиш жараёни узатилган ғалла массасини бир қатор механик: уриш, зарба бериш, силжитиши, увалаш ва бошқа таъсирлар асосида амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги экинларининг алоҳида бир етилиш жараёнида ана шундай мураккаб жараённи амалга оширишда донга жароҳат етказмаслик мухим массалалардан бири ҳисобланади. Мисол учун ғалланинг намлиги талаб даражасидан ортиқ бўлганда, донни бошоқлардан ажратиб олиш бирмунча мураккаб иш бўлитб, бунда донга жароҳат етказилиш анчагина осон кечади. Донни бошоқдан ажратиб олиш жараёнини поялар ва сомон кўринишдаги сочилувчан махсулотларнинг орасидан ажратиб олишга қиёс қилиш мумкин. Дон тозалашда, дон ва қипикқа ўхшаган майдадор қишлоқ

хўжалиги материаллари орасидан, донни ажратиб олиш учун ҳаво оқимидан фойдаланилади.

Ҳосилни йиғишириб олишда қўлланадиган усулларга қараб, йиғишириш жараёнида ғаллани ўриш ва уюмлаш, маълум муддатдан кейин йиғишириш ёки бўлмаса машинанинг экинзор ичибан бир ўтишидаёқ барча ҳосилни йиғишириб олиш ишлари амалга оширилиши мумкин. Замонавий комбайнлар етиштирилган ҳосилни ғаллазордан бир ўтишидаёқ йиғишириб, янчиб олишга мўлжалланган.

Ғаллани бир фазали-тўғридан-тўғри йиғишириш усулида, ғаллани ўриш, янчиш ва донни тозалаб ажратиб олиш ишлари комбайн деб номланадиган машинада амалга оширилади. Ҳозирги кунда комбайнларнинг асосан икки тури: анъанавий схемада ишлайдиган ва роторли турлари мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзиорар ёки тиркалма, карданли узатма орқали ҳаракатланадиган машина бўлиши мумкин (5 ва 6-расмлар).



Figure 12.1 – A modern grain combine (courtesy of Ford/New-Holland).




Комбайн ишлаганида, мотовило ўриладиган ғалланинг бир қисмини ажратиб олади ва уни ўриш аппратига энгаштири беради, ўрилганидан кейин ўргич платформасига ётқизади. Ўргичнинг шнекли транспортёри ётқизилган ғалла массасини, унинг ўрта қисмига суради. Бу ерда бормоқли механизм тўпланган ғаллани қия камера узатади, қия камера ўз навбатида комбайннинг янчиш қурилмасига етказиб беради. Янчиш қурилманинг барабани жуда ката тезлик билан айланади (ҳаракатланиш тезлиги 30 м/сония атрофида). Янчиш қурилмада 80% атрофида дон янчиб олинади ва

**59 ва 60-расм.** New Holland ва Jhon Deere фирмаларининг ғалла комбайнлари.

Комбайнларни ишлаб чиқарадиган ишлаб чиқариш кархоналари турли конструкцияларга эга бўлган комбайнларни ишлаб чиқаришади. Лекин уларнинг бажарадиган функциялари бир-бирига жуда ўхшаш. New Holland комбайни ўзиорар турга мансуб бўлса, Jhon Deere фирмаси ишлаб чиқсан комбайн тракторга уланиб ишлатилади.


барабан таглиги кўзларидан ўтади, дон билан биргаликда қипик, пояларнинг кичик-кичик бўлаклари ҳам ажралади. Ўсимлик поялари ва поялар орасида қолиб кетган донлар барабан ва барабан таглиги тирқишидан ката тезлик билан чиқарилиб юборилади ва қайтарувчи жўва таъсирига тушади. Қайтарувчи жўва узатилган массанинг тезлигини пасайтириб, уларни самоэлагич устига узатиб беради. Сомон элагич клавишни бўлиб, улар бир неча новсимон клавишлардан иборат бўлиб, улар навбатм-навбат айланма-тебранма ҳаракатланиб, сомонни комбайннинг орқа томонига суради, натижада уларнинг орасидан донлар ажралиб, комбайннинг транспортловчи тахтасига келиб тушади. Бу ерда қипиклар, донлар, пояларнинг парчаланган қисмлари, транспортловчи тахтанинг тебранма ҳаракатланиши ҳисобига комбайн ҳаракат йўналишига қарама-қарши томон ҳаракатланади ва комбайннинг дон тозалаш қисмига келтирилади. Комбайннинг дон тозалаш қисми икки қават ғалвирдан, уларни тегишли ҳаво оқими билан таъминлаб берадиган вентилятордан иборат. Юқоридаги ғалвир шундай тайёрланганки, унинг кўзларининг кенглигини ўзгартирилиши мумкин. Ғалвирлар тебранма ҳаракатланиши натижасидан дон аралашмаси эланади ва уларнинг кўзларидан ўтади. Ўтиш жараёнида улар ҳаво оқими таъсирига тушади, енгил чиқиндилар: қипик, пояларнинг қолдиқ қисмлари ҳаво оқими билан комбайннинг орқа қисмига ҳайдаб чиқарилиб юборилади. Тозаланган донлар эса, қия йўналтиргич орқали дон шнегига ва ундан бункерга етказилади. Янчилмай қолган бошоқ ва поянинг оғирроқ ҳаво оқими таъсирида ажралмай қолган қисми ғалвир ва унинг узайтиргичидан тушиб қия йўналтиргич орқали бошоқ шнегига келади ва улар шнекда йиғилиб, элеватор орқали янчиш қурилмасига қайта янчиш учун ташланади.

Айрим комбайнларда бошқача янчиш қурилмаси билан жиҳозланган (61-расм). Унда бита янчиш барабан ва саккизта тишли жўвалар билан жиҳозланган янчиш қурилма ўрнатилган. Бу комбайн шоли ўсимлиги сингари қийин янчиладиган ўсимликларни йиғиштиришда қўлланишга мўлжалланган. 62-расмда яна битта механизм билан жиҳозланган комюайн кўрсатилган.



**Figure 12.4 – A combine design utilizing a conventional**

**61-расм.** Доминатор – 116 комбайнининг технологик иш жараёни схемаси.



**62-расм.** «Jhon Deere» комбайнининг технологик схемаси.

Бу комбайннинг конструкциясида янчишининг «тандем» тизими кўлланилган. У ғалла янчилишини «енгил» амалга оширишга мўлжалланган, донга жароҳат етказмасдан унинг сифатини саклашга қаратилган.

## 2.2. Ғалла комбайнларининг янчиш аппаратлари

Ғалла комбайнлари турли хил конструкцияларга эга бўлиб, улар турфа хилдир. Дон янчиш аппаратлари уларнинг асосий қисмларидан ҳисобланади.

Ғалла комбайнларининг янчиш курилмалари бошокдан донларни янчиш ва янчилган ғалла поялари орасидан ажрати болиш учун хизмат қиласди. Улар учтурга бўлинади.

Барабан–декали янчиш аппарати.

Барабанли янчиш аппарати.


Роторли янчиш аппарати.

Үз навбатида барабан – декали янчиш аппаратла риикки турға: штифтли (тишли) ва савағичли барабанли турларга бўлинади.

Штифтли, барабан – декали янчиш аппарати, айланувчан барабан ва кўзғалмас декадан ташкил топган (63-расм). Барабан вал ва унга қотирилган 3-та ёки 4-та дискдан ва дискларга 6-12 тагача планка ўрнатилган бўлади.

Планкаларга, тишлар винт чизиги бўйлаб ўрнатилади.

Дека ҳам тишлар билан жиҳозланади. Кўпчилик холларда дека 3 та сексиядан ташкил топади. Икки чеккадаги секциялар тишлар билан жиҳозланади. Ўртадагисига тишлар ўрнатилмайди ва улар панжарасимон тайёрланади.



**63-расм.** Штифтли барабан - декали янчиш аппарати.

1-вал; 2-диск; 3-планка; 4-штифт; 5-дека(барабан таглиги).


Иш жараёнида барабаннинг штифтлари ғалла пояларини илиб олиб, унга юкори тезлик билан барабан ва дека орасидаги тиркишга тортиб киради. Бунда бошоқлар дека тишларига урилади, тишлар орасидаги тиркишдан сидирилиб ўтказилади. Натижада дон янчилади, бошоқлар парчаланади, эзилади, поялар узилади. Шунинг учун бу аппаратда донни янчиб олиш учун нисбатан кўпроқ қувват сарфланади. Ғалланинг кўпроқ ёки камроқ узатилиш,

аппаратнинг ишига унчалик таъсири сезилмайди.

*Савағичли барабанли янчиш аппарати* - барабан ва панжарасимон декадан ташкил топган (64-расм).

Барабан планкаларга савағичлар ўрнатилади. Уларда тишлар чикарилган бўлиб, 45 градусга ўнга ва чапга эгилган бўлади. Биринчи

савағичнинг тишлари ўнгга эгилган бўлса, ундан кейингисининг тишлари чапга эгилган бўлади. Тишларнинг баландлиги 2-5 мм. ни ташкил килади. Аппаратнинг декаси панжарасимон тайёрланган бўлиб, кўндаланг, яъни барабан валига паралел ўрнатилган планкалардан ҳамда уларнинг ўрталаридан симилар ўтказилган, яъни панжара ҳосил килинган.



**64-расм.** Савғичли барабан - декали янчиш аппарати.

1-вал; 2-диск; 3-планка; 4-савғич; 5-дека(барабан таглиги);


Курилма янчиш жараёни асосан савағич ва узатилган ғалла орасидаги ишқаланиш кучлари хисобига амалга ошади. Савағичга якинрок жойлашган поялар ишчи тирқишига юкори тезлик билан, дека панжарасига якинлари эса паст тезлик билан харакатланади. Тиркишдаги ғалланинг тезлиги 14...16 м/с ни ташкил қилади, натижада барабан ва дека орасидаги тирқишда ғаллапоялари қаватма – қават силжийди, ўзаро сирпанади ва уларни савағичлар даврий равишда савалайди. Савағичнинг ҳар бир уриши ғалла пояларнинг тезланиш билан, харакатланишини таъминлайди. Тезланишнинг микдори  $8000...6000 \text{ м/с}^2$  оралиғида кескин ўзгариших исобига ҳамда ғалланинг тирқишдан ўтиш вақти жуда қисқа  $0,03...0,05$  с. бўлганлиги сабабли, бошоқ тез янчилади.

Шундай килиб, тишлар ва савағичлар таъсирида, бошоқларнинг тишларга урилиши, савағичлар таъсирида силжиши, пояларнинг ишчи тирқишдан тортилиб ўтиши ва бошка жараёнлар натижасида, деканинг бошлангич кисмида 60...65 % дон ажратилади, ўрта кисмида 25 %, деканинг орқа кисмида эса 10% гача дон янчилиб ажратиб олинади.

Барабанли янчиш аппарати (65-расм) маҳсус комбайн КБК-1га ўрнатилади. Комбайннинг янчиш қурилмаси қуйидаги қисмлардан: озиқлантиргич 3 ва тозалаш транспортёраи 6, ички 4 ва ташқи 5 барабанлар,

марказий дон 12 ва тозалаш 8 транспортёрлари, транспортёр поя силкитгич 9, күндаланг транспортёр 10, дон элеватори 11 лардан ташкил топган. Бундан ташқари комбайн дон қутиси, унинг платформаси ва бошқа қисмлар билан жиҳозланган.

Барабан қуидагида ишлайди: комбайннинг йиғиштиргичи билан ийғилган ғалла массаси, озиқлантиригич транспортёр ёрдамида янчиш аппаратининг қабул қилиш дарчаси орқали ташқи барабаннинг пастки қисмига узатилади. Янчиладиган масса бир томонга, бири тез (ички барабан –  $6,5 \text{ c}^{-1}$ ), иккинчиси (ташқи –  $0,5 \text{ c}^{-1}$ ) секин айланадиган, ички ва ташқи барабанлар таъсирига тушади. Ғалла массаси барабанларнинг ўқи бўйлаб силжийди ва айланма ҳаракатда бўлади. Ички барабанн қанотларининг урилиши таъсирида ўсимлик дуккаклари парчаланади, дони ажралади, дон ва майда дуккак пўчоқлари ташқи барабаннинг элаксимон кўзларидан ажралиб чиқади ва қия ўрнатилган тахталар устига тушади, ундан ён томонда жойлашган тозалаш транспортёрига узатилади. Бу қурилмадан ўсимлик барглари, дуккак пўчоғи, ва бошқа қисмлари ташқарига чиқарилиб ташланади. Донлар эса оқиб марказий транспортёрга келиб тушади. Ундан кейин күндаланг транспортёрга ва дон элеватори ёрдамида дон қутисига узатилади.




**65-расм.** Барабанли янчиш аппарати.

1-ийғич барабан; 2-транспортёр; 3-озиқлантиригич транспортёр; 4 ва 5-ички ва ташқи барабанлар; 6-тозалагич транспортёри; 7-эгилган тўлиқ; 8-орқа тозалагич транспортёри; 9-поя транспортёри; 10-күндаланг транспортёр; 11-дон элеватори; 12-марказий транспортёр; 13-дон қутисининг платформаси; 14-дон қутиси.

Роторли янчиш аппарати (66-расм) - ичи бўш цилиндр ва қўзғалмас қобикдан ташкил топган. Роторнинг олд қисми винтсимон қанотчалар билан жиҳозланган. Улар ғалла поясини тезда қамраб олади, ротор ва қобик орасидаги тирқишига йўналтиради. Роторнинг бошлангич қисми винтсимон эгилган хамда тўғри жойлаштирилган савағичлар билан жиҳозланган.

Унинг орқа қисмiga силлиқ планкалар ўрнатилган. Шунинг учун роторнинг бошланғич қисмida ғалла янчилади, кетинги қисмida ғалла поялари орасидан янчилган донлар ажратилиб олинади.




**66-расм.** Роторли янчиш аппаратининг ротори.

1-қанот; 2-түғри савағич; 3- эгри, тишли савағич; 4-цилиндр; 5-түғри, силлиқ савағич; 6–силлиқ планка.

Кўзғалмас қобик кўзғаладиган ва кўзғалмайдиган қисимлар (йиғиш учун қулай бўлиши учун) дан ташкил топган ва улар ротор ва қабик орасидаги ишчи тирқиши созлаш имконини ҳам беради, бунда ғалла массаси роторга ва қобик ичига ўрнатилган савағичлар тасирида ғалла силжийди ва янчлади. Шунинг учун роторнинг узунлигини шартли равишда икки қисимга ажратиш мумкин. Биринчи қисмida бошоқ янчилади ва дон ажратилиб олинади, иккинчи қисмida эса янчилган, ғалла поялари орасида колган донлар ажратиб олинади, яни аппаратнинг иккинчи қисми сомон элагич вазифасини ўтайди.

“Доминатор-130” комбайнининг янчиш аппаратининг умумий схемаси 67-расмда келтирилган. Юқорида байн қилинган янчиш аппаратларидан фарқи, янчиш барабанининг олд қисмiga янчиш жараёнини тезлаштириш имконини берадиган, қабул қилиш битеринг вазифасини ҳам бажарадиган барабали тезлатгич ўрнатилган<sup>21</sup>.

<sup>21</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552




67-расм. “Доминатор-130” комбайнининг янчиш аппарати  
1-қайтарувчи битер; 2-янчиш барабани; 3- тезлатгич барабан.

Ушбу тезлатгич узатилаётган ғалла массасига интенсив таъсир этиб уларни янчишга тайёрлайди, аппаратнинг самарали янчишини таъминлайди.

**Ғалла комбайнинингдон тозалаш қисми ва сомон элагичи** комбайнда янчилган ғалла махсулотини: дон, қипик, янчилмай қолган бошоқлар ва чиқиндиларга ажратиш учун ҳаво—ғалвирли тозалаш курилмаларидан фойдаланилади.

Ғалла комбайнларининг дон тозалаш қисми деярли бир хил конструкцияга эга бўлиб, улар асосан ўлчамлари, тозалаш қисмининг юзаси ва бошқалар билан фарқланади ва қуйидаги қисмлардан ташкил топган (68-расм). У транспорт тахтаси, юқори ва пастга ўрнатилган ғалвирлар, вентилятор, дон ва бошоқ шнеклари, ҳаракат узатиш механизмлардан ташкил топган.



68-расм. Ғалла комбайнининг дон тозалаш қисми.

1—транспорт тахтаси; 2—бармоқсимон чивиқ; 3—устки ғалвир; 4—пастки ғалвир; 5—узайтиргич; 6—тўсиқ; 7—нов; 8—тўсиқ; 9—бошоқ шнеги; 10—ғалвир


асоси; 11–дон шнеги; 12–вентилятор.

Транспортлаш тахтаси янчилган дон аралашмасини, ўзининг тебранма ҳаракатланиши ҳисобига ғалвирга узатиб беради. Дон аралашмаси тебраниб ҳаракатланиши ҳисобига, енгил чиқиндиларни аралашма юзига олиб чиқади, дон эса пастки қисмида қолади. Узатилаётган дон аралашмаси бармоқсимон тароқлар ёрдамида майда ва йирик фракцияларга бўлинади. Майда фракцияли чиқиндилар ва дон аралашмаси, ғалвирнинг бош қисмига, иккинчи фракцияси эса ҳаво оқими ёрдамида ғалвирнинг ўрта қисмига келиб тушади.

Юқорги ғалвир дон аралашмасидан донни ажратиб олади. Дон ва майда чиқиндилар ғалвир кўзларидан ўтгач, пастки ғалвирга келиб тушади, яна тозаланади, ғалвир кўзидан ўтиб дон шнекига келиб тушади ва кейинчалик элеватор ёрдамида бункерга узатилади.

Юқорги ғалвир узайтиргич билан тугайди. Узайтиргичнинг тароқлари кўндаланг жойлаштирилган бўлиб, уларнинг орасидаги тирқиш кенгроқ ўрнатилади. Узайтиргич ажратилиб улгурмаган ва чала янчилган бошоқларни ажратиб олишга мўлжалланган. Ғалвирлар кривашип шатунли механизм ёрдамида тебранма ҳаракатланади. Уларнинг тебраниши бир-бирига қарама қарши бўлиб, тебранаётган массанинг энергия кучларини ўзаро мувозанатлаштириб туради.

Вентилятор ҳаво оқими ҳосил қиласи ва донни енгил чиқиндилардан тозалашга хизмат қиласи. 69-расмда Доминатор-130 ғалла комбайниниг дон тозалаш қисмининг умумий қўриниши берилган [1].



**69-расм.** Доминатор-130 ғалла комбайниниг дон тозалаш қисми. 1-Транспортловчи тахта; 2-ғалвирлар; 3-вентилятор; 4- қия ўрнатилган тахта.

Комбайниниг ишлаш шароитига қараб, ғалвирларнинг энгашиш

бурчаги ( $4\dots7^0$ ), ғалвир күзларининг очилиши ( $8\dots17$  мм), юқорги ғалвир узайтиргичининг қиялиги ( $8\dots30^0$ ), вентилятор паррагининг айланиш бурчак тезлиги  $10,3\dots10,8 \text{ с}^{-1}$ , ҳамда вентилятор дарчасининг очилиш даражаси созланади.

Устки ғалвирнинг горизантал йўналишдаги тебраниши  $A_r=52\dots55$  мм.


Вертикал йўналишдаги тебраниши  $A_v=28\dots32$  мм. Пастки ғалвирнинг горизантал йўналишдаги тебраниши  $A_{hv}=32\dots35$  мм, вертикал йўналишдаги тебраниши  $A_{hv}=7\dots8$  мм.

Ғалвирлар горизантал текисликка  $4\dots7^0$  бурчак остида қия ўрнатилади:

Ғалвир жалюзларининг очилиши  $0^0$ дан  $45^0$  оралғида ўзгартирилади. Узайтиргич ўрнатилиш қиялиги  $8^0$ дан  $30^0$  гача ўзгартирилади. Ўртча шароит учун ғалвир жалюзлари орасидаги масофа устки ғалвирда  $14\dots17$  мм, пастки ғалвир учун  $8\dots10$  мм. Вентилятор қантларининг айланишлар сони **630...660 айл/мин.**, ғалвир -  $6^0$  узайтиргич -  $25^0$ .

Сомон элагич узатилган сомон таркибидан майда чиқиндиларни, аралашмаларни: дон, қипик ва бошқаларни ажратиб, уларни тозалаш қурилмасига, сомонни эса сомонтўплагичга узатиб беради.

Сомон элагичларнинг платформали, конвейер-роторли, роторли ва клавишсимон турлари маълум. Енг кўп тарқалгани клавишсимон сомон элагич ҳисобланади. Доминатор-130 ғалла комбайнига клавишли сомон элагич ўрнатилган (70-расм).



**70-расм.** Доминатор-130 ғалла комбайнига клавишли сомон элагич.  
1-клавишлар; 2- сомон қайтаргич

Доминатор-130 ғалла комбайнига клавишли сомонэлагичи тўрт клавишли бўлиб, ҳар бир клавиш бир-бирига нисбатан баланд-паст жойлаштирилган корпусдан ташкил топган<sup>22</sup>. Корпус панжарасимон ишчи

<sup>22</sup> Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552

қисмига эга бўлиб, улар нов шаклида тайёрланади. Клавишанинг ён томонининг ишчи юзасидан баланд кўтарилиган тароқлар билан жиозланган, ҳаскашлар ўрнатилган. Улар сомоннинг пастга силжиб кетишининг олдини олади, юқорига кўтарилишини, сомоннинг сомонтўплагич томон бир текисда силжишини таъминлайди.

Сомон элагичнинг ҳар бир клавиши, тирсакли вал билан шарнирли бриктирилган. Қўшни жойлашган клавишалар ўрнатилган тирсаклар бир-бирига нисбатан маълум бурчакка бурилган бўлади.

Клавишли сомон элагичлар сомонни титиб, донни ажратиш принципда ишлайди. У қилтиқсиз бошоқли ғалла сомонини яхши тозалайди ва текис ерларда ишлатилганда, иш кўрсатгичлари яхши бўлади.

### **Назорат саволлари:**

1. New Holland ва Jhon Deere фирмаларининг ғалла комбайнларидағи авфзаллик ва камчиликлари нимада?
2. Доминатор-130 ғалла комбайнига қандай янчиш аппарати ўрнатилган?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552.
2. Landtechnik. Stuttgart. 2005.c.-10-404.
3. Ҳорижий машиналарининг проспектлари.
4. [www.lemken.com](http://www.lemken.com)
- 5.[www.john deere.com](http://www.john deere.com)

**5-мавзу: Озуқаларни тайёрлаш технологиялари ва машиналари**

**Режа:**

- 5.1. Озуқаларни тайёрлаш усуллари ва схемалари.
- 5.2. Ферма шароитида озуқаларни тайёрлаш.
- 5.3. Махсулотларни майдалаш назарияси асослари.
- 5.4. Қирқиши назарияси асослари

**Таянч иборалар:** озуқаларни тайёрлаш усуллари, ферма шароити, арzon, озуқа сақлагач, дон, майдалагич, аралаштиргич, аралаш ем.

**5.1. Озуқаларни тайёрлаш усуллари ва схемалари**

Озуқаларнинг қуйидаги турлари мавжуд: дағал озуқалар (пичан, сомон, похол); ширали озуқалар (силос, сенаж, полиз экинлари, туганак илдиз-мевалар); кўк озуқалар (ўтлар, поялар); қонцентрацияланган озуқалар (ҳар хил донлар, кунжара, қуруқ кунжара). Сутчилик, гўшт ва баликчилик саноати чиқиндилари: қаймоғи олинган сут, суяқ, гўшт ва бошқалар келиб чиқиши жиҳатидан ҳайвонот оламига мансуб озуқалар гурӯхини ташкил этади.

Минерал озуқалар (бур, тўз, чиганоқ ва бошқалар), синтетик озуқалар (карбамид, аммиак суви); микроэлементли (таркибида мис, кобальт, темир ва бошқалар бўлган) озуқалар, витаминли озуқалар ва антибиотиклар чорвачиликнинг қўшимча озуқа базасини ташкил қиласди.

Озуқаларни тайёрлашнинг механикавий, кимёвий, биологик ва иссиқлик усуллари бор. Улардан алоҳида ёки маҳсус технологияга мувофиқ биргаликда фойдаланилади.

Озуқа тайёрлашнинг **механикавий усулига** майдалаш, оқлаш, аралаштириш, меъёрлаш ва шу каби ишлар киради.

**Кимёвий усул** баъзи турдаги озуқаларга кимёвий моддалар (хлорид кислота, оҳак суви, ишқорлар) билан таъсир кўрсатишдан иборат. **Иссиқлик усуллари** ишлов бериладиган озуқага маҳсус ишлов технологиясига мувофиқ ҳолда иссиқлик билан таъсир кўрсатишдан иборат. **Биологик усуллар** озуқага турли микроорганизмлар ва ферментлар таъсирига асосланган.

Бу усулларнинг ҳаммаси ҳам бир мақсадга: озуқаларни тўйимли, фойдали ва мазали қилиш, шу билан нушхуртни камайтиришга қаратилган.

Майдалаш (кесиш, янчиш, тортиш ва бошқалар) технологик

жараённинг бошқа операцияларини бажариш учун, масалан: озуқани меъёrlаш ва аралаштириш учун яхши шароит туғдиради. Кунжара, чиғаноқ каби озуқаларни молларга майдалаб бериш мумкин. Майдалаш натижасида ҳосил бўлган маҳсулотнинг умумий сирти дастлабки кўринишдаги озуқанидан анча катта бўлади, бу эса унинг яхши ҳазм бўлишини таъминлайди.

Ишлов беришнинг иссиқлик усуслари озука тури ва вазифасига қараб қуруқ иссиқ ҳаво билан (сунъий қуритиш), ёки буғ билан (ивитиш) ишланади ва ҳоказо. Биологик усуслар ҳам (ўз-ўзидан қизиш, ачитиш, силослаш, тўзлаш ва бошқалар) кенг қўлланилмокда. Кимёвий усуслар эса камдан-кам қўлланилади, чунки бу усуслар актив моддалардан фойдаланишдаги қийинчиликлар билан боғланган.

### 5.2. Ферма шароитида озуқаларни тайёрлаш

Ферма шароитида озуқаларни тайёрлаш ўз ичига озука сақлагичлардан донли озуқаларни олиш, майдалашга транспортировка қилиш, майдалаш ва компаниялардан сотиб олинган озука аралашмалари билан ишлов бериш.

Бозор шароитида шароитга нисбатан агрегатлар каби оқсилли озуқалар, минераллар, актив ингредиентлар яъни, арzon тўйимли моддаларга эришиш тўғрисида сўз боради.<sup>23</sup>

Хўжалик озуқасига ишлов беришда озуқаларни майдалаш ва аралаштиришнинг қийматини ўйламасдан, кўпроқ ферма жойлашган жой билан дон маҳсулотлари етиштирилган жойни ўйлаш керак, яъни транспорт харажатлари, сотув устами қийматлари ва бошқа олишлардан қочиш учун.

Озуқаларни тайёрлаш қуруқ ва суюқ озука сифатида амалга оширилиши мумкин.

Мавзулар матнида озуқаларни қуруқ холатда тайёрлашни кўриб чиқамиз, суюқ озуқалар кўпроқ чўчқачиликда ишлатилади ва бизнинг Республикаизда чўчқачилик кам ривожланган.

#### Куруқ озуқаларни тайёрлаш. Технологик жараён

Олиб келинган донли материал конвейерли қурилма ёрдамида қабул қилиш бункерига узатилади. Донни транспортировка қилиш учун мавжуд эски транспортёрлардан ҳам фойдаланиши мумкин. Дон таркибида бегона ўтлар уруғлари, оқим оғирлигини аниқлаш учун намуна олгичлар ва оралик торозилар бўлади<sup>24</sup>.

Дон майдалаш қурилмасига ўз оғирлиги билан эркин тушиши, ёки вентилатор ёрдамида сўриб олиниши мумкин, майдалангандан сўнг аралаш-

<sup>23</sup> Landtechnik. Stuttgart. 2005.c.-10-404

<sup>24</sup> Landtechnik. Stuttgart. 2005.c.-10-404

тиргичга тушади. У ерда майдаланган дон компонентлар билан аралаштирилади. Аралаштиргични бўшатиш ва қафаслардаги уй чорва молларига кейинги транспортировка қилиш ишлари бир қурилмада бажарилиши мумкин, ёки қўшимча озуқа тарқатгич талаб этилади.

### Компонентлар ва қурилмалар

**Озуқа сақлагич.** Амалий ва иқтисодий жихатдан донли озуқаларни майдалаш ва аралашма хосил қилиб ёки фақат майдалаб озиқлантириш майдаламасдан озиқлантиришга нисбатан тўғри хисобланилади. Шундай қилиб, катта майдалагични ишга тушириш мумкин. Бункер-сақлагичлар ўзгартиргичлари агар бўш бўлса сигнал бўш автоматик равишида ишга қўшилади. Жараён шундай ростланган бўлиши керакки, аралаштиргич энг бўлмаганида омухта ем учун керакли компонентларни қабул қилишимумкин бўлиши керак.

**Шротли озуқа.** Озиқлантиришдан олдин дон шроти майдаланилади. Майдаланган уруғнинг хазм бўлиши майдаланиш даражаси катталashiши билан яхши бўлади. Майда майдаланган дон чанг ва юмолоқланиб қолиши истеъмол қилишда физиологик камчиликларга олиб келади ва шу сабабли тойчоқларни озиқлантиришга тавсия этилади, ўрта ва майда майдаланган донлар чўчқалар учун тавсия этилади. Озуқаларни майдалаш учун ҳар хил майдалаш аппаратлари тавсия этилади<sup>25</sup>:

- болғачали майдалагичлар;
- марказдан қочма майдалагичлар;
- штифтли;
- пўлат пластинали тегирмонлар;
- тошли майдалагичлар ва тегирмонлар.

**Болғачали майдалагичлар.** Болғачали майдалагичлар донли материалларни зарба билан уриб майдалашга асосланган. Улар асосон оқимда келаётган материални зарба билан уриш ва майдаланган маҳсулотни узоқроқ улоқтиришга асосланган. Ушбу тавсифи майдалагич ва аралаштиргичларни бир-биридан узоқроқ ёки аралаштиргич бошқа бинода хам жойлашиши мумкин. Болғачали майдалагичлар майдаланган маҳсулотни вентилятор ёрдамида 30 м дан сўриб олиш ва сменали ғалвирлари ҳар хил катталикда майдаланган материал олиши мумкин.


**Марказдан қочма майдалагичлар.** Марказдан қочма майдалагичлар ўз ишчи органлари билан дон материалларига эзib таъсир этади. Ишчи органлари горизонтал жойлашган. Дон марказга йигилади ва ён томондан марказга ўрнатилган вентилятор майдаланган маҳсулотни сўриб олади ва

<sup>25</sup> Landtechnik. Stuttgart. 2005.c.-10-404


кейинги ишлов беришларга узатади.

**Штифтли майдалагичлар.** Майдалагич ишчи камерасида горизонтал холатда ўрнатилган диск ўзига маҳкамланган муштумчалар орқали айланма харакат қиласиди. Дон муштумчалар тепа томонидан ўрнатилган штифт оралигига тушади ва муштумчалар ва қайтариш плитаси ўртасида майдаланилади. Сўнг аралаштиргичга узатилади.

**Пўлат пластинали тегирмонлар.** Пўлат пластинали тегирмонлар ўткир қирралари ва тишлари билан донни майдалайди. Дон ён томондан узатилади. Пўлат доиралар донни майдалашда сўришга асосланмаган ва майдаланган махсулот пастка ўтиради. Бу жараён нормал кетишини таъминлайди. Баъзи бировлар ишчи органларни химоялаш учун магит сепараторлари ва экранлар таклиф этади. Майдалагич вентиляторсиз бўлганлиги сабабли майдалагични тўғридан-тўғри аралаштиргич устига ўрнатиш мумкин бўлади ва юклаш қурилмасига зарурат керак бўлмайди ва шундай қилиб озуқа тўри аралаштиргичга тушади.



**71-расм.** Эркин аралаштиргич  
(юклаш тепа томондан)



**72-расм.** Қориширгич (юклаш  
пастдан)

**Тошли майдалагичлар ва тегирмонлар.** Тошли майдалагичлар ва тошли тегирмонлар бугунги кунда катта ахамиятга эга эмас, чунки улар озиқ-овқатга ун олишга ва фферма учун озуқа тайёрлашда замонавий меҳнат талабларига жавоб бермайди. Нисбий энергия сарфи юқори ва майдаланган мазсулотни аралаштиргичга улоқтириб бераолмайди.

**Озуқа аралаштиргич.** Майдаланган дон материаллари ҳар хил турдаги чорва молларига мос холда озуқалар тўлиқ йигиндиси аралашмаси

сифатида агрегатларда таъминланилади. Биз ўз услубимизни қўлладик. Фермада озуқаларни қайта ишлаш учун бино ён томонига маҳсус сифимлар ўрнатилган. Ушбу контейнерлардан макка уни аралаштиргичга хаво ёрдамида хайдалиши ёки тепа томонидан узатилади. Бошқа материаллар аралаштиргич конструкциясига нисбатан тепа томондан (71-расм), ён томондан ёки пастдан (72-расм) бўлиши мумкин. Шундай пайтларда савол туғилади, агар озуқа қўшимчаси қатламли ёйилмаси оғир бўлса нима бўлади. Ён томондан узатиш фақат иккинчили даражали бўлиб қолади. Қўшимча озуқани пастдан узатиш кенг қўлланилади. Ушбу қабул қилиш воронкаси ер билан тенг ўрнатилган бўлади ва шу сабабли аралаштириш осон, лекин озуқа аралаштиргич қурилмаси биринчи қаватда қурилган бўлади. Унда аралаштиргич винтини пастгача узайтириш мумкин бўлади ва ер сатхидаги қабул қилгич жойлаштирилади. Натижада аралаштиргич озуқа қолдиқларидан яхши тозаланилади. Аралаштиргичлар икки тип билан фарқланилади:

- а) мажбурий аралаштиргич;
- б) эркин аралаштиргич.


Мажбурий аралаштиргич сифим ичи марказида винт кўйнак ичига жойлашган (72-расм). Арапашма озуқа аралаштиргич паст томонидан қабул қилинади. Очик аралаштиргичда арапашибаш винт жойлашган қоплама ичидаги бажарилади. Озуқа аралашмасини мажбурий аралаштириш эркин аралаштириш тизимида нисбатан вақтни қисқартириш имконини беради. Тадқиқотлардан арапаштириш аниқлиги очик аралаштиришга нисбатан мажбурий аралаштиргичда 1:100 000 . Шу сабабли озуқа ишлаб чиқариш учун етарлидир. Донлар сонини аниқлаш қурилмаси. Асосан кўп қаватли сақлагичларда озуқаларни ясси сақлашда роликли пичоқлар озуқаларни транспортировка қилишда ишлатилади. Улар шу билан бирга донлар сонини аниқлашда қўлланилади. Унинг аниқлиги етарли хисобланнилайди. Кўп миқдорда озуқаишлаб чиқаришда харакатли торозилар ўрнатилади, шу билан макка донлари хам назорат қилиш қурилмасига эга. Бу мунштуклийи чекалак бўлиб, 2 томони навбат ва навбат билан тўлдирилади. Қатор аниқлагичлар орқали аниқлангандан сўнг ва автоматик ўчириш мумкин. Дон сонини аниқлаш дон сақлагич ўзида хам аниқланиши мумкин. Лекин бу услуга аниқлиги паст. Бункер аниқлагич каби ростланган бўлса оғирликни тўғри аниқлашга эришилайди.

**Керакли қурилмалар<sup>26</sup>.** Озуқаларни узлуксиз ишлов беришда баъзи

<sup>26</sup> Landtechnik. Stuttgart. 2005.c.-10-404

бир корхоналар күп қурилмаларни қўллашни хуш қўрмайди, яъни иқтисод қилади.

Дон бункери, озуқа майдалагич, аралашган тайёр озуқа бункерларини резинали қувурлар ёрдамида уланса ва факат озуқа аралаштиргич керак бўлади. Уларни ер устида бир-бири ёнига жойлаштириш керак бўлади, қўшимча компонентлар керакли вақтда қўшилади. Аралаштиргични бўшатиш, дон майдалагич ва тайёр ва аралашган маҳсулотни сақлаш контейнерлари ер сатҳида жойлаштирилади. Аралаштиргич ва қўшимча компонентларни узатиш қурилмалари катта оғир қурилмалар остида жойлаштирилади.



**73-расм.** Қурилмалар жойлашиш схемаси.

Озуқа аралаштиргич А интерпозициясида ер сатҳи билан тенг жоцлашган, лекин сув оқимларига нисбатан камида  $60^{\circ}$  қияликга эга бўлиши керак.

**Меъёрлагичлар.** Озуқа меъёрлагичлар кирувчи материаллар оқим кучини белгилаб беради ва шундай қилиб ҳар бир компонентнинг микдори чиқаётган тайёр озуқада бўлиши керак ва унинг микдари вақти-вақти билан текшириб турилади.

Юкланаётган озуқа микдори назорат қилинади ва қуйидаги услублар билан: тезликни ўзгартириш йўли билан, кучланишни ўзгартириш йўли билан ёки ишлаш режимини даврийга ўтказиш йўли билан.

**Меъёрлаш.** Фермер озуқа тайёрлаш жараёни узлуксиз оқимда маълум услубни қўллайди. Дон учун қуйидаги меъёрлагич ва агрегатларни қўллайди:

- тасмали меъёрлагичлар;
- шнекли меъёрлагичлар;
- барабанли меъёрлагичлар;
- тарелкали меъёрлагичлар;
- датчикли аниқ меъёрлагичлар.

### **5.3. Маҳсулотларни майдалаш назарияси асослари**

#### **Майдалаш ишлари таснифи**

Майдалаш назарияси асосан икки масалани ойдинлаштиришга қаратилган:

1. Майдаланиш даражаси билан энергия сарфи орасидаги боғликлик қонуниятларини ўрганиш;
2. Майдаланган заррачаларнинг катталиги қонуниятларини ўрганиш, яъни бажарилган ишнинг сифатини баҳолаш мақсадида ҳосил бўлган маҳсулотнинг гранулометрик таркиби - заррачаларнинг ўлчамларини ўрганиш.

Майдаланган маҳсулотнинг майдаланиш даражаси ва гранулометрик таркибини баҳолаш. Биз юқорида майдаланишга янги юзаларнинг ҳосил бўлиши сифатида қаралиши ҳақида айтиб ўтган эдик. Юзаларнинг ҳосил бўлишини характерлаш учун келтирилган юза ( $S_{уд}$ ) тушунчаси қабул қилинган. Бу тушунча майдаланишда ҳосил бўлган юзалар йигиндисининг маҳсулот ҳажмига ёки массасига нисбатидир.

Агар маҳсулотнинг куб ҳолидаги ва қиррасининг узунлиги  $L$  бўлган бўллаги қирра узунлиги  $l$  бўлган заррачаларга ёки сферик ҳолдаги ва диаметри  $D$  бўлган бўлак диаметри  $d$  бўлган сферик зарраларгача майдаланса, куб ҳолидаги бўлак учун келтирилган юза:

$$S_{yp} = \frac{\sum S}{\sum V} = \frac{6l^2}{l^3} = 6l^{-1} \quad (5.1)$$

Сферик ҳолидаги бўлак учун келтирилган юза:

$$S_o = \frac{\sum S}{\sum V} = \frac{\pi 6d^2}{\pi d^3} = 6d^{-1} \quad (5.2)$$

бу ерда:  $18$  ва  $IV$  лар орқали заррачаларнинг умумий юза (сирт) ва йифинди ҳажми кўрсатилган.

Майдаланишни характерлаш учун майдаланиш даражаси тушунчаси киритилган. Майдаланиш даражаси деб майдаланиши керак бўлган бўлак диаметрининг майдаланган заррачалар диаметрига нисбати айтилади:

$$\lambda = D/d \quad (5.3)$$

Пояли ўсимликлар учун ушбу формула қўйидагича бўлади:

$$\lambda = L/l \quad (5.4)$$

Кейинги йилларда озуқаларни майдалашда қўлланилаётган технологияга асосланган машиналарда кўп босқичли майдалаш жараёнидан фойдаланилмоқда. Бу ҳолда энг охирги майдаланиш даражаси қўйидагича аниқланади:

$$\lambda_{oxip} = \lambda_1 \lambda_2 \dots \lambda_i$$

бунда:

$\lambda_1 \lambda_2 \dots \lambda_i$  - майдаланиш даражасининг хусусий кўрсаткичлари.

Энди майдаланган заррачаларнинг ўлчамларини баҳолашни кўриб чиқайлик.

Майдаланган маҳсулотнинг ўлчамлари уларнинг гранулометрик таркибига, яъни маълум синфларга бўлинган ўлчамларнинг кўп-озлигига қараб баҳоланади. Гранулометрик таркибини аниқлаш учун ҳар хил усуллардан фойдаланилади. Энг кўп тарқалган усуллардан бири элақдан ўтказишидир. Бу усулга кўра тажриба учун олинган материал ҳар хил ўлчамли элақдан ўтказилиб, ҳар бир элақда ушлаб қолинган заррачаларнинг массалари ( $G_i$ ) ўлчанади, сўнгра элақларда қолган массаларнинг фоиз ҳисобидаги "қолдиқ" лари аниқланади:

$$p_i = 100G_i / \sum G_i \quad (5.6)$$

бу ерда:  $\sum G_i$  - элаклардаги қолдиқлар йиғиндиси, г.

Тажриба учун олинган материалнинг массаси ГОСТ бўйича 100 г қилиб олинади. Материалнинг элақдан ўтказилгандан кейинги массаси 97 г. дан кам бўлмаслиги керак. Кам бўлса тажриба бошқатдан ўтказилади.

Заррачаларнинг ҳарактерли ўлчамлари сифатида "ўртача ўлчам" қабул қилинган, уни аниқлашда ҳар бир заррачанинг массаси ҳисобга олинади:

$$d_{yp} = (d_1 P_1 + d_2 P_2 + \dots + d_n P_n) / 100 = \sum d_i P_i / 100, \quad (5.7)$$

бунда  $d_{yp}$  - ўртача ўлчам, мм;

$d_1, d_2, \dots, d_n$  - қўшни элаклар диаметри ўртача ўлчами, мм.

Майдалаш жараёнидаги энергетик сарфларни аниқлашда иккита энергетик назария қўлланилган: сирт ва ҳажм назариялари.

**Сирт назарияси.** Бу назария немис олими Риттенгер томонидан ишлаб чиқилган. Унга қўра жисмни майдалаш учун керак бўлган иш миқдори янги ҳосил бўлган сиртнинг юзасига тўғри пропорционалдир.

Риттенгер бўйича майдаланиш жараёнига сарфланаётган тўлиқ иш

$$A_E = K_R D^2 \quad (5.8)$$

бунда  $K_R$  - пропорционаллик коэффициенти.

Майдаланиш даражасининг кенг қўламда ўзгариши ва бунда олинган материалнинг йириклиги ва хусусиятлари майдалаш усули ва майдалагичнинг конструктив хусусиятларига боғлиқлиги аниқланган.

Майдалашдаги келтирилган иш:

$$A_{R_{yd}} = K_R (\lambda - 1), \quad (5.9)$$

бу ерда  $K_R$  - доимий ўлчамли пропорционаллик коэффициенти тажриба йўли билан аниқланади ва материалнинг физик-механик хоссалари ҳамда майдалаш шароитига боғлик бўлади.

**Ҳажмий назария.** Бу назария Кирпичёв ва Кик томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унга қўра сарфланган иш миқдори  $A_k$  жисмнинг деформацияланган қисми ҳажми  $\Delta V_r$  га тўғри пропорционал, яъни

$$A_k = f(\Delta V), \quad (5.10)$$

Майдалашдаги келтирилган иш:

$$A_{k,yd} = K_k (\lg(1/d)b \lg(1/D)) \text{ ёки}$$

$$A_{k,yd} = K_k \lg \lambda^3 \quad (5.11)$$

Тажрибалар күрсатадыки, агар майдаланган заррачалар йирик бўлса, келтирилган юза унчалик кўп булмайди ва ҳажм назариясига мосроқ тушади. Агар майдаланган заррачалар жуда майда бўлса, унда сирт назарияси тўғрироқ бўлади.

**Майдалашнинг умумий қонуни.** Академик Риттенгер биринчи бўлиб сирт ва ҳажмий назариялар камчиликларини эътиборга оловчи қуидаги формулани таклиф этди:

$$A = f(\Delta V) + f_1(\Delta S) \quad (5.12)$$

Бунда  $\Delta V$  - жисмнинг деформацияланган қисми ҳажми;  $\Delta S$  - материал сирти келтирилган юзасининг ўсиши.

Кенгайтирилган ҳолда бу формула

$$A = A_v + A_s = K \Delta V + \alpha \Delta S \quad (5.13)$$

кўринишда бўлади, бунда  $A_v$ -деформацияланган қисмни деформациялаш учун сарфланган иш;  $A_s$ -янги сирт ҳосил бўлишига сарфланган иш;  $K$ -пропорционаллик коэффициенти;  $\alpha$ -қаттиқ жисмнинг сирт таранглиги энергия-сини ҳисобга олиш коэффициенти.

Бу тенглама майдалашнинг асосий қонуни дейилади. Асосий қонундан шу нарса келиб чиқадики, майдалашга сарфланган тўлиқ иш майдаланаётган бўлакнинг деформацияланган қисми ҳажми ва янги сиртларнинг юзаларига тўғри пропорционалдир.

**Ишчи формулалар.** Юқорида кўриб чиқилган формулалар фақатгина майдаланиш жараёнини сифат жиҳатдан таҳлил қилиш учун яроқли ва ҳисоб-китоблар учун қўллаб бўлмайди. С. Мельников асосий қонунга таянган ҳолда қўйидаги формулани таклиф этган:

$$A_{mai} = C_{np} (C_V \lg \lambda^3 + C_S (\lambda - 1)) \quad (14)$$

бу ерда;  $C_V$  - доимий коэффициент, деформацияга сарфланган иш улушкини кўрсатади;

$C_5$ -янги сирт ҳосил қилишга кетган иш улушкини күрсатувчи коэффициент;

$C_{np}$  - күзда тутилмаган ҳар хил факторларни ҳисобга олувчи коэффициент.

Пояли озуқалар учун:

$$A = A_V + A_S = A_{kic} + A_{kip} \quad (15)$$

бу ерда:

$A_{kic}$  - қисишишга кетган иш, Дж/кг;

$A_{kip}$  - қирқишиши, Дж/кг.


#### 5.4. Қирқиши назарияси асослари

Ишчи органнинг материалга бўлган таъсирига қараб қирқиши уч усулга бўлинади: пуансонда, кескич билан, олмос билан.

**Олмос билан қирқиши.** Пичоқ ишчи қисмидаги икки қиррали бурчаги учининг материалга босими остида рўй беради. Икки қиррали бурчак уни олмос дейилади. Олмос билан материалнинг ўзаро уриниб турган узунлиги бўйлаб контактли нормал қирқувчи кучланиш ҳосил бўлади. Бу ҳолатда поянинг қирраси қирқишига айтарлик таъсир килмайди ва қирқиши жараёни олмоснинг материалга ботишилиз бажарилади.

Материални олмосда қирқиши жараёнини икки босқичга бўлиш мумкин: бошланғич зичлаштириш ва қирқиши.

Умумий ҳолда қирқиши жараёни ҳар хил кечади. Улардан уч хилини: нормал, бурчак остида, сирпаниш қирқишиларни кўриб чиқайлик (74 - расм).



**74-расм.** Нормал (а), бурчак остида (б) ва сирпаниш (в) қирқишиларда қирқилаётган материалга таъсир қиладиган кучлар схемаси.

Қирқишининг бу турлари бир-биридан сирпаниш бурчаги ( $\tau$ ) миқдори билан фарқланади.

Сирпаниш бурчаги олмоснинг қаралаётган нуқтадаги ҳаракат

йўналиши билан шу нуқтадан олмосга ўтказилган нормал орасида ҳосил бўлади.

**Нормал қирқиши.** Бу ҳолда сирпаниш бурчаги  $t = 0$  ва қирқиши  $P^*$  кучи ҳисобига рўй беради. Пичоқ ён томонга сирпанмайди, натижада ён куч ҳосил бўлмайди ва материални "чопиш" ҳодисаси рўй беради.

**Бурчак остида қирқиши.** Бу ҳолда нормал ва ён кучлар ҳосил бўлади. Қирқиши нормал куч таъсири остида рўй беради. Сирпаниш бурчагининг ишқаланиш бурчагидан кичкиналиги ( $t < \phi$ ) дан ён куч материалнинг олмос бўйлаб сирпанишига олиб келмайди. Қирқиши чархлаш бурчаги остида олиб борилади. Пичоқни бурчак остида қўйиш орқали чархлаш бурчагини камайтириш мумкин. Бу ўз навбатида келтирилган босимнинг талаб қилинган кийматининг камайишига олиб келади. Бу ҳодиса чархлаш бурчагининг кинематик трансформацияси деб аталади.

**Сирпаниш қирқиши.** Бу ҳолда  $t > \phi$ . Қирқиши нормал куч остида ва ён куч иштирокида рўй беради. Қирқиши жараёнида ён куч материални олмос бўйлаб (ёки олмосни материал бўйлаб) ҳаракат қилишга мажбур этади. Боғланиш кучлари жуда кичик бўлгани учун материал толалари пичоқнинг ён томон ҳаракатидан орқада қола бошлайди. Натижада пичоқнинг материалга нисбатан ҳаракати юзага келиб, бу нарса олмоснинг ғадир-будурлиги билан материалнинг арралаб кесилишига сабаб бўлади ва материал осон кирқилади.

Кўриб чиқилганлардан хулоса қилиш мумкинки, сомон-силос қирқиши жараёнида пичоқнинг материалга нормал кучи, пичоқнинг ён томонга сирпанувчи ҳаракати ва чархлаш бурчагининг кинематик трансформациялари муҳим аҳамият касб этади.

### Назорат саволлари:

1. Қанда озуқ тайёрлаш усулларини биласиз ва улардан қайси бири амалиётда кўпроқ қўлланилади?
2. Чорва бош сони кам бўлган фермаларда озуқаларни тайёрлашнинг қайси бирини қўллаган самаралироқ?
3. Озуқаларни майдалаш турлари?
4. Озуқаларни қирқич турлари?
5. Чорва моллари бош сони кам бўлган фермаларда озуқа цехларини қўлласа самара берадими.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. H. Eichhorn. Landtechnik. Landwirtschaftliches Lehrbuch. Stuttgart, 1985, -660 Seiten.
2. Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552.

### **6-мавзу: Чорвачилик хонаси ички технологик жихозларини жойлаштириш режаси, технологик жараёнлар ва машиналар.**

#### **Режа:**

- 6.1. Ферма, комплекс ва фермер хўжаликлари фермаларининг таснифи ва бош режада жойлашиши.
- 6.2. Бино ва қурилмалар.
- 6.3. Паррандачилик фабрикалари.

#### **6.1. Ферма, комплекс ва фермер хўжаликлари фермаларининг таснифи ва бош режада жойлашиши**

Чорвачилик фермаси - қишлоқ хўжалик молларини боқиб аҳоли учун чорва-чилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум ва бошқ.), енгил саноат учун ҳомашё (жун, тери, қоракўл ва бошқ.) етказиб берадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бир тармоғидир.

Фермалар маҳсулот етиштириш йўналиши бўйича наслчилик ва маҳсулот (товар) етиштириш турларига бўлинади. Наслчилик фермалари молларининг зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, янги-янги зотларни яратиш билан шуғулланади. Маҳсулот етиштириш фермалари ихтисослаштирилган (қорамолчиликда-сут ва гўшт тайёрлаш, чўчкачиликда-бурдоқига боқиш ва репродукциялаш, паррандачиликда-гўшт ва тухум етиштириш, кўйчиликда гўшт-жун-сут, гўшт-жун тайёрлаш ва қоракўлчилик) ва умумий йўналишларга бўлинади.

Чорвачилик комплекси - бу ишлаб чиқариш технологияси асосида ишни илмий ташкил қилиш, ҳамда комплекс механизациялаш базасида юқори даражада қонцентрациялашган ва ихтисослашган ишлаб чиқариш бўлиб, электрлаштириш, автоматлаштириш ва технологик жараёнларни узлуксиз ташкил қилиш асосида юқори сифатли чорвачилик маҳсулотларини йил давомида бир меъёрда ишлаб чиқаришга мўлжалланган қишлоқ хўжалик чорвачилиги корхонасидир. Паррандачиликда бундай комплекслар паррандачилик фабрикаси деб аталади.

Чорвачилик маҳсулотининг тури бўйича комплекслар - сут, гўшт, тухум етиштиришга; ишлаб чиқариш структураси бўйича - маҳсулотнинг бир-икки турини ишлаб чиқаришга; ишлаб чиқариш цикли тугалланган ёки маҳсулотни маълум бир босқичгacha етказувчи (репродукторлик, ёш бузоқларни ўсгириш, бўрдоқига боқиш) ва технологик жараёнларнинг маълум қисминигина бажаришга ихтисослашган бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда чиқарилган "Фермер хўжалиги тўғрисидаги" қонуни, янги фермер хўжаликларини ташкил этиш,


уларнинг фаолиятини қайта ташкил этиш ва тутатишнинг хуқукий асосларини, жумладан хуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларини тар-тибга солади.

Фермер хўжаликлари узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган ва юридик шахс хуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектлардир. Уларни ташкил қилиш учун 30 бош шартли моли бўлиши керак ва шунга мос равишда сугориладиган ерлардан 0,3-0,45 га, лалмикор ерлардан 2 га гача ер ажратилади.

Фермалар, комплекслар ва фермер хўжаликлардаги фермаларнинг ўлчам-лари пода бош сони ва таркиби билан белгиланади.

Ферма, комплекс ва фермер хўжаликларининг қуришда намунавий лойиҳалар бўйича табиат-иклим, геологик ва типография шароитлари хисобга олинади.

75-расмда 400 бош соғин сигирга мўлжалланган қорамолчилик фермаси-нинг бош режаси кўрсатилган<sup>27</sup>.



**75-расм.** 400 бош соғин сигирга мўлжалланган сут-товар фермаси бош режаси: 1-бир ёшдан катта бузоқлар учун хона; 2-200 бошга мўлжалланган сигирхона; 3-бузоқхона, туғруқ бўлими билан; 4-автотарози; 5-озуқа цехи; 6-озуқа омборлари; 7-ветпункт; 8-сутхона; 9-суюқлик йифгич; 10-гўнг сақлагич; 11-босимли сув минораси.

Қурилиш учун ёмғир ва сувларнинг оқиши таъминланган, текис ёки жануб томонга қия ( $10^{\circ}$  гача) бўлган ер майдонлари танланади. Ферма ва комплекслар шамолнинг йўналиши аҳоли яшаш уйлари томонидан бўлган ва бу уйлардан узоқлиги 200 м дан кам бўлмаган масофадаги майдонларда жойлаштирилади. Ер рельефига қўра ферма аҳоли яшаш секторидан

<sup>27</sup> Landtechnik. Stuttgart. 2005.c.-10-404

пастроқда, ферма территориясининг ўзидаги асосий хоналар эса (гүнг сақлагичлардан ташқари) ёрдамчи хоналардан пастроқда жойлаштирилади. Молларни яратиш майдончалари ферманинг жануб томонига жойлаштирилади.

Ферма ва комплекслардаги иморатлар асосий (сигирхона, бузоқхона, чўчқахона, қўйхона, паррандахона ва бошқ.) ва ёрдамчи (озука цехи, гүнг сақлагич ва бошқ.) биноларга бўлинади.


Хоналарнинг оралиқ масофалари қурилиш меъёрлари ва қоидалари (СНИП-строительные нормы и правила) ҳамда санитария меъёрлари кўрсаткичларига мос ҳолда қабул қилинади. Ер майдонининг меъёри сифими бош сигир учун - 200 м<sup>2</sup>, она чўчқа учун - 280 м<sup>2</sup>, бўрдоқи чўчқа учун -30 м<sup>2</sup>, қўй учун - 20 м<sup>2</sup> гача белгиланган.

Ишлаб чиқариш бинолари, яшаш уйлари ва комплекслар оралиғида санитария-химоя зонаси кўзда тутилади. Унинг кенглиги молларнинг бош сонига қараб қорамолчилик фермаларида 100, 150 ва 200 м. ни, чўчқачилик фермаларида - 200, 250 ва 500 м. ни ташкил қиласди. Санитария-химоя зонаси ободонлаштирилган ва кўкаламзорлаштирилган бўлиши керак.

## **2. Бино ва қурилмалар**

Қишлоқ хўжалик молларини боқиши учун сигирхоналар, бузоқхоналар, чўчқахоналар, қўйхоналар ва бошқалар қурилади.

Сигирхоналар 100, 200 (76 - расм) ва 400 бошга мўлжалланиб, молларни боғлаб ва боғламасдан боқиши учун қурилади.



**76-расм.** 200 бош сигирни боғлаб боқиши усулига мўлжалланган сигирхона режаси:

1-боқиши хонаси; 2-озука қабул қилиш ва юклаш жойи; 3-гўнгни ташқарига чиқариш танбури; 5-ювиш жойи; 6-сутхона; 7-лаборатория; 8-вакуум-насос хонаси; 9-совуқлик тайёрлаш қурилмасининг хонаси; 10-ишчилар учун

хона; 11-гардероб; 12-санитария хонаси; 13-душ хонаси; 14-манеж; 15-манежнинг ювиш хонаси; 16-сунъий қочириш лабораторияси; 17-шамоллатгич камераси; 18-ювиш жиҳозлари хонаси; 19-дахлиз; 20-кириш.


Боғлаб боқиши усулида ҳар бир мол алоҳида боқиши жойида боқилади. Боқиши жойи боғлаш қурилмаси, охур, автосуғоргич, озукаларни тарқатиш, гўнгларни йиғишириш ва сигирларни соғиши механизациялаш система-лари билан жиҳозланилади: бир бош сигир учун зарур майдон меъёри -  $8\ldots10\text{ m}^2$ .

Молларни боғламасдан боқиши усулида хоналар ичига моллар дам оладиган жойлар қурилади. Дам олиши жойидан ташқарида умумий автосуғоргич қўйилади; унинг бир сигир учун пол сатхининг майдони  $3\ldots6\text{ m}^2$ . Моллар хонадан ташқарида озуқа майдончасида ёки яйратиш майдон-часида озиқлантирилади ва сут соғиши блокида соғилади.

Катта сигирхоналарнинг ўлчамлари  $72\times12\text{ m}$  дан  $114\times27\text{ m}$  гача бўлиши мумкин, уларда кўчиб юрувчи озуқа тарқатгичлар учун кенг йўлаклар кўзда тутилади.

Бузоқхоналар одатда 200 бошга мўлжалланиб туғруқ бўлими билан биргаликда қурилади. Бузоқлар  $10\ldots14$  кунгача шахсий катакларда, сўнг гурухларга мўлжалланган жойларда (станокларда)  $10\ldots15$  бошдан гурухлаб боқилади. Бурдоқилар хўжаликларда  $50\ldots60$  молга (бир ёшдаги) мўлжалланган секцияларда боғламасдан боқилади (бир бош учун пол сатхининг меъёри  $35\ldots40\text{ m}^2$ ).

Кўйхоналар жанубий зоналарда [3] ёз ойларида яйловда, қиши ойларида эса қўйхоналарда (77-расм) боқишига мўлжаллаб қурилади. Кўйхоналарнинг ичкариси кўйларнинг ҳар хил гурухлари ва категория-ларига қараб секцияларга бўлинади. Бир бош учун майдон меъёри- $\text{m}^2$  да: она кўй учун- $1,1\ldots2$ , қўчкор учун- $1,8\ldots2,5$ , совлик учун- $0,7\ldots0,9$  ва қўзи учун- $0,6\ldots0,8$ .



**77-расм.** 300 бош она кўй (умумий боши 900 кўй) га мўлжалланган (а) чердаксиз ва (б) чердакли ёпилган кўйхона режаси:  
1-иссиқхона; 2-кўйхона; 3-кўзилар учун хона; 4-танбур.

Озуқалар кўчиб юрувчи тарқатгичлар ёрдамида (ёки стационар) тарқатилиди. Гўнг сомон тўшамалари билан йилига бир-икки марта бульдозер қирғичлари ёрдамида йигиштирилади. Қишлоқ хўжалик фермалари қурилишларида хоналар молларни ушлаш технологияси талабларига жавоб бериши; қурилишдаги келишилган бир модул системасига ва асосий ўлчамлари унификацияланган, техник-иқтисодий кўрсаткичлари асосланган бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалик фермаларининг қурилишларида кўп тарқалган конструктив схема: тўлиқ умумий девор ёки тўликсиз устун-тўсинли система-ғиштли девор. Германия давлатида хам хоналарни қуришда маҳаллий қурилиш материалларидан кенг фойдаланилади (78-расм)<sup>28</sup>.

<sup>28</sup> Landtechnik. Stuttgart. 2005.c.-10-404




**78-расм.** Хонанинг ички кўриниши.

### **Паррандачилик фабрикалари**

Паррандачилик фабрикалари тугалланган ишлаб чиқариш технологик циклига эга бўлган, технологик жараёнлари, механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган, ишни ташкил қилиш маданияти юқори даражада қўйилган йирик ихтисослашган саноат типидаги паррандачилик корхонасидир.

Улар қўйидагача таснифланади: йўналиши бўйича-товар йўналишли ва наслчилик; парранда турлари бўйича товуқчилик, ўрдакчилик, куркачилик, боқиш тури бўйича полда ва катакларда ва маҳсулот тури бўйича тухум ва гўшт.



**78-расм.** 20 минг бройлерга мүлжалланган паррандахона учун ЦБК-20 комплект жиҳози:

1-бункерли озиқлантиргач; 2-брудер; 3-озуқа тарқатгичнинг қабул қилиш бункери; 4-юклаш шнеки; 5-автосуғоргич; 6-бункер сақлагич БСК-10; 7-занжирли-шайбали озуқа тарқатгич.


Паррандачиликда паррандалар полда ва катакларда парвариш қилинади. Полда она товуклар, хўроллар, ёш жўжалар (60 кундан 141 кунгача) ва бройлерлар (1 кундан 70 кунгача) боқилади.

Комплекс механизациялашган паррандахоналарда ҳамма технологик жараёнлар ва операциялар: озуқаларни қабул қилиш, тайёрлаш тарқатиш; тухумларни йиғиш ва тозалаш, навлаш, тамғалаш, меъёrlаш, омборхонага сақлашга қўйиш; гўнгларни йиғишириш, чиқариб ташлаш, зарарсизлантириш, микроиқлим ҳосил қилиш ва бошқалар механизациялашган бўлиши керак.

Паррандаларни полда боқишида комплект жиҳозлардан фойдаланилади (79-расм).

Катакларда боқишида пол сатхига паррандаларни жойлаштириш меъёри кўпаяди, натижада капитал ҳаражатлар, мухандислик коммуникациялари камаяди.


Катакларда боқишида катаклар ёки катакли батареялар қўлланилади. Катакли батареялар схемаси 80-расмда кўрсатилган.



**80 - расм.** Катакли батареялар схемаси:

- а) вертикал бир қаторли турт ярусли;
- б) вертикал икки қаторли түрт ярусли;
- в) поғонали уч ярусли;
- г) поғонали турт ярусли;
- д) горизонтал түрт қаторли.

Ҳозирги кунда хориж давлатларида фермерлар учун фермаларнинг лойиҳалари<sup>29</sup> ишлаб чиқарилмоқда. 7-расмда 200 бошли соғин сигирга мўлжалланган фермада хоналарни блокли жойлаштириш лойихаси келтирилган.



**81-расм.** Ферма бош режаси.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. H. Eichhorn. Landtechnik. Landwirtschaftliches Lehrbuch. Stuttgart, 2005, -660 Seiten.
2. Коба В.Г., Брагинец Н.В., Мурусидзе Д.Н, Некрашевич В.Ф. “Механизация и технология производства продукции животноводства” - М.: Колос, 1999. – 528 с.
3. Кирсанов В.В., Мурусидзе Д.Н, Некрашевич В.Ф. Шевцов В.В., “Механизация и технология животноводства”: Учебник - М.: ИНФРА-М, 2013. – 585 с.

<sup>29</sup> Landtechnik. Stuttgart. 2005.c.-10-404

**7-мавзу: Сут соғиши технологияси, қўлланиладиган агрегат ва аппаратлар**

**Режа:**

- 7.1. Машинада сут соғиши технологияси.
- 7.2. Соғиши аппаратлари.
- 7.3. Соғиши қурилмалари.

**7.1. Машинада сут соғиши технологияси**

Сигирларни соғишнинг 3 та усули мавжуд: табиий-бузоқнинг елинни сўриши; қўлда-соғувчининг кўли билан елиндан сутни сиқиб чиқариши; машинада-соғиши аппаратида сутни сўриш ва сиқиб чиқариш. Машинада соғиши оператор меҳнатини енгиллаштиради ва иш унумини бир неча марта кўтараради; тоза, сифатли ва таннархи паст сут олишни таъминлайди.

Машинада сут соғищда иккита иш бажарилади:

1. Сигирни сут беришга тайёрлаш.
2. Сутни соғиб олиш.

Кўриниб турибдикি, биринчи иш зоотехник масала бўлса, иккинчиси мухандислик масаласи ҳисобланади.

Машинада сут соғиши жараёни қўйидаги ишларни ўз ичига олади:

1. Тайёрлаш (елинни илиқ сув билан ювиш - аппаратни ишга тушириш - соғиши стаканларини елинга тақиб қўйиш). Бу ишлар ўзоги билан 60 с ичida бажарилиши лозим.

2. Асосий (машинада соғиши), машинада иккиламчи соғишини ҳисобга олган ҳолда бу иш 4...6 мин давомида тугалланиши керак.


3. Тугаллаш (аппаратни ўчириш -> соғиши стаканларини елиндан олиш).

Соғиши стаканлари (82-расм) соғиши аппаратининг ишчи органи ҳисобланади ва у бир ёки икки камерали бўлиши мумкин. Хозирда икки камерали соғиши стаканлари ишлатилади. Соғиши стаканининг физиологик жихатдан бир хил кўринишдаги таъсири вақти тект, ҳар хил кўринишда таъсир этилган тактлар мажмуасининг вақти эса цикл ёки пульс дейилади. Икки камерали соғиши стакани иккита цилиндрдан ташкил топган: ташкил металл гильза ва ички резина қувурчаси, яъни-сўриш резинаси. Ушбу икки цилиндр иккита камерани ташкил қиласди: деворлараро ва пастки сўриш камералари<sup>30</sup>. Агар иккала камерада ҳам вакуум мавжуд бўлса, сўриш резинаси хеч кандай деформацияга учрамайди, яъни тўғри туради. Елиндаги

<sup>30</sup> Landtechnik. Stuttgart. 2005.c.-10-404

босим катта, пастки сўриш камерасида эса вакуум бўлганда сут елиндан отилиб чиқади ва сўриш такти юз беради. Маълум бир вақтдан кейин деворлараро камерада босим кўтарила бошлайди ва атмосфера босимигача етади. Деворлараро ва пастки сўриш камераларида босимлар фарқи юзага келади. Натижада сўриш резинаси сиқилиб эмизакни ҳам қисади, сфинктер ёпилади. Сутнинг оқиб чиқиши тўхтайди ва қисиш такти рўй беради. Бироздан сўнг деворлараро камерада атмосфера босими яна камая бошлайди ва сўриш резинаси тўғриланиб цикл қайтарилади. Бу кўринишдаги соғиши аппаратлари икки тактли деб аталади.

Уч тактли соғиши аппаратларида сиқиши тақтидан кейин пастки сўриш камерасига ҳаво юборилади ва дам олиш такти рўй беради.



**83-расм.** Икки тактли (а) ва уч тактли (б) соғиши аппаратлари икки камерали стаканларининг ишлаш схемаси: 1-резинали манжет; 2-стакан; 3-сўриш резинаси; 4-улаш халқаси; 5-кузатиш конуси; 6-патрубка; 7-маҳкамлаш халқаси

Машинада соғиши технологиясига қўйидаги зоотехник талаблар қўйилади.

1. Сигирлар сут беришга тайёр бўлмасдан соғиши стаканларини елинга тақиши маън этилади.
2. Тайёрлаш ишлари 60 с мобайнида бажарилиши шарт.
3. Махсулдорлиги юқори бўлган сигирлар 4...6 мин ичида 30...35 г/с (2 л/мин) тезликда соғиб олиниши керак.
4. Сут энг кўп соғилаётган пайтда пастки сўриш камерасидан сутни пешма-пеш олиб кетилишини таъминланиши зарур.
5. Қўлда қайта соғилмасдан ҳамма сут машинада соғиб олинишига эришиш зарур.

6. Соғиши тугагандан кейин соғиши стаканларини елинда қолдириш маън этилади, чунки сигирлар мастит билан касалланиши мумкин. Уч тактли соғиши аппаратлари қўлланилганда бу талаб зарур эмас ва соғувчи кўпроқ сигирга хизмат қилиши мумкин.

### 7.2. Соғиши аппаратлари

Соғиши аппаратлари соғиши қурилмаларининг асосини ташкил этади ва қўйидагилардан ташкил топган: соғиши челяги, пульсатор, коллектор, соғиши стаканлари, вакуум ва сут шлангалари. Сутни қувурларга соғишида соғиши челягага ҳожат қолмайди.

Соғиши аппаратлари қўйидагиларга қўра тавсифланади:


1. Сигирларнинг елинидан сутни соғиби олаётган кучнинг турига қараб; сиқувчи, сўрувчи.

2. Таъсир қилиш принципига қараб; уч тактли, икки тактли ва доимий сўрувчи. Улар жуфтлаб соғувчи ёки бир вақтда таъсир қилувчи бўлиши мумкин.

Сутни йиғиши усулига қўра аппаратлар сутни қўтариб юриладиган ёки осиб қўйиладиган челакка соғишига, кўчма сиғимга йиғишига, сув қувурига йиғишига ва елиннинг ҳар бир чораги сутини алоҳида йиғишига (чоракталаб соғиши усули) мўлжалланган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, соғиши пайтида мастигини даволовчи соғиши аппаратлари ҳам яратилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда тухтовсиз сўришга асосланган соғиши аппаратлари ишлаб чиқарилмайди ва қўлланилмайди.

Сигирларни соғишида “Де Лавал” фермаси соғиши агрегати (83-расм), уч тактли "Волга" (84-расм) ва уларни алмаштириш мақсадида яратилган АДУ-1 соғиши аппаратларидан фойдаланилмоқда. АДУ-1 соғиши аппарати ҳам икки тактли, ҳам уч тактли бўлиб, у унификация қилинган.



**84-расм – “Де Лавал” фермаси соғиши агрегати**

Соғиши аппаратларининг, умуман қурилмаларининг асосий ишчи органи соғиши стакани ҳисобланади. Машинада сут соғишида соғиши аппаратининг пульсатор ва коллекторлари ҳам мухим аҳамиятга эга [1].


Пульсаторнинг вазифаси қувур орқали вакуум насосдан келаётган доимий вакуумни ўзгартиришдан, яъни пульслар ҳосил қилишдан иборат. Соғиши стаканларида гоҳ вакуум, гоҳ ҳаво ҳосил қилинади, натижада ҳар хил кўринишдаги тактлар юз беради. Пульсаторнинг тўртта камераси бўлиб, биринчи камера I п деб белгиланади ва доимий вакуум камераси дейилади. Иккинчи камера II п - ўзгарувчан вакуумли камера, учинчи камера III п - доимий атмосфера босимли камера, туртинчи камера IVп - ўзгарувчан вакуумли камера дейилади. II п ва IV п камералардаги вакуумнинг ўзгариб туриши натижасида соғиши стаканларида тактлар алмашинади.

Коллекторлар асосан соғилган сутни йиғишига мўлжалланган. Уч тактли соғиши аппаратларининг коллектори сут йиғишидан ташқари пульсатордан келаётган пульсларни соғиши стаканларига тақсимлаш учун ҳам хизмат қиласи. Улар икки, уч, турт камерали бўлишлари мумкин. Коллектор камералари ҳам қўйидагича белгиланди: I к - коллекторнинг доимий вакуумли камераси; II к - коллекторнинг ўзгарувчан вакуумли камераси; III к - коллекторнинг доимий атмосфера босимли камераси; IV к коллекторнинг ўзгарувчан вакуумли камераси.

Икки тактли соғиши аппарати коллекторининг камералари иккита, уч

тактли соғиши аппарати коллекторининг камералари сони тўртта бўлиб, уч тактли соғиши аппарати коллекторларининг ишлаши икки тактлиниги нисбатан бироз мураккаброқ ҳисобланади.

АДУ-1 соғиши аппарати алмаштирилиб қўйиладиган коллекторли соғиши стаканлари, сут ва вакуум шланглари ҳамда пульсатордан иборат. Икки тактли коллектор Да-2М "Майга" соғиши аппарати коллекторининг модификацияси ҳисобланади.



**85-расм. Уч тактли "Волга" сут соғиши аппарати**

### **3. Соғиши қурилмалари**

Соғиши қурилмаларининг ҳар хил варианatlари, қўринишлари, турлари ишлаб чиқарилади ва қўлланилади (86-расм). Қишиш ва ёз фаслларида қўлланила-диган соғиши қурилмасининг тури сақлаш усули машинада соғишини ташкил этишининг қабул қилинган системасига боғлиқ белгиланади.

Машинада соғиши жараёнини қўйидаги тўртта усулда ташкил этиши самарали ҳисобланади:

1. Йил бўйи фермадаги молхонада соғиши. Сигирлар боғлаб сақланади. АД-100А ёки Да-2Б кўчма аппаратли ва чеклакка сут йиғишига мослашган соғиши қурилмалари; сут қувури орқали умумий сифимга йиғишига мўлжалланган АДМ-8 русумли соғиши қурилмаси; конвейер типидаги махсус соғиши қурилмалари қўлланилади.

2. Йил давомида комплексдаги, ферма соғиши майдончасидаги ёки соғиши залларидаги махсус дастгохларда соғиши. Сигирлар боғланмасдан


сақланади. "Тандем", "Арча" ёки "Карусель" типидаги конвейер қурилмалари қўлланилади.

3. Қиш фаслида фермада, ёзда кўчмас лагерда соғиши. Сигирларни сақлаш системаси: молхона дала. Қўлланиладиган соғиши қурилмалари: фермада АД-100А, ДАС-2Б, АДМ-8; далада- УДС-ЗА.

4. Қиш фаслида фермада, ёзда яйловда соғиши. Сақлаш системаси: молхона-дала. Соғиши қурилмалари: яйловда-УДС-ЗА, фермада АД-100А, ДАС-2Б, АДМ-8.

Сигирларни молхоналарда соғиши учун АД-100А, ДАС-2Б, АДМ-8 қурилмалари ишлатилади.

Вакуум қурилмалар вакуумли системада ҳавонинг сийракланишини ҳосил этишга хизмат қиласди. Ҳозирги вақтда асосан УВУ-60/45 русумдаги вакуум насоси қўлланилади.



**86-расм.** Соғиши қурилмаларининг схемалари:

а)челакка сут йиғишга мослашган ва күчма аппаратли қурилмада сигирларни жойларда соғиши; б)шу сут қувурига; в)"Тандем" сигирлар ён томонидан киради; г)гурухли "Тандем"; д)гурухли "Арча"; е)конвейерли-халқасимон "Тандем"; ж)конвейерли "Арча"; з)"Рото-радиал"; и)-"Полигон"; к)"Трайгон"; 1вакуум-насос; 2сут насоси билан сут йиғич.

Вакуум баллон вакуум тебранишларини пасайтириш учун хизмат қилиб, соғиша ҳосил бўладиган конденсатни йиғади ва унинг вакуум насосга ўтишига йўл қўймайди. Бундан ташқари, вакуум қувурларни ювишда тўкиш сифими сифатида фойдаланилади.

Вакуум ростлагичлар соғиши қурилмаларининг технологик тизимида номинал вакуум режимини бир меъёрда ушлаб туришга хизмат қиласди. Уларда ҳавони ўтказиш кобилияти  $60\text{ m}^3/\text{соат}$ , вакуумни ростлаш оралиғи эса 43-59 кПа бўлади.

Вакуум қувур вакуумлаштирилган ҳавони соғиши аппаратлари ва қўшимча ускуналар (ювиш системаси, меъёrlагич ва х.к) га узатиш учун хизмат қиласди. Вакуумметр ҳавонинг сийраклашиш миқдорини ўлчашга хизмат қиласди.

Ювиш қурилмаси соғиши аппаратини соғиши олдидан ва соғиши тугагандан кейин ювиш ҳамда дезинфекциялаш учун хизмат қиласди.

ADM-8 соғиши қурилмаси икки вариантда ишлаб чиқарилади: ADM-8 ва ADM-8-04 мос ҳолда 100 ва 200 сигирга мўлжалланган. Курилма молхонада сутни соғиб, сут блокига сут қувури орқали узатади, соғилган гурухни ҳисобга олиб туради (50 сигирдан), сутни фильтрлайди, совитади ва сақлайди.

ADM-8-04 соғиши қурилмаси 12 та ADU-1, вакуум қувур, сут қувури, 2 та асосий вакуум ростлагич, ўн иккита сут қувурини кўтариш қурилмаси, ювиш қурилмасидан иборат бўлган автомат ювгич ва иккита UVU-60/45 вакуум-насосларидан ташкил топган.

Курилманинг сут йўналиши таркибига тўртта гурухли соғилган сутни меъёrlагич СМГ-1, олтига сутни зоотехник ҳисобга олиш қурилмаси ЎЗМ-1, сут насоси, фильтр ва пластинкали сут совитгичлари киради. Сутга дастлабки ишлов бериш учун қурилма қўшимча TO-2 танк-совутгичи, совутиш қурилмаси, УАП-400 сув қизитгич билан жиҳозланади.

Боғланмасдан ёки боксларда сақланган сигирларни соғиши залларида соғища "Тандем" русумидаги УДТ-8, УДА-8, "Арча." русумидаги УДЕ-8А, УДА-16, "Карусель" русумидаги УДА-100, М-691-40 соғиши қурилмалари кўлланилади. Қорамоллар боғлаб сақланганда бундай соғиши

курилмаларидан фойдаланиш самарадорлиги гурухлаб боғлаш жиҳозлари, масалан, ОСК-25 қўлланилганда ошади. Бу жиҳозлар молхоналарга тиркалган маҳсус биноларда қўлланилади.

“Тандем” русумидаги УДТ-8 соғиш қурилмаси соғиш залларидаги алоҳида дастгохларда, маҳсулдорлиги ва сут бериш интенсивлиги ҳар хил бўлган сигирларни соғишга мўлжалланган. Қурилма сут қувури, ювиш системаси, ҳисобга олиш ва дастлабки ишлов бериш системасидан ташкил топган. Сигирларни соғиш пайтида уларнинг маҳсулдорлигини ҳисобга олган ҳолда меъёrlагич билан жиҳозланган озуқа тарқатгич ёрдамида охурга омухта ем берилади.

УДА-8 соғиш қурилмаси УДТ-8 дан фарқли улароқ пневматик манипуляторли ёки электронли бошқариш системали соғиш автоматлари билан жиҳозланган. У ишчи ўранинг ҳар бир томонига турттадан жойлашган икки секцияли алоҳида дастгохлардан тузилган. Ҳар бир дастгох алоҳида кириш ва чиқиши ҳамда меъёrlагичи бўлган охурга эга. Ўранинг узунлиги бўйлаб сут қувури, елинга санитар ишлов бериш тизими ва соғиш автоматлари бўлган технологик йўналиш жойлашган.

“Арча” русумидаги УДЕ-8А, УДА-16 соғиш қурилмалари маҳсулдорлиги ва сут бериш интенсивлиги бўйича гурухланган, ҳамда боғлаб ёки боғламасдан сақланган сигирларни маҳсус залларда соғишга хизмат қиласди.

Бу қурилмалардан фойдаланилганда соғин сигирлар қурилманинг буйлама ўқга  $30-35^{\circ}$  бурчак остида ўрнатилган икки гурух дастгохларда саккизтадан жойлашади. Улар озуқа тарқатиш тизими, иккита вакуум қурилмаси, технологик йўналиш технологик ускуналарини ювиш тизими ва эшикларнинг пневмоузатмасидан иборат. Уларда УДЕ-8А ва ДА-2М "Майга" ёки АДУ-1 соғиш аппаратлари қўлланилади ва икки соғувчи-оператор ишлайди. УДА-16 соғиш қурилмаси ҳам УДА-8 "Тандем" қурилмасидек соғиш автоматлари билан жиҳозланган бўлиб, ундаги соғиш блоки соғиш ва соғиш аппаратларини елиндан олиш жараёнларини автоматик бошқаришни амалга оширади. Соғувчи-оператор тайёргарлик жараёнларини бажаради: елинни ювади, кўрсаткичли косага сутни соғиб қўради ва машинада соғишни ишга туширади.

УДА-100 "Карусель" русумидаги автоматлаштирилган соғиш қурилмаси йирик сутчилик комплексларида маҳсулдорлиги ва сут бериш интенсивлиги бўйича танланган сигирларни соғишда ишлатилади. Қурилма соғин сигирлар боғланмасдан сақланиб операторлар меҳнати тўғри ташкил этилганда ва тақсимланганда яхши самара беради. Ҳар бир оператор факат битта жараённи бажаради, масалан, елинни ювиш, соғиш стаканларини

тақиши, машинада соғиши ва х.,к. Сигир оператор томонидан соғиши дастгоҳига киритилади ва маълум муддатдан кейин чиқарилади. Соғиши вақти платформанинг айланиш тезлигига боғлик бўлганлигидан жараёнлар аниқ ритмда бажарилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Соғиши аппаратларида кандай тактлар мавжуд?
2. Соғиши аппаратининг синфланиш аломатлари?
3. Сут соғиши курилмаларининг турлари?
4. Пулсатор кандай вазифани бажаради?
5. Коллектор кандай вазифани бажаради?
6. Машинада сут соғиши вакти ва унинг таркибий кисмлари

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. H. Eichhorn. Landtechnik. Landwirtschaftliches Lehrbuch. Stuttgart, 1985, -660 Seiten.


## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-амалий машғулот:** Лемкен фирмасининг плугларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш.

**Ишдан мақсад:** Лемкен фирмасининг плугининг тузилиши, ишчи қисмларини созлаш, плугни тракторга тұғри агрегатлаш, ишлатишга тайёрлаш ва ишлатиш технологияси бўйич билим бериш ва кўникма ҳосил қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Лемкен фирмасининг плугининг тузилиши, ишчи қисмларини созлаш, плугни тракторга тұғри агрегатлаш, ишлатишга тайёрлаш ва ишлатиш технологиясини ўргатиш ва фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Тупроқ палахсасин корпус ёрдамида ағдариш жараёни қуидаги классик схема ёрдамида изоҳланади.




**87 - расм.** Тупроқ палахсасини корпус таъсирида ағдариш схемаси.

Ағдариш жараёнини изоҳлаш учун палахса деформацияланмайди, дастлабки шакли ва ўлчамларини ўзgartирмайди деб фараз қилинади. Палахсанинг ағдарилиши ҳисобига унинг ерёзидағи бегона ўтжойлашган ВС ёни ҳолатига келиб бегона ўтларнинг деярли ҳаммасини тупроқ билан чуқур кўмиб қўяди. Фақат В1 нуқтасига тушган бегона ўт уруғини ҳол бериши мумкин. Қанчалик палахса тўлиқроқ ағдарилса, яни қанчалик бурчаги кичикроқ бўлса, шунчалик шудгорлаш сифати юқорироқ баҳоланади. Ушбу иш таҳил қилингандан кейин, берилган шудгорлаш чуқурлигига қараб корпусларнинг қамров кенглиги топилади. Уни ўзгартириш йўллари аниқланади. Лемкен фирмаси плугининг корпуслар

қамров кенглигини ўзгартириш техник ечими ўрганилади (87расм).

Юқорида қайд этилган тадбирларни амалга ошириш учун Европал-7 плугини рамаси тракторнинг осиш қурилмасига ўта мураккаб А-Б-С-Е-К-Л-Б ҳамда Б-Д-М-Б механизмлари ёрдамида уланган.


Плуг рамасини ён томонга суриш учун ЕСБЛКЕ винтли механизм хизмат қилади. СЕ винтини узунлигини ўзгартириб, биринчи корпус лемехи охирини тракторнинг ўнг ғилдираги (аниқроғи, агрегатнинг бундан олдинги юришида қолдирған шудгор девори “ед” га) нисбатан түғри ўрнатиб, ишлов берилмаган йўлакча қолмайдиган қилинади.



**87 - расм.** Лемкен фирмасини Евронал 7 плугини трактор осиш қурилмасига улаш механизмини схемаси.

КЛ винтини узунлиги ўзгартирилса, рама Б шарнири атрофида бурилиб, корпусларнинг, яни плугнинг қамров кенглиги ўзгартирилади. Плуг рамасида корпус устунини қотириш учун тўртта тешик ясалган. Корпус устуни цилиндрик шаклда бўлганлиги туфайли, корпусни рамага нисбатан буриб қўйиш мумкин бўлади. Корпуснинг маълум қамров кенглигини ўрнатиш учун унинг устуни қайси тешикка қотирилиши лозимлиги рамадаги жадвалда кўрсатилган.

Агрегатланаётган плугнинг равон ҳаракатини таъминлаш учунунинг қаршилик кучлари йиғиндисининг таъсир чизиги оний айланиш марказидан ўтиши лозимлиги тушинтирилади.



**88 - расм.** Плугнинг равон ҳаракатланишига таъминлашга доир схема.

Амалий машғулотда амалга ошириладиган муаммоли вазият талабаларни муаммоли вазиятга тўқнаш келишини таъминлаш асосида уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга асосланадиган йўл. Методнинг моҳияти аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва унинг ечими юзасидан қарор қабул қилишдан иборат.

Амалий машғулот ўтишда плугдан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишни «балиқ склети» таълим воситасидан фойдаланилади.

### **Назорат саволлари::**

1. Ушбу плугда нима учун корпуслар қаров кенглиги ўзгартириладиган қилиб лойиҳаланган?
2. Плугнинг қамров кенглиги қандай омилларга боғлиқ равища ўзгартирилади?
3. Плугни тайинланган ишлов бериш чуқурлигига ўрнатиш учун нималар қилиш керак?
4. Плуг тупроқ қатламини тўлиқ ағдариши учун қатlam энининг ишлов бериш чуқурлигига нисбати қандай бўлиши керак?
5. Плуг равон ҳаракатланиши учун шудгорлаш агрегатининг қайси жойлари созланиши керак?

### **2-амалий машғулот: PPAS-4 прецизион универсал пневматик сеялкани ўрганиш.**

**Ишдан мақсад:** универсал пневматик сеялка ва ишчи қисмларининг тузилиши ва технологик иш жараёни тўғрисида билим бериш ва кўникма ҳосил қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** универсал пневматик сеялка ва ишчи қисмларининг тузилиши ва технологик иш жараёнини ўргатиш ва ундан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш.


Сеялканинг умумий тузилишини, миқдорлаш аппаратини ва бошқа ишчи қисмларининг умуми тузилиши, улар бажарадиган технологик иш жараёнини ўрганилади.

Сеялканинг умумий тузилишини, миқдорлаш аппаратини ва бошқа ишчи қисмларининг умуми тузилиши, улар бажарадиган технологик иш жараёнини ўрганилади. Амалда сеялканинг барча қисмлари ечиб олинади, ўлчаш ишлари амалга оширилади ва қайта йифилади.

Тошкент агрегат заводида ишлаб чиқарилган PPAES-4 пневматик сеялкаси маккажўхори, кунгабоқар, ловия, рапс, соя, нўхот, чигит, пиёз, бодиринг каби экинларнинг нисбатан тўкилувчан қилинган уруғини ҳар бир уяга аниқ миқдорлаб (доналаб) экиш учун мўлжалланган (расм).



a)




b)

**89 - расм.** Пневматик селканинг умумий кўриниши (а) ва унинг технологик иш жараёнинг схемаси (в):

1-уруг қутиси; 2-уруг ажратувчи диск; 3- эккич (тилгичсимон); 4-кесак сидиргич; 5- уруг ботиргич; 6-тупроқни зичловчи галтак.

У түртта модулдан тузилган. Модуллар узун бруссимон рамага хомут ёрдамида ўрнатилади. Модулларни рама бўйлаб суриб, қаторлар оралиғини 30 см дан 90 см гача ўзгаририб, юқорида кўрсатилган экин уруғларини экиш мумкин бўлади. Буюртмачи хохишига қараб, сеялкага минерал ўғит соладиган ҳамда гербицид эритмасини пуркайдиган қурилмаларни ҳам ўрнатиш мумкин. Ҳар бир модул (а расмда ташки кўриниши, в расмда унинг схемаси келтирилган) уруғ қутиси 1, уруғ ажратувчи диск 2, эккич 3, уруғ кўмгич 4, кесак сидиргич 5, ғалтаксимон зичлагичлардан 6 ташкил топган.

Узунлиги 4,40 м бўлган жуда бақувват балка сеялка рамаси вазифасини бажаради. Модуллар рама 9 га маҳсус хомут ёрдамида бириктирилади (расм).



**90 - расм. Модул схемаси:**

1- уруғ қутиси; 2-уруғ ажратувчи диск; 3-селектор(назортчи)ни созловчи ричаг; 4-уруғ кўмиши чуқурлигини ўзгартирувчи ричаг; 5-уруғ устидаги тупроқни зичлагич; 6-эккич; 7-тупроқ юмшатувчи диск; 8-занжирли узатма; 9-рама балкаси; 10-паралелограммсимон механизм; 11-етакловчи юлдузча; 12-юритувчи гилдирак; h-уруғни кўмиши чуқурлиги.

Хомутни бўшатиб, модулни рама бўйлаб суриб бириктириш хисобига қаторлар оралиғи кенглигини ўзгратириш мумкин. Агар қаторлар оралиғини кенглиги 90 см қабул қилинса, рамага 4 та модул қўйилиб, сеялка 4 қаторли вариантига туширилади. Агар қаторлар оралигининг кенгилги 60 см қилинса, яна 2 та модул қўшиб, сеялкани 6 қаторли кўринишига айлантириш мумкин. Шунинг учун вентилятор ғилофида яна 4 та шланга

улаш учун бўш патрубкалар қўйилган.

Сеялка рамаси 7 иккита ғилдирак 9 ларга ўрнатилган (90 расм). Модул тортқиси 10 брус 7 га хомут 8 ёрдамида ўрнатилади. Рама балкасига сўрувчи вентилятор 11 ғилофи бикр жойлаштирилади. Вентиляторни сеялкани-агрегат-лаётган тракторнинг қувват олиш вали (КОВ) га уланган кардан вал 12 540 айл / мин тезлиги билан айлантириб туради. Вентилятор ғилофидаги патрубкаларга модуллардан ҳаво сўриб олиш учун шланга 13 уланган. Шланг ичидаги ҳаво босими очиқ атмосферадаги босимдан кам бўлганида, унинг деворлари букланиб қолмаслиги учун, шланг девори бурмаланган (гофрланган), ўз шаклини ўзгар-тирмайдиган қилинган.

Ҳар қандай сеялкани ишлатишда уруғни меъёрлаб ажратадиган дискни айлантириб туриш керак бўлади. Ҳамма сеялкаларда уруғ ажратгичга харакат трактордан эмас, факат сеялканинг юритувчи ғилдиракларидан узатилади, чунки шундагина уруғ экилган уялар ораси режалаштирилган микдордан кўп фарқланмайдиган бўлади. Демак, ғилдирак айланса, уруғ ажратувчи диск ҳам айланади.


Сеялканинг технологик жараёни қўйидагicha амалга оширилади. Экиладиган уруғ ўлчамларига мос бўлган ажратиш диски танланиб модулларга олдин-дан ўрнатилган бўлади (расм). Тракторга осилган сеялка уруғ кутисига экилади-ган уруғ солинади.



**90 - расм. Уруғ ажратадиган дискнинг кўриниши.**

Сеялкани ишлаб чиқарган корхона диаметрлари бир хил бўлган, аммо четларида 1; 18; 22; 27; 31; 33; 48; 57; 70; ва 10 дона турли катталиқдаги тешик-лар ясалган ажратувчи дисклар тўпламини истеъмолчига беради.

Вентилятор ишга туширилса, гофрланган шланглар орқали ҳамма модулларнинг уруғ ажратиш камераларидағи ҳавони узлуксиз сўриб олиб туради. Ажратиш камераси (91-расм) уруғ кутисининг қуи қисмида жойлашган.




**91 - расм. Уруғ ажратиш камерасини схемаси:**

1-уруғ қутиси; 2-ажратувчи диск; 3-дискдаги калибрланган тешик;  
4-тешикка сүрилиб қолған уруғ; 5-ҳаво сүриші шланги.

Уруғ қутисининг пастки энсиз жойига уруғ ажратувчи дискнинг устки қисми кириб туради. Дискнинг бир томонига юқоридан тушиб келаётган тұқилувчан уруғлар тегиб турса, иккінчи томонига ҳаво сүрадиган шлангнинг учи зич тегиб туради. Дискнинг уруғларга тегиб турған томонидаги ҳавони ишга туширилған вентилятор калибрланган тешиклар орқали шлангга сүриб олади. Шу сабабли, тешикларга рўпара келган уруғ сүрилиб, дискка ёпишиб қолади. Диск эса ўз ўқи атрофика узлуксиз айланиши сабабли, ўзига ёпишган уруғни камера ташқарисига олиб чиқади. Ташқарида эса, тешик орқали ҳаво сүрилиши тұхтатилади, тешикка ёпишган уруғ дискдан ажралиб, оғирлик кучи таъсирида пастка, эккичининг ичига тушиб кетади.

Экиш агрегати  $V_M$  йўналишида юритилса, эккич олдига қўйилған кесак сидиргич қўйидаги иккита ишни бажаради (92 - расм):

- сидиргич олдига ўрнатилған чопқисимон пичоқ уруғ қадаладиган ерни тилиб юмшатади;
- қанотлари ёрдамида ер юзасидаги катта кесакларни ён томонларга сурис қўяди.



**92 - расм. Кесак сидиргични эккичга нисбатан ўрнатиш схемаси:**  
**1-чопқисимон пичоқ; 2-сидиргич қаноти; 3-эккичининг тумшуғи; 4-эккич жағлари; 5-жасынинг қия кесилган қисми; 6-уругелар;  $h$  – уруғ күмилгандык чуқурлик.**

Сидиргич устуnidаги тешикларни бирини грядилга улаб, чопқисимон пичоқнинг ерга ботиши чуқурлигини маҳаллий шароитларга мөс қилиб ўзгартирилади. Юмшатилган ерга эккичининг тумшуғини ботириш енгиллашади.

Эккич тумшуғининг шакли шундай танланганки, у юмшатилган тупроқни тилиб, ён томонларига суриб қўяди ва энг муҳими, у тупроқни юқорига кўттармасдан пастга қараб зичлайди. Зичланган жойга пастки қатламдаги намлик кўтарилади ва уруғ униб чиқишини жадаллаштиради. Эккич ясаган энсиз ариқчанинг зичланган тубига юқоридаги диск ажратган уруғлар тушиб жойлашади. Эккич жагининг пастки қисми 5 қия кесилганилиги сабабли, зичланган тубда ётган уруғ устига дастлаб пастдаги нисбатан намроқ қатлам тупроғи, кейин эса, устки, курғоқроқ жойнинг тупроғи тушади. Натижада, уруғ учун қулай шароит яратилади. Эккич тайёрлаган энсиз ариқча тубига ташланган уруғларни босиб ерга қадаб кетиш мақсадида ғилдиракча 5 (93 - расм) ўрнатилиши мумкин. Ерга қадалган уруғлар устини тупроқ билан кўмиб, зичлаб кетиш учун бирбирига қия ўрнатилган иккита ғалтак қўйилган.

Ўқитиши жараёнида муаммоли вазият методи-талабаларни муаммоли вазиятга тўқнаш келишини таъминлаш асосида уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга асосланадиган йўл ҳисобланади. Методнинг можияти аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва унинг ечими юзасидан қарор қабул қилишдан иборат. Таълим жараёнида муаммоли вазиятни «қандай?» диограммаси асосида ечиш ташкил этилади:

**Назорат саволлари::**

1. PPAS-4 прецизион универсал пневматик сеялкаси қандай миқдорлаш аппарати билан жиҳозланган?
2. PPAS-4 прецизион универсал пневматик сеялка қандай ўсимликлар уруғини экишга мўлжалланган?
3. PPAS-4 прецизион универсал пневматик сеялкасида экиладиган уруғларнинг орасидаги масоф қандай ўзгартирилади?
4. PPAS-4 прецизион универсал пневматик сеялкаси минерал ўғит сепишга мослаштирилганми ?
5. PPAS-4 прецизион универсал пневматик сеялка қандай тракторларга агрегатланади?

**3– амалий машғулот:PPAS-4 прецизион универсал пневматик сеялкани созлаш ва ишга тайёрлаш.**

**Ишдан мақсад:** универсал пневматик сеялка ва ишчи қисмларини созлаш, ишлатишга тайёрлаш ва ундан фойдаланиш тўғрисида билим бериш ва кўникумма ҳосил қилиш.


**Масаланинг қўйилиши:** универсал пневматик сеялка ва ишчи қисмларини созлаш, ишлатишга тайёрлашни ўргатиш ва ундан фойдаланиш кўникумасини ҳосил қилиш.

Сеялканинг экин уруғларининг турларига мослаб миқдорлагич дискларини танлашни, сеялкани экиш нормасига ўрнатиш, изортгичини сеялка қамров кенглиги ни ҳисоблаб топиш ва созлашни ўрганиш ва ундан фойдаланиш.

Сеялкани ишга тайёрлаш. Сеялкани тракторнинг осиш қурилмасига осишда, қурилма марказий тортқисининг узунлигини ўзгартириб, иш ҳолатига туширилган сеялка модулларини бўйламасига горизонтал бўлишини таъминлаш керак. Бунинг учун сеялканинг чап томонига илинган маятниксизон стрелка “нул” чизигига тушадиган қилиш лозим. Иш ҳолатида горизонтал бўлган сеялкани транспорт ҳолатига кўтаргандан ҳам горизонтал жойлашгани маъқул бўлади. Бунинг учун марказий тортқини пастки бўйлама тортқиларига деярли параллел қилиб қўйиш керак (устундаги тешикларнинг кераклисига улаб). Сеялка ён томонларига бурилиб кетмаслиги учун, пастки бўйлама тортқиларни бир-бирига блокировка қилиш керак. Ён томонлардаги кашаклар узунлигини ўзгартириб, сеялка рамасининг балкаси кўндалангига ерга параллел

бўлишига эришилади. Сеялка гидрошланглари тракторнинг гидротизмига уланади.


Тракторнинг қувват олиш вали (ҚОВ) га сеялкани улайдиган кардан вал-нинг узунлигини сеялка ишчи ҳолатига тўлиқ туширилганида қўпи билан  $K=30^\circ$  бурчакка оғадиган қилиб танлаш жоиз ҳисобланади (94 - расм).



**94 - расм. Кардан валининг чегаравий ҳолатларини схемас**

Карданнинг шлицали вали трубага камида  $M=20$  см гача кириб туриши лозим. Сеялка изтортгич (маркёр)ларининг керакли узунлигини ҳисоблаб топиш керак, чунки изтортгич узунлигига туташ қаторлар оралигини кенглиқ боғлиқ бўлади. Изтортгич узунлиги меъёридан камроқ кўйилса, туташ қатрлар оралиғи оддий қаторлар кенглигидан торроқ бўлиб қолади.

Сеялкага гидроцилиндр билан бошқариладиган изтортгич ўрнатилган. Изтортгич узунлиги 95-расмдаги схема асосида топилади. Сеялка 6 қаторлаб ҳам уруғ экишини эътиборга олиб, 95-расмда 6 қаторли схема кўрсатилган (tinglovchilarга бериладиган топшириқда қаторлар сони ўзгартирилади).



**95 - расм.** Тўрт ёки уч ғилдиракли трактор билан агрегатланадиган сеялка изторткичининг узунлигини аниқлаш схемаси:

$V$  – трактор олдинги ғилдираклари изларининг оралиги;  $E$  – қатор оралигини кенглиги;  $N$ - экилаётган қаторлар сони.

Из тортич узунлиги тўрт ғилдиракли тракторлар учун (95 а, расм.)

$$X = [E(N + 1) - V]/2 \text{ га тенг бўлиши керак.}$$

Агар трактор уч ғилдиракли бўлса, (в, расм)

$$X = [E(N + 1)]/2 \text{ га тенг бўлади.}$$

Кейин миқдолагич диск танланади ва хулоса шакллантирилади.

Амалий машғулот ўтишда сеялкадан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишни «нима учун?» таълим воситасидан фойдаланилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. PPAS-4 прецизион универсал пневматик сеялкаси билан чигит экиш учун қандай миқдорлаш диски танланади?

2. Олти қаторли PPAS-4 прецизион универсал пневматик сеялкаси билан қаторлар орасидаги масофа 60 см. бўлган эккин уруғларини экиш учун изтортгичнинг қулочи қандай кенгликда бўлиши керак?

3. PPAS-4 прецизион универсал пневматик сеялкасида уруғларнинг экиш чуқурлиги қандай созланади?

4. PPAS-4 прецизион универсал пневматик сеялкаси билан уруғ экилганда, айрим уяларга уруғ ташланмасдан кетмоқда, нима қилиш керак ва уни қандай бартараф этиш мумкин?

5. PPAS-4 прецизион универсал пневматик сеялка қаторлар кенглигини ўзгартириш учун нималар қилиш керак?


### **4-амалий машғулот: Доминатор – 130 ғалла комбайнининг тузилишини ўрганиш**

**Ишдан мақсад:** Ғалла комбайнни ва унинг ишчи қисмларининг тузилиши ва технологик иш жараёни тўғрисида билим бериш ва қўникма ҳосил қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** ғалла комбайнни ва ишчи қисмларининг тузилиши ва технологик иш жараёни ўргатиш ва ундан фойдаланиш қўникмасини ҳосил қилиш.

Ғалла комбайнни ўргичи, янчиш аппарати, сомон элагичи, дон тозалаш қисмларининг тузилиши, улар бажарадиган технологик иш жарайнларини ўрганилади бунинг учун комбайннинг барча ишчи қисмлари алоҳида-алоҳида ўрганилиб, таҳлил қилинади.

Ўқитиш жараёнида муаммоли вазият методи–талабаларни муаммоли вазиятга тўқнаш келишини таъминлаш асосида уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга асосланадиган йўл ҳисобланади. Методнинг моҳияти аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва унинг ечими юзасидан қарор қабул қилишдан иборат. Таълим жараёнида муаммоли вазиятни «қандай?» диаграммаси асосида ечиш ташкил этилади:



### **Назорат саволлари::**

1. Агар ғаллазорда ўсимлик поялари ётиб қолган бўлса, мотовило ўриш аппаратига нисбатан қандай ўрнатилади?
2. Класс комбайннида қандай янчиш аппарати ўрнатилган, унинг анъанавий янчиш аппаратидан фарқи нимада ?
3. «Узайтиргич» ишчи орган комбайннинг қасмига ўрнатилган?
4. Буғдойни янчишда янчиш барабанининг чизиқли тезлиги қанчага тенг бўлиши керак?
5. Комбайнда қандай турдаги сомонэлагич ўрнатилган?

### **5 - амалий машғулот: Доминатор – 130 ғалла комбайнини ишлтишга тайёрлаш.**

**Ишдан мақсад:** ғалла комбайнни ва унинг ишчи қисмларини созлаш, ишлатишга тайёрлаш ва ундан фойдаланиш тўғрисида билим бериш ва кўникма ҳосил қилиш.


**Масаланинг қўйилиши:** ғалла комбайнни ва унинг ишчи қисмларини созлаш, ишлатишга тайёрлашни ўргатиш ва ундан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Ғалла комбайн ўргичи ишчи қисмлари: ўриш аппарати, мотовилоси, транспортловчи шнеги ҳамда янчиш қурилмаси, сомонэлагичи, дон тозалаш

қисми иш жараёнларини таҳлил қилиш ва созлаш. Ғалла комбайнининг чичиш қобилияти тегишли математик ифодалар орқали ҳисоблаб топилади, хулоса шакллантирилади. Ўрганилган ишчи қисмларнинг технологик жараёнлари бошқа аналоглар билан солиштириб кўрилади, ҳамда хулосалар ишлаб чиқилади.

Таълим олувчиларга: ғалла ҳосилини йиғиштириш технологиялари ва АТТларни изоҳлайди. Республикаизда аксарият ҳолда Германиянинг “Клаас” фирмасида тайёрланаётган комбайнлар ишлатилаётганини эътиборга олиб, расмдаги технологик схема асосида ғалла комбайнининг тузилиши, технологик жараёни ва созланишларини эслатади.

Комбайнни ишга тайёрлашда маҳаллий шароит (даланинг макро ва микрорелефи, ҳосилдорлик, поялар баландлиги, ётиб қолган поялар миқдори, ўта иссиқ ва қуруқ ҳаво ...) ни эътиборга олиш лозимлигига урғу берилади. Ҳар қандай комбайн юқори иш унумини таъминлаш билан бир вақтда жоиз бўлган меъёрдан ортиқ дон нобудгарчилигига йўл қўймаслиги талаб қилинади. Дон нобудгарчилигининг кўпайишига сабаб бўладиган вазиятлар тушунтирилади. Масалан, ўриб олинган ғалла таркиби катта аҳамиятга эга. Ҳамма комбайнлардаги янчиш аппаратининг параметрлари, унга янчиш учун тушаётган ғалланинг 40% дон, 60% сомон бўлишига, яъни доннинг сомонга нисбати 1,0: 1,5 бўлишига мосланиб қўйилган бўлади.



Шартли белгилар: → ғалла оқимишининг йўналиши;  
 ■■■→ дон, чори ва майдаланган сомон аралашмаси;  
 ■■■■→ дон: ■■■■→ ғалвир кўзларидан ўтмаган маҳсулот  
 (бошоқлар); → сомон; → чори.

**96 - расм.** “Клаас” фирмаси комбайнининг технологик жараёнини схемаси: 1-бошоқ кўтаргич тароқлари; 2-ер нотексликлариiga ўргични мослаб юритадиган бошмоқлар; 3-тезлаштириш барабани; 4-янчиш барабани; 5-тишли сегмент; 6-созланувчан фартук; 7-сомон элагич

клавишиасидаги узайтиргич; 8-қайтарувчи битер.

Шу сабабли, паст бўйли поялар баланд ўрилса, янчиладиган ғалладаги сомон миқдори донга нисбатан камайиб, чала янчиш кўпайиб кетади. Демак, ўриш баландлиги нотўғри қўйилса, чала янчиш хисобига дон нобудгарчилиги ортиб кетади. Бундан ташқари, паст бўйли поялар баланд ўрилса, уларнинг кесиб олинган қисмлари калта бўлиб, ўргичдаги шнекли транспортёрнинг парраклари уларни ўриш аппарати устидан узлуксиз, бир маромда тортиб олаолмайдиган бўлади. Натижада, ўриш аппарати устидаги бошоқлар уюми пайдо бўлиб, уларнинг айримлари ерга тушиб кетади.

Ўриш аппарати сегменти ёки қўзгалмас бармоқлардаги тиғлар ўтмас бўлиб қолишига ёки улар орасидаги тирқиши меъёридан катта бўлиб қолишига йўл қўйилса, поялар чайналиб, тоза кесилмасдан, илдиздан ажратилмасдан қолади.

Ўриш баландлиги, биринчи навбатда, ўргични ерга нисбатан ўрнатиш баландлигига боғлиқ. Аммо, ундан ташқари, комбайннинг ишчи тезлигига ҳам боғлиқ. Ўриш аппаратини сегменти учратган поя унинг тифи таъсирида энгаштирилиб, қўзгалмас бармоқ тифига текканидан сўнггина кесилади. Комбайн ишчи тезлиги қанчалик катта бўлса, поя шунчалик кўпроқ энгаштирилади. Ўриш баландлиги, яъни поянинг ўрилмасдан ерда қолган қисми анғиз баландлиги катта бўлади. Поянинг кесиб олинган қисми калтароқ бўлади, бошоқларнинг ерга тушиб кетиши ортади. Демак, паст бўйли пояларни ўришда, иложи борича, комбайн тезлигини камроқ ёки ўриш аппарати пиғочининг тебраниш сонини кўпроқ қилиш маъқул бўлади. комбайн сотиб олаётган мутахассис унинг ўргичини ер юзасидаги нотекисликларга (микроролефга) мослаб, бир хил баландликда олиб юрадиган мосламаси бор – йўқлигига эътибор бериши керак.

Охирги суғоришдан сўнг буғдой поялари кўпинча ётиб қолади. Ётиб қолган пояларни ўриб, уларни ерга тўқмасдан, ўргич платформасига чиқариб олиш учун, ўриш аппаратига маҳсус тароқсимон бошоқ кўтаргичлар кийдирилади.

Ётиб қолган пояларни ўришда мотовило парракларидағи тароқсимон ҳаскашларни енгashiш бурчакларини тўғри ўрнатиш керак бўлади.

Дон нобудгарчилиги мотовилони ўрнатиш баландлиги ва унинг айланиш тезлигига ҳам боғлиқдир. Агар мотовило меъёридан баландроқ ўрнатилса, унинг парраклари бевосита бошоқларни савалаб, донни тўқади. Агар мотовило тезлиги меъёридан кўп қўйилса, унинг парраклари бошоқларни уриб, дон тўқади, кам бўлса кесилган пояларни ўргич устига эмас, олдиаги ер томонга қараб энгаштириб юборади. Улар ерга тўкилиб

тушади. Комбайннинг ишчи тезлиги ўзгартирилса, унга мутаносиб ҳолда мотовило тезлиги  $\omega$  ҳам ўзгартирилиши лозим. Комбайн қанчалик катта  $V_k$  тезлигига ишлатилса,  $R$  радиусли мотовило парраги чизиқли тезлигининг  $V_m$  га нисбати  $\lambda$  камроқ қўйилиши керак. Демак, тезюарар комбайн мотовилосини оддий комбайнниги нисбатан секироқ айланадиган қилиб созлаш керак.

Янчиш аппаратини ўрилаётган ғалла хоссаларига мослаб созлаш дон нобудгарчилигига кучли таъсир қиласди. Янчилаётган ғалла хоссалари (янчилувчанлиги) га қараб, биринчи навбатда янчиш барабани (ротори) тишлар-ининг оптимал чизиқли тезлиги ўрнатилади. Қийин янчиладиган ғалла (шоли) учун барабан тишининг тезлиги кўпроқ, енгил янчиладган ғалла (нўхат, ловия, мош) учун камроқ ўрнатилади.  $R$  радиусли барабан тишининг чизиқли тезлиги  $V_m = \omega R$  бўлиши ёътиборга олинса, унинг бир минутдаги айланиш сони  $n \approx 10\omega = 10 V_m / R$  бўлади. Ҳар хил русумдаги комбайнлар барабани радиуси ҳам ҳар хил бўлиши сабабли, бир хил миқдордаги  $V_m$  ни таъминлаш учун, уларни турли н тезлиги билан айлантириш лозим бўлади. Янчиш барабанинг радиуси қанчилик катта бўлса, унинг тагига ўрнатиладиган дека шунчалик узунроқ, ишчи юзаси каттароқ бўлади, янчиш узокроқ давом етади, чала янчиш камроқ бўлади. Барабан тезлиги меъёридан кўпроқ қўйилса, дон езилиши ва синиши кўпаяди, камроқ қўйилса – чала янчиш ортиб кетади.

Янчиш жараёнининг самарадорлиги барабан тишларини таъсирида ғалла-ни дека қобурғалари усти бўйлаб, уларга сиқиб судраб ўтиш тезлигига боғлик (буғдой учун 30-32 м/с). Оддий комбайн барабанига келиб тушаётган ғалланинг тезлиги 3...4 м/с дан ошмайди. Тиш таъсирида ғалла тезлиги 30 м/с гача кўтарилиш вақтида, у деканинг бошланғич қисмидан ўтиб улгуради. Демак, деканинг бошланғич қисмida ғалладан дон сустроқ ажратилади. Шу сабабли, “Клаас” комбайнларида асосий янчиш барабани олдига қўшимча тезлаштириш барабани 3 ҳам ўрнатилган. Тезлаштириш барабани ғалланинг силжиш тезлигини деярли оптимал (30 м/с) миқдоригача қўтариб, уни янчиш барабани 4 га узатади. Натижада, деканинг узунлигидан деярли тўлиқ, самарали фойдаланиш, янчиш жараёнини яхшилаш имконияти туғилади.

Барабаннинг айланиш тезлиги ўрнатилганидан сўнг, иккинчи навбатда унинг декаси (таглиги) созланади. Дека билан барабан орасидаги тирқиши кенглиги янчишга тушаётган ғалла миқдорига қараб ўрнатилади. Агар бу тирқиши меъёридан ортиқ қўйилса, чала янчиш, камроқ бўлса–дон шикаст-ланиши ортиб кетади.

Сомон елагичнинг иши ҳам дон нобудгарчилигига таъсир қиласи. Янчиш барабандан катта  $B_t$  тезликда орқа томонга иргитилаётган сомон поялари орасига айрим дон ва чала янчилган бошоқлар (хосилнинг қарийиб 30% гача) қисилиб қолган бўлади.

Уларни тўлиқроқ ажратиб олиш учун, сомонни иложи борича узокроқ елаш талаб қилинади. Барабан билан дека орасидан юқори томонга деярли тик йўналишда отилиб чиқаётган сомон қайтариш битери 8 га урилиб, тезлиги кескин камайганидан сўнг сомонелагичнинг биринчи поғонасига тушади. Клавиша бўйлаб орқа томонга силжиётган сомонга тўсиқ бўлиб, унинг тезлиги-ни камайтириш мақсадида фартук б лар хизмат қиласи. Сомон қалинлигини камайтириб, элашни енгиллаштириш ҳисобига дон қолдиқларини тўлиқроқ ажратиб олиш учун, клавиша поғоналарининг охирига маҳсус узайтиргичлар кийдирилади.

Комбайннинг дон тозалаш қисмини ҳам маҳаллий шароитларга мослаб созлаш муҳимдир. Вентиляторни ишлатиш тезлиги, яъни ғалвирларнинг тагидан юқорига, сомонхона томонга есадиган шамолнинг тезлиги тозаланаётган дон-нинг аеродинамик учувчанлигига қараб белгиланади. Шамол кучини белги-лашда хас-чўп бўлаклари билан биргаликда дон ҳам сомонхона томонга учиб кетмаслигига ва бункердаги доннинг тозалигига эътибор берилади.

2. Таълим оловчи мустақил бажариш учун индивидуал топширик беради (комбайн қисмларини маҳаллий шароитларга мослаб созлаш бўйича).

Ҳар бир таълим оловчи ўқитувчи берган ишни мустақил бажаради.


Таълим оловчи ҳисботида дон нобудгарчилигини камайтириш учун комбайн қисмларини берилган шароитларга мослаб созлаш тартибини изоҳлайди.

### **Ғалла комбайнини ишлатиш:**

1. Комбайндан фойдаланишда АТТ асосида дон нобудгарчилигини камроқ бўлишига эътибор бериш лозимлигини таълим оловчиларга тушунтиради.

1.1. Ўргичнинг чап четидаги сегментларни ўрилмаган поялар чегараси бўйлаб комбайнни юритиш ўта қийин бўлганлиги сабабли, ўрилмаган пояларни қолдирмаслик мақсадида, оператор ўриш аппаратининг  $\Delta b=20...30$  см кенгликтаги четки қисмини илгари ўрилган анғиз усти бўйлаб юритади. Шу сабабли, доимо комбайннинг ишчи қамров кенглиги  $B_i$  унинг конструктив кенглиги  $B_k$  дан камроқ ( $B_i = B_k - \Delta b$ ) бўлиши (97 - расм) тушунтирилади.

1.2. Ўргичнинг чап четини ўрилмаган поялар чегарасига в масофада унга параллел юритишини ҳамда ўргичнинг чап чети ишини назорат қилишни енгиллагтириш учун, оператор ўтирадиган кабина комбайннинг ўртасида эмас, чап томонида жойлаштирилади. Демак, доимо комбайннинг чап томонида даланинг ўрилган қисми, ўнг томонида эса ўрилмаган қисми бўладиган тартибда ишлатиш маъқул бўлади.



**97 - расм.** Ўргичнинг ишчи қамров кенглигини изоҳлашга доир схема.  
А-даланинг ўрилган қисми; Б, С-ўрилмаган қисми.

1.3. Хамма комбайнларда ўриш аппарати пичноини ҳаракатга келтирувчи юритма ўргичнинг чап томонида жойлаштирилади. Агар даланинг ўрилган қисми комбайннинг ўнг томонида қолдирилиб ишлатилса, ўриш аппарати ҳаракат юритмасини қоплаб турган ғилоф чап томонидаги  $\Delta b = 20...30$  см кенгликдаги пояларни босиб, ётқизиб кетади. Даланинг ўрилган қисми комбайннинг чап томонида бўлганлиги сабабли, у ерда транспорт воситалари бемалол юриши мумкин. Шу асосда, комбайн бункеридағи донни тўқадиган шнек қувури ҳам унинг чап томонида жойлашган бўлади.


1.4. Катта далалар кичик пайкалларга ажратилиб, ҳосили ийғиширилади (98 - расм, а). Бурилиш йўлакчасида ўрилмасдан қолган жойлар пайдо бўлади. Шу сабабли, ўзиорар комбайн билан пайкал боши ва этагида расмда кўрсатил-ганидек йўлаклар очилиб қўйилади. Кейинчалик, комбайн буриладиган жойлар ушбу йўлакка тўғри келиши керак. Ўрилмасдан қолган поялар бўлмайди.

2. Табиий нобудгарчилик билан механик нобудгарчилик сабабларини айтиб ўтади. Дон нобудгарчилигини аниқлаш услубини тушунтиради.

Ишлаётган комбайнда йўл қўйилаётган нобудгарчиликни аниқлаш тартибини қўйидагича изоҳлаши маъқул бўлади.

2.1. Комбайнни киритишдан олдин ғаллазорнинг камидаги жойига чивикдан ясалган (ички майдони 1 кв.м) рамка тик турган буғдой пояларига кийдирилиб, ерга туширилади. Оҳиста ҳаракат билан рамка ичидаги бошоқлар кесиб олинади ва улардаги дон массаси  $m_e$  аниқланади. Рамка ичидаги ерга табиий омиллар (шамол, пишган ғаллани ўрмасдан узоқ вақт сақлаш...) таъсирида тўкилган дон териб олинади ва унинг массаси  $m_t$  аниқланади.  $M_b + m_t = x$  – етиштирилган ҳосил деб қабул қилинади. Табиий нобудгарчилик  $H_t = 100 m_t/x, \%$  кўринишида топилади.

Кейин комбайн билан 30...40 м жойни ўриб, у тўхтатилади ва дарров комбайн орқасига 2...3 м масофага юргизилиб тўхтатилади. Мотор ўчирилади. Комбайннинг ишчи қамров кенглиги  $B_u$  аниқланиб,  $K=1/B_u$  метр бўлган (ички майдони 1 кв.м бўлган) рамка тайёрланиб, орқа томонга чекинган комбайн ўргичи бўшатган анғизга ётқизилади. Унинг ички чегарасидаги дон ва бошоқлар териб олинади. Терилган дон массаси  $m_e$  ўлчаб аниқланади. Бевосита ўргич қисмлари таъсирида ерга тўкилган дон массаси, яъни  $m_e - m_t$  фарқи топилади. Ўргич қисмларининг механик таъсирида содир бўлган нобудгарчилик  $H_y = 100 (m_e - m_t) / m_b, \%$  кўринишида топилади.



### 99 - расм. Комбайнни далада юритиш тартиби.

Комбайн орқасидаги ҳосили тўлиқ йиғиширилиб олинган ерга ҳам мазкур рамка ётқизилиб, ерга тўкилган дон ётқизилган рамка ичидан териб олинади ва унинг массаси  $m_k$  аниқланади. Бутун комбайн (ўргич, янчиш аппарати, сомон елагич, ғалвирлар, вентилятор ва маҳсулот юритиладиган жойлардаги тиркишлар...) таъсирида пайдо бўлган умумий нобудгарчилик  $H_k = 100(m_k - m_t) / m_b$ , % топилади.

Агар  $H_y$  ва  $H_k$  АТТ лар жоиз хисоблайдиган миқдордан кўп бўлса, уларни камайтириш учун тегишли чора кўрилади. Агар ерга кўп бошок тўкилаётганлиги аниқланса, унга ўриш баландлиги меъёридан ортиқ, ўриш аппаратининг сегментлари синган ёки ўтмас бўлгани; мотовило нотўғри созланганлиги; ўргичдаги шнек ва унинг бармоқли механизмидаги носозликларни излаш керак. Агар ерга тўкиб қўйилган сомонда чала янчилган бошоқлар учратилса, янчиш аппарати ёки сомон елагич янчилаётган ғалла хоссаларига мос созланмаган бўлади. Агар сомонга аралашиб меъёридан кўпроқ дон чиқиб кетаётган бўлса, сомонелагич, ғалвир ёки вентилятор маҳаллий шароитларга мос созланмаган бўлиши мумкин.

Агар ўқув жойи аксиал–роторли комбайн билан жиҳозланган бўлса, юқоридагиларга қўшимча бажариладиган операцияларни тушунтириш керак бўлади. Масалан, роторнинг динамик балансировкасини бузмаслик учун, унинг ейилган тишларини янгиларга алмаштиришда массалари бир–биридан деярли фарқ қилмайдиган тишларини ўрнатиш керак. Ротор устки қобигидаги винт чизиқлари бўйлаб ўрнатиладиган қовурғаларнинг энгашиш бурчагини ўзгартириб, янчилаётган массанинг ротор бўйлаб орқа томонга, яъни сомон элагич томонига силжиш тезлигини ўзгартириб, янчилувчалиги турлича бўлган ғаллага нисбатан таъсир вақти ўзгартирилади, чала янчишнинг олди олинади. Комбайн кўп каналли компьютер билан жиҳозланганлиги туфайли, деярли хамма қисмларининг иш сифатини узлуксиз назорат қилиб туриш имконияти мавжуд. Дон тозалайдиган ғалвир устига унинг эни бўйлаб бир хил қалинликдаги донни тушириш имконияти бор. Ишлаётган комбайн ва унинг қисмларини ўта қисқа вақт ичida тўхтатиб, уларда ишлов берилаётган маҳсулот қандай жойлаш-ганлигига қараб уларнинг тўғри созланганлиги баҳоланади, керак бўлса айrim қисмлар созланиши ўзгартирилади.

**3. Ҳар бир таълим олувчи** комбайнни бошқариш, уни ишга тушириш ва тўхтатиши операцияларини бажариб тегишли кўникмалар олади. Комбайн иши сифатини аниқлаш, назорат қилиш машқларида иштирок

этади, индивидуал топшириқни бажаради.

**Таълим олувчи ҳисоботида** комбайн ишини сифат кўрсаткичларини аниқлаш усулларини изоҳлайди. Ўзи иштирок қилган тажриба ишларини таҳлил қилиб, холосалар ёзади.

Ўқитиш жараёнида муаммоли вазият методи–талабаларни муаммоли вазиятга тўқнаш келишини таъминлаш асосида уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга асосланадиган йўл ҳисобланади. Методнинг моҳияти аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва унинг ечими юзасидан қарор қабул қилишдан иборат. Таълим жараёнида муаммоли вазиятни «қандай?» диаграммаси асосида ечиш ташкил этилади:

### **Назорат саволлари:**

1. Комбайн ўргичи қисмларининг таъсирида содир бўлган дон нобудгар-чилиги қандай аниқланади?
2. Қандай сабабга кўра даланинг ўрилган қисми комбайннинг чап томони-да қолдириб ишлаш керак?
3. Нима мақсадда ерга тўкилган сомон остини назорат қилиш керак бўлади?
4. Қандай мақсадда комбайн сомон элагичи бўйлаб янчилган ғаллани секинроқ силжитишга интилиш керак?
5. Қандай сабабга кўра амалдаги ўриш баландлиги ўргични ерга нисбатан ўрнатиш баландлигидан кўпроқ бўлади?

### **6 - амалий машғулот: Болғачали дон майдалагичларни ва ишлатишга тайёрлаш.**

**Ишнинг мақсади:** Болғачали универсал ва тўр тўсиқсиз болғачали дон майдалагичларнинг тузилиши ва ишлаш жараёнларини ўрганиш. Майдаланиш жараёнини назарий ёндашишлар билан танишиш ва майдаланган озуқа гранулометрик таркибини аниқлашни ўрганиш.

#### **Ишнинг мазмуни:**

1. Болғачали универсал ва тўр тўсиқсиз болғачали дон майдалагич машиналарининг вазифаси, тузилиши, ишлаши ва асосий ростлашларини ўрганиш.
2. Майдаланиш жараёнини тажриба-аналитик йўли билан текшириш, майдаланган маҳсулот сифатини аниқлаш.

#### **I. Умумий маълумотлар**

Омухта озуқалар таркибида тўйимли моддалар миқдори кўп ва сифати яхши, таъмли бўлади. Улар келиб чиқиши бўйича ўсимликлардан (донлар,

күнжара ва бошқ.) ва ҳайвонотлардан (гүшт уни, сүяқ ва гүшт-сүяқ уни ва бошқ.) олинадиган озуқаларга бўлинади.

Чорвачилик фермаларида биринчи гурухга кирувчи озуқаларга кўпчилик вақтда ишлов беришга тўғри келади. Бундай ҳолларда зоотехник талабларга кўра майдалангандон бўлакчалари: қорамоллар учун-3, чўчқалар учун-1, паррандалар учун қуруқ озиқлантиришда 2-3 ва намлаб озиқлантиришда 1 мм дан ошмаслиги керак.

Майдалангандон бўлакчаларининг ўртача ўлчамлари (модули) бўйича учта майдаланиш даражасини белгилайди:- 0,2 дан 1 мм гача- кичик майдаланиш; 1 ва 1,8 мм гача - ўртача; 1,8 ва 2,6 гача – йирик майдаланиш (Давлат андозасига қаранг).

Чорвачилик фермаларида концентрат озуқаларни куйидаги технологик схемалардан бири бўйича тайёрлайди:

- 1) тозалаш – намлаш (буғлаш);
- 2) тозалаш – майдалаш;
- 3) тозалаш – майдалаш – аралаштириш;
- 4) тозалаш – майдалаш – дрожжалаш-аралаштириш.

Юқорида кўрсатилган технологик схемалардан кўриниб турибдики, уларнинг ҳар бирига майдалаш операцияси кирган.

Концентрат озуқаларни майдалаш учун кўпроқ болғачали майдалагичлардан фойдаланилади. Уларда майдалаш болғачалар эркин уришлари ёрдамида бажарилади. Маҳсулот яъни, қўшимча дон бўлакчаларининг декаларга ва майдалаш камераси деворларига урилишларидан майдаланилади. Майдалангандон бўлакчалар тўр-тўсикдан эланиб ўтилади ва уларнинг ўлчамлари билан майдаланиш сифати ростланади.

Дон майдалагичлар ихтисослашган (бир тўрдаги озуқаларни майдалаш учун) ва универсал (ҳар хил турдаги озуқаларни майдалаш учун) майдалагичларга бўлинади.

### **2. Болғачали универсал дон майдалагич тузилиши ва ишлаш жараёни**

Болғачали универсал озуқа майдалагичи (99-расм) озуқаларни майдалашга мўлжалланган. У рамадан, майдалаш ва қирқиш аппаратларидан, таъминловчи ва зичловчи транспортердан, юклаш бункеридан, вентилятордан, шлюзали тўсик ва пневмоқувур билан жихозланган циклондан, электродвигателдан ва ҳаракат узатувчилардан тузилган.

Майдалагични ишлатишда учта схема: 1) донларни майдалашга; 2) маккажўхори суталари ва дагал озуқаларни (пичан, сомон) майдалашга; 3) серсув-ширали озуқаларни (кўк ўт, силос, илдизмевалар) майдалашга ростланади.

Биринчи схема бўйича ишлатилганда майдалагич камерасига тўр-тўсик қўйилади ва қирқиш барабани шкивидан тасмалар ечилиб ишдан


чиқарилади.

Маҳсулот юкланиш бункери (8) ростланувчи тирқичидан магнит сепараторига (10) ва сўнг майдалаш камерасига тушади. Майдалаш барабан бармоқларига қотирилган болғачалар билан амалга оширилади. Майдаланган масса ҳаво оқими билан тўр тўсиқ тешиклари орқали майдалаш камерасидан чиқарилади ва вентилятор ёрдамида сўриб олиниб ҳаво оқими билан циклонга тушади. Бу ерда майдаланган бўлакчалар циклон деворларига ишқаланиш кучи таъсирида ва ўз оғирлиги билан циклонга йигилади. Ҳаво эса майда ун чанглари билан биргаликда қувурлар ва ҳаво патрукаси (7) орқали майдалаш камерасига тушади.

Маккажўхори сўталари ва дағал озуқаларни унга майдалашда донли озуқалар бункеридан тушиш тирқичи беркитилиб, электродвигател ва қирқиш барабанини харакатга келтирувчи шкивларига тасмалар кийгазилади, ҳамда 8 ёки 10 мм тешикли тўр тўсиқ қўйилади. Майдалагични ишга туширишда таъминловчи транспортерни майдалагич барабани норматив айланишлар сонига етганда ишга туширади.

Майдаланиладиган маҳсулот горизонтал транспортерга юкланилади, зичловчи транспортер билан зичланиб пичокли барабанга узатилади, у ерда улар қирқилиб майдалаш барабанига тушади. Сўнг цикл такрорланаверади. Машинани учинчи схема бўйича ростлаб ишлатишда, яъни серсув-ширали озуқаларни (қўк ўт, силос, илдизмева ва бошқ.) майдалашда тўр тўсиқ (11) олиниб, тўкиш буғизи ва дефлекторни қўйиш керак, майдалагич камераси қопқоғи очилиб сўриб чиқарувчи патрубок очилади ва вентиляторга чиқиш канали беркитилади.

Озуқа, таъминловчи транспортерлар билан узатилиб, олдин қирқиласди, кейин майдаланилади. Бундай ҳолда майдалагич иши тўғри оқимли циклда бажарилади. Бу вақтда пневмосистема узилган бўлиб, майдаланган масса ҳаво оқими билан катта босимда майдалаш камерасига қўйилган бўғиз орқали улоқтириб чиқарилади.



**99-расм.** Болғачали универсал дон майдалагич схемаси:

1-таъминловчи транспортер; 2-зичловчи транспортер; 3-қарама-қарши қирқиши пластинкаси; 4-қирқиши барабани; 5-ҳаво патрубкаси; 6-пастки магнит сепаратор; 7-болғача; 8-ротор дискаси; 9-пастки дека; 10-сўриш патрубкаси; 11-тўр-тўсиқ; 12-чиқариш бўғизи; 13-юқорги дека; 14-вентилятор; 15-тўкувчи нов; 16-тирқиши тўсиғи дастаси; 17-шлюзли тўсиқ; 18-циклон; 19,20-узатувчи пневмоқувур; 21-фільтр; 22-юклаш бункери; 23-тўсиқ дастаси; 24-юқорги магнит сепаратори.

**Ростлашлари.** Сочма озуқалар майдаланиш даражаси алмашувчан тўр тўсиқларини алмаштириш натижасида ростланади. Бундай вақтда тешиклари 4, 6 ва 8 мм бўлган алмашувчан тўр тўсиқлар қўйилади, улар кичик, ўрта ва йирик майдаланишларга тўғри келади.

Қуруқ пояли озуқаларни майдалашда сменали тўр тўсиқ олиниб, тешиклари 10 мм бўлган тўр тўсиқ қўйилади.

Қирқиши барабани пичноғи билан қарама-қарши қирқиши пластинкаси оралиғидаги масофа пичноқларни болтлар ёрдамида паз бўйлаб суриб амалга оширилади. Оралиқ масофа қатталиги 0,3-0,6 мм бўлиши керак.

### Тўр тўсиқсиз болғачали дон майдалагич тузилиши ва ишлаш жараёни

Тўр тўсиқсиз болғачали дон майдалагич (100-расм) намлиги 17%гача бўлган донли озуқаларни майдалашга мўлжалланган. У рама (1) дан, майдалаш камераси (3) дан, дон бункери (12) дан, сепаратори (9) билан ажратгич камера-сидан, икки транспортердан (тўкиш (4) ва юкланиш (13)) тузилган.


**Ишлаши.** Дон хирмондан ёки дон омборидан юкловчи шнек (13) билан ёрдамчи шнек (20) ёрдамида қабул қилиш бункери (12) га узатилади, у ердан ёпиқ контур бўйлаб айланувчи ҳаво ёрдамида майдалаш камерасига йўналтирилади. Бункернинг устки ва пастки қисмларида дон микдорини кўрсатувчи датчиклар ўрнатилган, улар юклагич транспортери ишини бошқаради. Дон майдалагич камерасида болғачаларнинг донни уриши ва донларнинг ўзларининг декаларга урилиши натижасида майдаланади. Майдаланган маҳсулот озуқа қувури билан ҳаво оқими ёрдамида сепаратор (8) га узатилади ва у ерда бўлакларга (фракция) бўлинади. Белгиланган майдаланиш даражасига жавоб берадиган тайёр маҳсулот шнек (10) билан майдалагичдан чиқарилади ва тўкиш транспортери (4) билан кейинги ишлов беришларга йўналтирилади. Ажратгич камерасига қўйилган бурилиш тўсиғи билан майдаланиш даражаси ростланади. Бу ерда бўлакчалар янги дон порцияси билан орқага қайтиш қувури ёрдамида юклаш бункеридан майдалаш камерасига қўшимча майдалашга йўналтирилади.

3 - жадвал

3 -жадвалда майдалагичлар техник тавсифлари келтирилган.

**Майдалагичлар техник тавсифлари**

Күрсаткичлари	Болғачали универсал майдалагич	Түр түсиқсиз болғачали дон майдалагич
Иш унумдорлиги, т/соат:		
- донни майдалашда	2	4-6
- кунжарани	3	-
- пичан ёки сомонни	0,8	-
- маккажүхори сүталарапини	3	-
- силос ёки күк ўтларни	5	-
Электродвигател қуввати, кВт	30	32
Ротор айланишлар сони, мин <sup>-1</sup>	2700	2940
Массаси, кг	1300	900



- ←— 0 - дон
- ←—● - йирик бўлакчалар
- ←— - майда заррачалар
- ←--- - ҳаво

**100-расм.** Түр түсиқсиз болғачали дон майдалагич схемаси:

1-рама; 2-корпус; 3-майдалаш камераси; 4-тўкувчи шнек; 5-шнек электродвигатели; 6-шнек корпуси; 7-озуқа қувури; 8-тирқиши тўсиғи; 9-сепаратор; 10-ажратиш камераси; 11-ажратгич камераси; 12-дон бункери; 13-юклаш шнеги; 14-датчиклар; 15-бункер тирқиши тўсиғи; 16-магнит сепаратори; 17-майдалагич барабани; 18-майдалагич камераси қопқоғи; 19-

декалар; 20-ёрдамчи шнек.

**Майдаланиш жараёнини тажриба-аналитик йўл билан текшириш**

Майдалаш – бу қаттиқ жисмни уларнинг молекуляр ёпишқоқлик кучидан катта ташқи кучни қўллаш натижасида бўлакчаларга бўлиш жараёнидир. Майдалашни янги юзалар ҳосил қилиш жараёни деб қаралади. Бир вазнга ( $\text{м}^2/\text{кг}$ ) ёки ҳажмга ( $\text{м}^2/\text{м}^3$ ) бириктирилган бўлакчаларнинг умумий юзаси нисбий юза деб юритилади. У озуқаларнинг интенсив меъёрланиши, аралashiши, ёрилиши ва бошқ. ёрдам беради. Майдалаш жараёнини энергетик баҳолаш учун маҳсулотнинг майдаланиш даражасини билиш керак. Майдаланиш даражаси деб майдаланадиган маҳсулот ўртacha ўлчамининг майдалангандан маҳсулот бўлакчалари ўртacha ўлчамига нисбатига тушинилади, яъни

$$\lambda = \frac{D_{урт}}{d_{урт}},$$

бу ерда:

$D_{урт}$  – майдаланиладиган маҳсулот бўлакчалари ўртacha ўлчамлари, м;

$d_{урт}$  – майдалангандан маҳсулот бўлакчалари ўртacha ўлчамлари, м.

Майдаланиш даражасини яна қуидагича, яъни, майдалангандан маҳсулот бўлакчалари нисбий юзасини  $S_c$  майдаланиши керак бўлган маҳсулот нисбий юзаси  $S_0$  нисбати билан ифодаласа бўлади:

$$\lambda = \frac{S_c}{S_\delta}$$

**Майдалангандан маҳсулот сифати ва машиналар тавсифини аниқлаш**

Майдалангандан маҳсулот сифати (майдалиги) элакли синфлагичда (класси-фиқатор) бажарилган элакли анализ натижалари бўйича баҳоланади. Бунинг учун элакларни тешиклари каттадан бошлаб майдароқ ўлчамларга юқоридан пастга қараб пакет қилиб қўйиш керак. Майдалангандан маҳсулотдан намуна (100 г) олиб, уни синфлагич юқори элагига солинади ва қопқоғини ёпиб 5 минут давомида эланади. Майдалангандан дон бўлакчалари сўнгги элакдан ўтиб синф-лагич тагига йигилади. Элашни тугатгандан сўнг ҳар бир элакда йигилган қолдиқларни тўғрилиги 0,01 г бўлган техник тарозиларда тортилади ва натижалари жадвалга туширилади.

4-жадвал

**Элакли анализ натижалари**

Кўрсатгичлар	Элаклар тешиклари диаметри, мм					Хаммаси
	$d_1=4.0$	$d_2=3.0$	$d_3=2.0$	$D_4=1.0$	Таги	
Элакдаги қолганлар массаси $P_i$ , г	$P_4=$	$P_3=$	$P_2=$	$P_1=$	$P_0=$	100
Икки ёнма-ён қуйилган элаклар ўртача диаметри, $d_i$ , мм						
Майдаланиш модули $M$ , мм						

Майдаланган бўлакчаларнинг ўлчамларини кўрсатувчи майдаланиш модули  $M$  қўйидаги формула билан аниқланилади:

$$M = \frac{0,5P_0 + 1,5P_1 + 2,5P_2 + 3,5P_3 + 4,5P_4}{100}$$

бу ерда  $P_0$ —синфлагич тагликида қолган қолдик;

$P_1$ ,  $P_2$ ,  $P_3$ ,  $P_4$ —тешик диаметрлари 1,2,3 ва 4 мм бўлган элаклардаги қолдиқлар.

Талабалар майдаланиш модули ( $M$ ) га асосан майдаланган материалнинг (кичик, ўртача, йирик) майдаланиш даражасини аниқлаши керак.

Доннинг майдаланиш даражасини аниқлаш:

$$\lambda = \frac{D_{урт}}{d_{урт}} = \frac{D_{эк}}{M},$$

бу ерда  $D_{эк}$ —дон эквивалент диаметри – бу шар диаметри бўлиб, унинг ҳажми доннинг ҳақиқий ҳажмига тенг.

Буғдой дони эквивалент диаметрини ҳисоблаш учун  $D_{эк}=4,2\text{мм}$  қабул қилиш мумкин.

1 кг озуқани майдалаш учун иш сарфи қўйидаги формула билан аниқланади:

$$A_{май} = C_1 \lg \lambda^3 + C_2 (\lambda - 1), \text{ дж/кг},$$

бу ерда  $C_1=(10\dots13)*10^3$  дж/кг ва  $C_2=(10\dots13)*10^3$  дж/кг – коэффициентлар, арпа дони учун тажрибалар натижасида олинган.

Дон майдалагич иш унумдорлиги қўйидаги формула билан аниқланади:

$$Q = 1,2 \cdot 10^{-5} \frac{z \cdot n_p \cdot \rho (h + D_\delta) \cdot \varphi}{\ell g \lambda^3}, \text{ кг/соат,}$$

бу ерда:

$z=90$  дона – болғачали универсал майдалагич роторидаги болғачалар сони;

$n_p=2725$  мин<sup>-1</sup> – ротор валининг айланишлари сони;

$\rho=1,3 \cdot 10^3$  – майдаланган материал зичлиги, кг/м<sup>2</sup>;

$H=2.0$  – болғача қалинлиги, мм;

$D_\delta=D_{\text{эк}}$  – материал бошлангич диаметри, мм;

$\varphi=0,8$  – болғача ва майдаланилаётган материал (дон) орасидаги муносабатни ҳисобга олиш коэффициенти.

Дон майдалагични ҳаракатта келтириш учун керак бўладиган қувват:

$$N = \frac{A_{\text{май}} \cdot Q}{3600 \cdot 10^2 \cdot \eta_{\text{дв}} \cdot \eta_{\text{тр}}}, \text{ кВт,}$$

бу ерда  $\eta_{\text{дв}} = 0,87$  –двигател Ф.И.К.;

$\eta_{\text{тр}} = 0,95$  – трансмиссия Ф.И.К.


### **Ўрганганлар асосида бажариш керак**

1. Болғачали универсал ва тўр тўсиқсиз болғачали дон майдалагич машиналарининг вазифаси, тузилиши, ишлиши ва асосий ростлашларини ўрганинг.

2. Болғачали майдалагичлардан бирининг технологик схемасини чизиб олинг.

3. Майдаланиш жараёнини тажриба-аналитик йўли билан текширинг, майдаланган маҳсулот сифатини аниқланг.

4. Болғачали дон майдалагичлар афзаллик ва камчиликларини асослаб аниқлаб ва “Т” схемасини ишлаб чиқинг?



### **Назорат саволлари:**

1. Болғачали универсал майдалагич ва тўр тўсиқсиз болғачали дон майдалагичларида қандай озуқалар майдаланилади?

2. Ўрганилаётган машиналарда қайси технологик схемаларда майдалаш амалга оширилади?

3. Майдаланган маҳсулот сифати ва болғачали дон майдалагич асосий тавсифлари қандай аниқланади?

**7–амалий машғулот: Пояли ва илдиз мевали озуқаларни майдалаш машиналарини ўрганиш ва ишлатишга тайёрлаш**

**Ишнинг мақсади:** Озуқаларни майдалаш машинасининг тузилиши ва ишлатиш жараёнларини ва қирқиши жараёнига талаб этиладиган қувватни аниқлашни ўрганиш.

**Ишнинг мазмуни:**

1. Озуқа майдалагич тузилиши, ишлатиш жараёни ва асосий ростлашларини ўрганиш.
2. Пояли озуқаларни қирқиши жараёнига энергия талабини анализ қилиш.


**I. Озуқа майдалагич вазифаси, тузилиши, ишлатиш жараёни ва асосий ростлашлари**

Озуқа майдалагич (101-расм) ҳамма тўрдаги серсув-ширали ва дағал озуқаларни майдалашга мўлжалланган. У горизонтал (1) ва қия (2) транспортёрлардан, биринчи поғона майдалаш пичоқли барабани (4) дан, қарама-қарши қирқиши пластинкаси (3) дан, чархлаш қурилмаси (6) дан, шнек (7) дан, иккинчи поғона аппарати (9) дан ва электр юритмалардан тузилган.

Майдалашга мўлжалланган озуқа горизонтал транспортёр (1) билан узатилади, қия транспортер (2) билан зичланади, пичоқ (5) лар билан майдаланилади ва шнек (7) га тушади, иккинчи поғона майдалашга узатилади, у ерда қўзғалувчан (9) ва қўзғалмас (8) пичоқлар билан қўшимча майдаланилади, сўнг тўкиш дарчаси орқали ташқарига чиқарилади.

Озуқаларни майдалаш даражаси майдалаш аппарати пичоқлари сонини ўзгартириш билан ростланади.

Қорамоллар учун озуқаларни майдалашда иккинчи поғона майдалагич қўзғалувчан ва қўзғалмас пичоқлари ечиб олинади (баъзи пайтда ҳаммасини эмас, битта-биттадан кейин).



**101-расм.** Озуқа майдалагич схемаси:

1-горизонтал транспортёр; 2-қия транспортёр; 3-қарама-қарши қирқиши пластинкаси; 4-пичоқли барабан; 5-пичоқлар; 6-чархлаш қурилмаси; 7-шнек; 8-күзғалмас пичоқлар; 9-күзғалувчан пичоқлар; 10-втулка; 11-қирқилувчан штифт; 12-шнек вали фланеци; 13-күзғалмас пичоқлар таянчи; 14-ёстиқча; 15-ҳалқа.

Биринчи поғона майдалаш пичоқли барабанинг олтита пичоғи бўлиб, улар машинанинг ўзида ечилмасдан чархланади. Бунинг учун барабан салт айланишда чарх тошини штурвал ёрдамида барабанга яқинлаштириб ва у ёқ бу ёққа ҳаракатлантириб, чархлаш бажарилади. Ундан сўнг чарх тоши юқори ҳолатга келтирилади ва маҳкамланади. Иккинчи поғона майдалагич пичоқларини чархлаш қурилмаси думалоқ чарх тоши кўринишида бўлиб, пичоқли барабан шнегидан фрикцион диск орқали масофа ( $0,5 - 1$  мм) барабан подшипниклари билан бирга маҳсус ростлаш болтлари ёрдамида ростланади.

Иккинчи поғона кўзғалувчан ва кўзғалмас пичоқлари олмослари орасидаги масофа  $0,05 - 0,7$  мм ҳалқалар (15) ва ёстиқча (14) қалинликлари ҳисобига ёки таянч (13) ни кўзғалмас пичоқлар билан бирга ҳаракатлантириш йўли билан таъминланади.

Майдалаш машинаси бузилишининг олдини олиш мақсадида, унга сақланиш қурилмаси қўйилган. Мисол учун, горизонтал ва қия транспортёр юритмаси фрикцион муфтаси билан тарқатиш қутисидан занжирли узатма орқали амалга оширилади, у транспортёрга куч тушганда шатаксирайди. Куч шнек ва пичоқли барабанга қирқилувчан штифт орқали узатилади.

Иккинчи поғона майдалагич кўзғалувчан пичоқлари юритмаси ҳам қирқилувчи штифт орқали бажарилади. Кўзғалувчан ва кўзғалмас пичоқлар

орасига қаттық жисмлар түшсә штифт қирқилади, қўзғалмас пичоқ втулкаси билан тўхтайди, шнек вали эса хомут билан бирга ҳаракатланишини давом эттираверади. Шу вақтда пружина охиридаги ўчиргичнинг тугмачасини босади, натижада ҳаракатга келтирувчи двигателъ тўхтатилади.

Ҳар кунги техник хизмат кўрсатиш қуйидаги операцияларни ўз ичига олади: машинани ишга туширишдан олдин текширишда уни электр жиҳозлари умумий тармоғидан ўчиради, сўнг пичоқлар (қўзғалмас ва қўзғалувчан) орасидаги масофа, тасмалар ва транспортёрлар таранглиги, барабан пичоқлари маҳкамлиги, вал подшипниклари корпуслари, редуктор ва электродвигател, электродвигател симлари маҳкамлиги ва машина корпуси ерга уланганлиги текширилади. Иккинчи поғона қирқиш аппарати вали қўл билан айлантирилиб кўрилади ва унинг енгил айланишига ишонч ҳосил қилинади. Уланиш жойи ғилофи ва қопқоқлари ёпилади; транспортерда бегона жисмларнинг йўқлиги текширилади; умумий қўшгич ишга туширилади ва транспортер тутқичи назорат остида майдалагич ишчи қисмлари айлантирилиб кўрилади.

Иш якунланиши билан машинани озуқа қолдиқларидан тозалаш учун 2-3 минут мобайнида салт ишлаши керак; сўнг электродвигател ўчирилади, умумий қўшгич тармоқдан ўчирилади ва машина тўхташи билан узатувчи транспортер ёнларидаги ғилоф ва люк қопқоқлари очилиб, ишчи қисмлар ва транспортер тагликлари озуқа қолдиқларидан тозаланади. Даврий техник хизмат кўрсатишда, у 75-90 соат ишлагандан сўнг ҳар кунги техник хизмат кўрсатиш операциялари бажарилади; ундан ташқари қирқиш элементлари олмослари ўткирлиги текширилади, керак бўлса чархланади. Катта ейилиш ёки ёрилиш бўлса маълум элементларни ёки пичоқни тўлиқ алмаштиради, биринчи ва иккинчи поғона қирқиш элементлари оралиғидаги масофалар ростланади, машинани мойлаш мойлаш жадвали ва харитага мувофик мойланади.

Қирқиш барабани пичоқлари 200-250 т озуқага ишлов бергандан сўнг чархланилади. 500 т озуқага ишлов берилгандан сўнг қарама-қарши қирқиш пластинкаси ағдарилиб қўйилади. 1000 т озуқага ишлов берилгандан сўнг қарама-қарши қирқиш пластинкаси икки томони ҳам чархланади. Майдалаш барабани пичоқлари 100-150 т озуқага ишлов бергандан сўнг чархланади.

Майдалагичда ишлашга машинанинг тузилиши ва фойдаланиш қоидаларини ўрганган ва техника хавфсизлигидан йўриклар олган шахслар қўйилади. Машина ишлаш вақтида мутлақо техник хизмат кўрсатиш операцияларини бажариш, қўл ёки шохалар билан транспортер оралиғидаги озукани бўғизига қараб суриш, носозлиги бўлганда, ғилоф ва қопқоқлар

очиқ ҳолатда ва транспортерда, ҳамда қирқиши майдалаш барабанлари қопқоқларида бегона жисмлар бўлганда машинани ишга қўшиш маън этилади.

Пичоқларни кўзойнак билан чархлаш керак. Пичоқларни ечиш ва қўйишида, яна қирқиши қисмларини озуқа қолдиқларидан тозалашда ва электр жихозларини таъмирлашда автоматик ўчиргич, умумий қушгич ўчирилиши, сақлагичлари чиқарилиши ва «Ишга қўшманг – одамлар ишляяпти» деган плакат осиб қўйилиши керак. Электродвигател ва электр таъмирлаш аппаратлари ерга ишончли уланган бўлиши керак.

### Озуқа майдалаш машинасининг техник тавсифи:

Иш унумдорлиги, т/соат:

сомон ва пичанни майдалашда	- 0,8 – 1,0
илдиз мевани	- 8 – 10
кўқ массани	- 5 гача
Электродвигател қуввати, кВт	- 22
Ўлчамлари, мм	- 2400 x 1330 x 1330
Массаси, кг	- 1175

### 2. Қирқиши иш жараёнига талаб этиладиган қувват ҳисоби

Қирқишига сарфланадиган қувват куийдаги формула билан аниқланади:

$$N_{кир} \kappa q \cdot L \cdot \kappa \cdot r \cdot V_{айл} \cdot \cos \tau (1 + f \cdot \tan \tau) \cdot 10^3, \text{ кВт},$$

бунда  $q$  - қирқишидаги нисбий босим, Н/м;

$L$  – пичоқ узунлиги, м;


$\kappa$  – пичоқ узунлигидан фойдаланиш коэффициенти,  $\kappa=0,8$ ;

$r$  - қирқиши аппарати барабани радиуси, м;

$V_{айл}$  – айланма тезлик, м/с;

$\tau$  - сирпаниш бурчаги, град;

$f$  – сирпаниб қирқиши коэффициенти.



**102-расм.** Ҳар хил тўрдаги озуқалар учун пичоқнинг айланма тезлигига ( $V_{айл}$ ) нисбатан қирқиши нисбий қаршилигининг ( $q$ ) ўзгариш графиги:  
1-дағал пояли; 2-ўтлар; 3-илдизмевалар.

Ҳар хил тўрдаги озуқаларни қирқишида керак бўладиган қувватни  $V_{айл}$  нинг қўйидаги: 3, 6, 9, 12, 15, 18 ва 21 м/с қийматларида ва доимий  $L=0,37\text{м}$ ,  $r=0,22\text{м}$ ,  $f=0,6$ ,  $\tau=30^0$  қийматларида аниқланг.

Ҳисоблашни бажаришда пичоқнинг айланма тезлигига ( $V_{айл}$ ) нисбатан қирқиши нисбий қаршилигининг ( $q$ ) ўзгариш графигидан(9-расм) фойдаланиш керак.

#### **Ўрганганлар асосида бажариш керак**

1. Ўрганилаётган машина тузилиши ва технологик жараёнини ёзинг, майдалагичнинг технологик схемасини чизиб олинг.
2. Машина ишчи қисмлари ростлашлари қандай ва нима учун бажарилишини ўрганинг?
3. Майдалагичнинг ҳар кунлик ва даврий техник хизмат кўрсатиш операцияларини кўрсатиб ўтинг.
4. Ўрганилаётган машина ростлашлари ва техник тавсифини ёзиб олинг. Ҳисоблаш маълумотларига асосан айланма тезликга нисбатан қирқиши қувватининг ўзгариши, яъни  $N_{раз} = f(V_{айл})$  графигини қуинг.

#### **Назорат саволлари:**

1. Озуқа майдалаш машинасининг иккинчи погона қирқиши аппарати қандай тузилган ва қандай ишлайди?
2. Озуқа майдалагич машинасида ҳар хил тўрдаги чорва моллари учун озуқаларни майдалашда қандай ростлашлар бажарилади

**8-амалий машғулот: Чорвачилик хонаси ичидә жойлашган қурилма ва жихозларни ўрганиш.**


**Ишнинг мақсади:** Қорамолларни сақлаш бинолари режалари, сақлаш технологияси ва қўлланиладиган қурилмаларни ўрганиш.

**Ишнинг вазифалари:** Сигирларни боғлаб сақлаш технологияси ва ундаги қурилмаларни ўрганиш.

Сигирларни боғламасдан сақлаш технологияси ва ундаги қурилмаларни ўрганиш.

**1. Сигирларни боғлаб сақлаш технологияси ва қурилмалар**


Сигирларни боғлаб сақлаш учун ишлатиладиган бинолар асосан ғиштли ёки темир бетон конструкцияли бўлиб озиқлантириш, суфориш, микроиқлим билан таъминлаш, чиқиндиларни чиқариш, сут соғиши механизациялаштириш тизимларига ега бўлади. Сигирларни боғлаб боқиш усули бўйича сақлашда ўрнатилган охур, боғлаш мосламаси, гўнг ариқчалари ўрнатилиш усуллари 103-расмда келтирилган.



**103-расм.** 200 бош сигирни боғлаб боқиш усулига мўлжалланган сигирхона режаси: 1-боқиш хонаси; 2-озуқа қабул қилиш ва юклаш жойи; 3-гўнгни ташқарига чиқариш танбури; 5-ювиш жойи; 6-сутхона; 7-лаборатория; 8-вакуум-насос хонаси; 9-совуқлик тайёrlаш қурилмасининг хонаси; 10-ишчилар учун хона; 11-гардероб; 12-санитария хонаси; 13-душ хонаси; 14-манеж; 15-манежнинг ювиш хонаси; 16-сунъий қочириш лабораторияси; 17-шамоллатгич камераси; 18-ювиш жиозлари хонаси; 19-дахлиз; 20-кириш.

Сигирларни боғлаш жойи икки хил ўлчамда бўлади: калта (104, а-расм) ва узун (104,б-расм). Гўнглар қирғишли транспортёрлар билан йиғиширишга мўлжалланган сигирхоналарда сигирларни боғлаб боқиш жойларининг калта-сидан фойдаланилади. Бука, зотли сигирлар ва тўғриқхона бўлимидаги сигирлар учун боғлаб боқиш жойи узунидан

қўлланилади.



**104-расм.** Сигирларни боғлаб боқиш жойи: а)–калта; б)–узун.

Боғлаб боқиш жойи узунлиги сигир гавдасининг қия узунлиги асосида куйидаги формула билан аниқланилади:


$$L_{\text{ж}} = a + 0,8 l_c$$

бу ерда:  $a$ —охур олдинги борти ва турган молнинг олдинги оёғигача бўлган масофа (одатта  $a = 0,2 - 0,25 \text{ м}$ );

$l_c$ —сигир гавдасининг қия узунлиги, м.

Қорамолчилик фермаларида сигирларни боғлаш учун ОСК-25А (105,а-расм) ва УГОС-100 русумли жиозлар (105,б-расм) сигирларни гурули ва индивидуал боғлашда қўлланилади. Бу жиозларни қўллаш соғин сигирларни боғлаб саклашда анча қўлайликлар яратади ва сигирларга хизмат кўрсатиш ишларини енгиллаштиради.

Сигирлар боғлаб саклаш усулида сакланганда улар охур, боғлаш мосламалари ва индивидуал автосуғоргичлари билан жиозланади. Сут соғиши сигирхонага турғун ўрнатилади. Сут соғиши чекларни жиозланган АД-100А, ДАС-2Б қурилмалари ёрдамида амалга оширилади. Бинонани чиқиндилардан тозалаш ЦН-3Б ёки ЦН-160 русумидаги гўнг йиғиштириш транспортёрлари ёрдамида йиғиштирилади. Озуқа тарқатиш КТУ-10 русумидаги кўчма ёки ТВК-80Б русумидаги турғун озуқа тарқатгичлари ёрдамида бажарилади.




**105-расм.** Сигирларни боғлаб боқиши қурилмалари:

а—ОСК-25А гурули қаттиқ рамали (хомутли) боғлагич; 1—сув билан таъминлаш тизими билан автосуғоргич; 2—каркас; 3—гурули боғлашнинг механизми; 4—бўйин рамаси; 5—аво ва сут ўтказгичларни макамлагич; 6—боғлагич юритмаси; 7—чегаралаш занжири; б—УГОС-100 гурули занжирли ярим егилувчан боғлагич: 1—боғлаш қурилмаси рамаси; 2—икки бошга чегараловчи; 3—кронштейн; 4—ростлаш планкаси; 5—боғлаш қурилмаси рамасини ажратгич; 6—сигирлар орасини чегалагич.

## 2. Сигирларни боғламасдан сақлаш технологияси ва қурилмалар

Сигирларни боғламасдан сақлаш усулида сигирлар, ёш моллар, бузоклар гурули олда боксли, комбибоксли секцияларда сақланади. ар бир секцияда гурудаги айвонлар 25...48 бошни ташкил этиши мумкин.



**106-расм.** Сигирларни (200 бош) боғламасдан сақлашга мўлжалланган молхонанинг режаси ва қирқими:


1-комбибоксли секция; 2-озуқа тарқатиш йўлаги; 4- чиқинди чиқариш йўлаги

Бокслар бир-биридан тўсиқлар (106-расм) орқали ажратилади. Боксларнинг олдинги томони тўсиқлар билан беркитилади. айвонлар боксга

фақат бош томони билан кириб дам олади ва орқа томони билан аракатланиб чиқиб кетади.


Боксларнинг поли йўлаклардан 100..150 мм баланд қилиб резинали таглик билан қопланади. Асосий дам олиш боксларидан ташқари озиқланиш бокслари ёки комбибокслари ўрнатилади. Бу боксларнинг ар бири бир бош айвон учун мўлжалланган бўлиб сигир ўзига тегишли озиқланиш фронти бўйича озиқланади.

Суғориш ар иккала сақлаш усулида ам индивидуал атосуғоргичлардан ёки гурули автосуғоргичлардан таъминланиши мумкин. Фермаларда қорамоллар учун ПА-1 (6-расм), АП-1 автосуғоргичлари (7-расм) ишлатилади.



**106-расм.** ПА-1 косали автосуғоргич:

1-коса; 2-педал; 3-қистирма; 4-пружина; 5-корпус; 6-клапан; 7-клапан корпуси



**107-расм.** АП-1 косали автосуғоргич:

1-педал; 2-амортизатор; 3-клапан; 4-клапан таги; 5-сув ичиш косаси  
**Ўргангандар асосида бажариш керак**

1. Чорва молларини боғлаб ва боғламасдан боқиши технологиси, молхоналар плани.
2. Сигирларни боғлаб боқиши қурилмалари.
3. АП-1 ва ПА-1 автосуғоргичлари.
4. Бажарилган ишлар бўйича талабанинг хулосаси.

### Назорат саволлари:

1. Молхоналарда сигирларни сақлаш қандай усуллари мавжуд?
2. Сигирларни боғлаб сақлаш усулида қандай қурилмалар ишлатилади?
3. Сигирларни боғламасдан сақлаш усулида қандай қурилмалар ишлатилади?
4. Чорва молларини боғлаб ва боғламасдан сақлаш усулларида молхоналар режалари нима билан фарқланади?
5. ОСК-25А қурилмаси УГОС-100 қурилмасидан нима билан фарқланади?
6. Нима учун боқиши жойлари калта ва узун қилиб танланилади?
7. АП-1 ва ПА-1 автосуғоргичлари фарқлари нималардан иборат?

### **9-амалий машғулот: “Де Лавал” фирмаси соғиши агрегати ва КР-7518 соғиши аппаратини ўрганиш**

**Ишнинг мақсади:** Соғиши жихозларининг ҳавосизлик ҳосил қилиш қурилмаси ва КР-7518 соғиши аппаратининг тузилиши ва ишлаши.

**Ишнинг мазмуни:** Соғиши жихозларининг ҳаво сўриб олиш ва КР-7518 соғиши аппаратини тузлиши ва ишлашини ўрганиш. Вакуум-насос назарий иш унумдорлиги ва унинг юритмаси учун керакли қувватни аниқлаш.

### **Вакуум қурилмалари тузилиши ва ишлаши**


Соғиши аппаратлари ишлаши соғиши стаканлари камераларида вакуум ҳосил қилиш ҳисобига амалга оширилади. Жараёнда электрдвигателдан ҳаракатланадиган вакуум-насос ёрдамида сўриб олинадиган ҳавонинг маълум бир миқдори сарфланади. Соғиши агрегатларида кўпроқ УВУ-45 ва УВУ -60 (УВУ-60/45) русумли ротацион вакуум-насослари, хамда марказлаштирилган ЦВУ типидаги вакуум қурилмалари кенг тарқалган.

УВУ-60/45 унифицирлашган вакуум қурилмаси (108-расм) умумий рамага монтаж қилинган вакуум-насосдан ва электрдвигателдан тузилган. Иш унумига ( $45\text{m}^3/\text{соат}$  ёки  $60\text{m}^3/\text{соат}$ ) нисбатан қурилма 1420айл/мин номинал частотада айланishiда мос равишда қуввати 3 кВт ёки бўлган электрдвигател билан жамланади. Насос юритмаси понасимон тасмали узатма билан амалга оширишлади.

**Ишлаши.** Насос цилиндр корпуси (1) ичидаги корпусга нисбатан эксцентрик жойлашган ротор (2) айланади. Ротор тўрта пазга эга бўлиб, уларда текстолит кўраклар (3) эркин кўчади. Ротор айланганда кўраклар

берк бүшлиқ ҳосил қилиб, унинг хажми аввалига кегайиб ҳавосизлик ҳосил қиласади, сўнг кичик-лашади. Шу пайтда ҳаво қисилади ва чиқариш тегишли (9) ва сўндиригич орқали сиқиб чиқарилади.

Насосни суюқлик тушишидан сақлаш ҳамда вакуум магистралидаги ҳавосизликни текислаш ва назорат қилиш учун магистрал (7) ва насос оралигига соғиш аппарати билан жамламда қўйиладиган вакуум баллон (6) ва вакуум ростлагич (4) монтаж қилинган.



**108-расм.** Вакуум қурилмасининг ишлаш технологик схемаси:

1-корпус; 2-ротор; 3-күрак; 4-вакуум ростлагич; 5-вакуумметр; 6-вакуум баллон; 7-вакуум қувури; 8-сақлагич; 9-чиқариш қувурчаси.

УВУ-60 /45 асосий кўрсатгичлари.


5 - жадвал

Кўрсатгичлари	Иш унуми	
	60м <sup>3</sup> /соат (1,0м <sup>3</sup> /мин)	45м <sup>3</sup> /соат (0,75м <sup>3</sup> /мин)
Номинал иш унуми (48 кПа босимда сўриш тактида) м <sup>3</sup> /мин	1,0	0,75
Электродвигател номинал қуввати, кВт	4,0	3,0
Насос ротори айланиш частотаси, с <sup>-1</sup>	23,8	20,3
Габарит ўлчамлари (сақлагич ва глушителсиз),мм		

- узунлиги	690	690
- көнглиги	460	460
- баландлиги	510	510
Массаси, кг	110	100
Хизмат қилиш муддати, йил	7	7

1.2 Марказлаштирилган вакуум қурилмалари сут етиштириш фермалари ва комплексларида қўлланилади. Унинг таркибида сув ҳалқали насос, стабилизатор ва вакуумметр ўрнатилган ресивер киради. Сув ҳалқали насос ресивер задвижка ва қайтариш клапани орқали қотирилган.

Сув ҳалқали насоси (109-расм) электродвигателдан, вакуум-насос (4)дан ва сув йиггич (7) дан тузилган. Сув йиггич (7)чиқариш қувурчаси (1)орқали вакуум-насос билан, сув қувури орқали вакуум -ўтказгич билан уланган.



**109-расм.** Сув ҳалқали вакуум-насосининг ишлаш технологик схемаси:  
1-чиқариш қувурчаси; 2-вакуум ўтказгич; 3-ротор; 4-насос корпуси; 5-сув ҳалқаси; 6-ўзгарувчан ҳажми камераси; 7-насосни сув билан таъминлаш сифими.

Насос корпуси ичida валга ячейкали ротор экスマрказли уланган. Корпус ва ротор оралиғи сув билан тўлдирилган. Ротор айланганда сув корпус деворларига улоқтирилади. Шу пайт ҳосил бўлган ячейкалар (6) вакуум ўтказгич (2) сўриш дарчасига яқинлашганда ўз ҳажмида катталашади ва натижада қўшимча ҳавосизлик ҳосил қилиб системадан ҳавони сўради. Чиқариш тешигига ячейканинг яқинлашиш моментида унинг ҳажми кичиклашади, натижада ҳаво қисилади ва уни қувурча (1)дан

чиқаради.


6-жадвал

**ЦВУ (марказлаштирилган вакуум қурилмалар) типидаги қурилмалар техник тавсифлари**

	ЦВУ-3	ЦВУ-6	ЦВУ-12
Иш унуми, м <sup>3</sup> /соат	180	360	720
Хизмат күрсатиши сигирлари сони	400	800	1600
Электродвигател қуввати, кВт	7,5	17	22
Сув сарфи, м <sup>3</sup> /соат	0,7	1,0	107
Сув йиғгіч сигими, л	100	100	100
кувурчалар ички диаметри, мм	65	100	125
Насоснинг электродвигател билан габрит ўлчамлари, мм			
Узунлиги	1285	1490	1865
Кенглиги	520	520	700
Баландлиги	478	605	735

Марказлаштирилган вакуум қурилмалар кўп сонли ратацион насосларни алмаштириш мүмкінлигига эга. Улардан фойдаланиш техник хизмат күрсагичларга меҳнат сарфини камайтириш ва соғиши машинаси оператори ишлаш шароитини яхшилашга имкон беради.

Ферма ёки комплексдаги ҳамма соғиши қурилмалари марказий вакуум-үтказгич орқали ресивер билан уланади. Ресивердаги керакли вакуум катталиги ростловчи клапан ва бошқариш механизмидан турадиган стабилизатор ёрдамида ушлаб турилади.



**110-расм. Соғиши аппарати**

## 2. Вакуум-насоси узатишини юритмаси учун керакли қувватни назарий ҳисоблаш

Ёйилган вакуум-насосда унинг асосий геометрик ўлчамларини ўлчанг ва 7-жадвалга тушириング.

УВУ-60/45 вакуум-насоси геометрик ўлчамлари

7-жадвал

Диаметри, м		Ротор узунлиги Л, м	Экスマркази, м	Ротор айланишлар сони н, с <sup>-1</sup>
Цилиндрники, Д	Роторники, д			

Насос экスマркази қуйидаги формула билан аникланади:

$$e = \frac{D - d}{2}, \text{м.}$$

вакуум-насоснинг узатиши унинг ҳосил қилаётган ҳавосизлигига боғлиқ. Катта вакуумда насос узатиши нолга яқинлашади ва агар насос вакуум ҳосил қилмасдан фақат ҳавони сўриб узатади унда тескариси, яъни унда узатиш максимум мумкин бўлган узатишга teng.

Ротацион вакуум-насоснинг назарий узатиши қуйидаги формула билан аникланади:

$$K = 2 \cdot 10^4 \cdot e \cdot D \cdot L \cdot n \cdot \eta_m, \text{ м}^3/\text{соат},$$

бу ерда  $\eta_m$  - системадаги ҳавосизликнинг катталигига нисбатан насос узатишининг ўзгаришини ҳисобга олиш монометрик коэффициенти.

У қуйидаги формула билан аникланади:

$$\eta_m = \frac{P_a - h}{P_d},$$

бу ерда  $P_a$  - атмосфера босими, кПа;  $P_a = 101$  кПа.

$K_t$  ни аниклаш формуласидан фойдаланиб унинг икки кўрсатгичи бўйича (мисол учун =40 ва 80 кПа)  $K_t$  катталиги олинади. Боғлиқлик чизиқли тавсифга эга эканлигини ҳисобга олиб олинган икки кўрсатгичлар бўйича  $K_t = f()$  графигини қуриб ҳисботга келтиринг.

Вакуум насос юритмаси учун керакли электрдвигател қуввати қуйидаги

формула билан ҳисобланади:

$$N = \frac{2\pi * n M_{\max}}{\eta}, \text{кВт},$$

бу ерда:

$M_{\max}$  - сўриш қаршилиги шартлашилган максимал айланма момент, Нм;

$\eta$  - вакуум қурилма Ф.И.К. ( $\eta=0,75-0,85$ )

Максимал айланма момент қуйидаги формула билан аниқланиши мумкин:

$$M_{\max} = *e * D * L, \text{Н}_m,$$

бу ерда:

$D$  -системадаги ҳисобланган ҳавосизлик, уни 54 кПа га teng қилиб қабул қилиш мумкин.

### **KР-7518 индивидуал согии қурилмасининг вазифаси, тузилиши ва ишлаши жараёни**

Соғиши қурилмасининг вазифаси. Индивидуал соғиши қурилмаси сигирларни қуйидаги шароитларда соғиши учун мўлжалланган:

- Электр тизимидағи кучланиш -5% дан юқори бўлмаслиги керак
- Атроф муҳит арорати  $5^0$  дан паст бўлмаслиги керак.

#### **Соғиши қурилмасининг тузилиши**

Соғиши қурилмаси (111-расм) бир жойдан иккинчи жойга кўчириш имкониятига ега бўлган пайвандланиб ишланган, уч ғилдиракли аравачага ўрнатилган. Ғилдиракларнинг биттаси олдида, иккитаси орқада жойлашган. Аравача устида ўрнатилган 0,37 кВт қувватли электродвигател (1), тасмали узатма (2), редуктор (3), кривошип-шатунли механизми (4), цилиндр (5), поршен (6), сут (7) ва аво (8) қувурлари, вакуум-созлагич (9), сут флягаси (10), коллектор (11), қисиши стаканини фиксация қилиш пружинаси (14) ва иш клапани пружинаси (15) лардан тузилган.

#### **Согии қурилмасининг ишлаши**


Ҳаракат 0,37 кВт қувватли электродвигателдан тасмали узатма (2) орқали редуктор (3) га узатилади, редуктор (3) дан кривошип-шатун механизми (4) орқали цилиндр (5) поршенига узатилади. Цилиндр (5) ва поршен (6) соғиши жараёни учун вакуум осил қиласи. Вакуум ростлагичдан қувурлар орқали соғиши аппаратига тарқалади. Соғиши аппарати икки тактли режим (сўриш ва қисиши) да ишлайди. Цилиндр (5) ичидаги поршен (6) пастга қараб аракатланганда вакуум созлагичдаги биринчи шарик (1ш) ариқчадан пастга тушади ва аво кириш тешигини беркитади. Шу пайт коллектор 2-

камерасидан ва соғиши стакани 1-камерасидан ҳаво сўрилади. Иккинчи шарик (2ш) еса ариқча бўйлаб тепага кўтарилиб соғиши аппаратига ўтадиган ариқчани очади ва сут йиғиш идиши (10) дан, коллектор 1-камерасидан, соғиши стакани 2-камерасидан ҳавони сўради. Натижада соғиши стакани 1-ва 2-камераларида вакуум осил бўлади ва биринчи сўриш такти бажарилади.

Цилиндр (5) да поршен (6) юқорига аракатланганда вакуум-ростлагич (9) нинг 1-шариги юқорига кўтарилиб, ҳаво коллекторининг 2-камерасига ва соғиши стакани (12) нинг 1-камерасига аво узатилади. Шу вақтда вакуум-ростлагичнинг 2-шариги пастга тушиб сут идиши қувурини беркитади. Натижада соғиши стакани 2-камерасида вакуум сақланиб қолади. Соғиши стакани 2-камерасида вакуум сақланиб қолади. Соғиши стакани 1-камерасидаги аво 2-камерада вакуум бўлиб, иккинчи қисиши такти амалга ошади. Поршен (6) пастга қараб аракатланганда жараён тақрорланади, яъни соғиши жараёни бажарилади. Соғиши стакани деворлари орасидаги 1с камерасида босимнинг кўпайиб кетмаслиги учун ортиқча вакуум 1ш клапан орқали чиқариб ташланади. Сут йиғиш идишидаги вакуум микдорини ростлаш 3ш клапанини қисиши кучини ўзгартириш орқали, яъни пружина (15) узунлигини ўзгартириш билан бажарилади. Бунинг учун вакуум-ростлагич (9) корпусдаги стакан (16) ни резба бўйич керакли йўналишга бурайди.

### **Фойдаланиши қоидалари**

Соғишдан олдин сигир елини илиқ сув ( $40-50^{\circ}\text{C}$ ) билан яхшилаб ювиб қуритилади. Елинни ювиш билан соғиши стаканларини кийгизиш оралиғидаги вақт бир минутдан ошмаслиги керак. Соғиши қурилмасини электр тармоғига улаб, электродвигател қопқоғидаги “пуск” кнопкасини босиши керак.



**111-расм.** Индивидуал соғиши қурилмасининг технологик схемаси:  
1-электродвигател; 2-тасмали узатма; 3-редуктор; 4-кривошип-

шатун механизми; 5-цилиндр; 6-поршень; 7-сүт құвюри; 8-аво құвюри; 9-вакуум-ростлагич; 10-сүт үйгіши идиши; 11-коллектор; 12-соғиши стаканини фиксация қилиши пружинаси; 13-вакуумметр; 14-қисиши стаканини фиксация қилиши пружинаси; 15-3ш клапан пұжинаси; 16-вакуум-ростлагич қисиши стакани.

Соғиши жараёни вакуум-ростлагич бүйіча кузатиб туриш керак. Вакуум  $0,4 \text{ кгс}/\text{см}^2$  белгисига етгандан сүнг соғиши стаканлари кийгизиш керак. Бунинг учун аппарат чап құлға олинади ва ар бир соғиши стакани кетма-кет авайлаб сигир елини сүрғичига кийгизилади. Кийгизишдан олдин елинни массаж қилиш керак.

Агар сигир елини сүрғичларидан бири қандайдыр сабаб билан жароҳатланган бўлса, уни стаканга яхшилаб кийгизиш керак. Агар яхшилаб кийгизилмаса соғиши аппарати ишламайди.

Амма стаканлар елин сүрғичларига кийгизилиб бўлингандан сүнг вакуум созлагичдан босимнинг  $0,4 \text{ кгс}/\text{см}^2$  бўлганлиги назорат қилинади ва коллектор ишга туширилади.

Стаканлар сутни сўришни бошлагандан сүнг босимни кузатиб туриш керак.

Сўнг назорат дарчасидан сут қувурларидан сут тушишини назорат қилиш керак. Соғиши жараёни тугагандан сүнг аппаратни электродвигател қопқофидаги “стоп” кнопкасини босиб тўхтатиш керак. Сўнг эҳтиётлик билан стаканларни чиқариб олиш керак.

Соғиби бўлгандан сүнг сигир елини текширилади. Агар сут қолган бўлса, уни кичик идишга соғиби олиш керак. Бу жараён сигир машинада соғишига ўргангунга қадар давом еттирилади.

Сут соғиши жараёни тугагандан сўнг қурилманинг амма қисмларини илиқ сув билан ювиш керак. Резина қисмлари қуригунча пахтадан қилинган мато билан яхшилаб артиш керак.

Сут идишини маҳсус чўтка билан ювиш керак.

### Техник тавсифи

Габарит ўлчамлари, мм

Узунлиги	-1100
Кенглиги	-500
Баландлиги	-1050
Оғирлиги, кг	-90
Қурилманинг иш унуми, сигир/соат	-10
Вакуум ишчи босими, кПа $\text{kgs}/\text{cm}^2$	-40,0-0,6 -40,0-0,6

Электродвигателнинг тури	АИР34Т71В2УХЛ
Электродвигателнинг қуввати, кВт	-0,37
Роторнинг айланиш тезлиги айл/мин	-1420
Насос тури	-поршени
Цилиндрнинг диаметри, мм	-110
Цилиндрнинг узунлиги, мм	-150
Сут идишнинг (ГОСТ5037-38 Е) ҳажми, л	-20

### Хисобот таркиби


1. УВУ-60/45 унифицирлашган вакуум қурилмаси ишлаш технологик схемаси чизиб олинсин ва тузилиши, ишлаши қисқача ёзиб олинсин.
2. Сув ҳалқали насос технологик схемаси чизиб олинсин, қисқача тузилиши ва ишлаши ёритилсин.

### Назорат саволлари:


1. УВУ типидаги вакуум қурилмаси қандай асосий қисмлардан тузилган, ишлаши ва асосий кўрсатгичлари қандай?
2. ЦВУ типидаги вакуум қурилмаси тузилиши, ишлаши ва асосий кўрсатгичлари қандай?
3. Индивидуал соғиши қурилмаси қандай қисмлардан иборат?
4. Вакуум-ростлагич қандай ишлайди?
5. Соғиши тактлари қандай бажарилади?

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**1 - Кейс.** Доминатор-130 ғалла комбайнининг тузилишини ўрганишда дон нобудгарчилигини камайтириш мақсадида технологик жараён тўғри созлашга таъсири қандайлигини муаммоли вазиятдан келиб чиқиб муаммони ечимини топинг.



Соғиш жараёнида 2 ва 3 тактли соғиш аппаратлари камчилик ва афзалликларини “Т” схемасида келтириб чиқаринг



Ғалла комбайнин технологик иш жараёнида донларнинг жароҳат олишини камайтириш мавзуси бўйича жорий назорат ўтказиш учун мўлжалланган кейс-технология

**2 - Кейс.** Озуқаларни майдалагичнинг ишлаш жараёни кўриб чиқилди ва унинг ишлаш жараёнида озуқалар бирламчи майдалаш камерасидан иккиламчи майдалаш камерасига ўтишда хатолик келиб чиқди. Яъни майдалаш жараёнида майдалаш камераларидан майдаланиб келаётган озуқалар яхшилаб майдаланмаяпти.

**Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарған асосий сабаблар ва ҳал этиш йўлларини жадвал асосида изоҳланг (индивидуал ва кичик гурухда).

<b>Муаммо тури</b>	<b>Келиб чиқиши сабаблари</b>	<b>Ҳал этиш йўллари</b>
Майдаланиш модули талаб даражасида эмас	<p>1. Майдалаш камерасидага пичноқлар ҳаракатининг тезлиги паст.</p> <p>2. Бирламчи майдалаш камерасининг ишини иккиламчи майдалаш камераси майдалашга улгурмаяпти</p>	<p>1. Двигател ҳаракатини редуктор орқали ошириш керак.</p> <p>2. Биринчи камера майдалаган озукани иккинчи камера майдалашини таъминлаш керак</p>

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича мавзулар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари**

1. Минерал ўғитларни тайёрлаш машиналари.
2. Минерал ўғит сочиш машиналари.
3. Органик ўғит сочиш машиналари ва органик ўғит сочгич ишчи қисмларнинг ўлчамини аниқлаш.
4. Суюқ ўғит сепиш машиналари.
5. Чорвачилиқда замонавий мини технологиялар ва техникалар.
6. Озуқаларни тайёрлашда ноанъанавий технологиялар.
7. Чорвачилиқда озуқа базасини мустахкамлашда хориж тажрибалари.
8. Гўнгларни йиғишириш ва улардан фойдаланишда хориж тажрибалари.
9. Гўнглардан биогаз олишда Германия давлати тажрибалари.
10. Чорвачилиқда экология масалалари ечимларида чет эл тажрибалари.
11. Чорвачилиқда фирмавий сервис хизмати кўрсатиш хориж тажрибалари
12. Сигирларни соғишда Оператор-ҳайвон машина тизими
13. Кўйларнинг жунини олишда хориж услублари ва қурилмалари.
14. Бройлер гўштини етиштиришда хориж технологиялари ва техникалари.

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
ағдаргичли плуг (plow)	Шудгорлаш воситаси	plowing
ғалтак мола (Rollers)	Тупроқни зичлаш, текислаш, кесакларни майдалаш қуороли	Soil consolidation, leveling the door frame crushing weapons
дискли плуг (Disc plow)	Шудгорлаш воситаси	plowing
ишчи орган (Working body)	Маълум бир технология операцияни бажаришга мўлжалланган қурол	Weapons are designed to perform a specific process technology
ерга ишлов бериш (soil treatment)	Тупроқ структурасини ҳолатини ўзгартириш	the change condition of the soil
Корпус (housing)	Шудгорлаш воситасининг асосий ишчи органи	The main working body of the vehicle plowing
мола (Mala)	Ишлов берилган ерлардаги кесакларни майдалаш, текислаш қуороли	Product lands on the door frame, grinding, leveling tool
ротацион тирма (Rotating harrow)	Қотқолоқларни йўқотиш, тупроқни қисман юмшатиш қуороли	Restrictive means to mitigate the loss of soil and partial
Сақлагич (Fuse)	Машина ва унинг ишчи қисмларини синишдан сақлаш.	And the breakdown of the working parts of the machine
технологик жараён (Technological process)	Бирор бир ишни бажаришда ошириладиган операциялар кетма-кетлиги.	A sequence of operations in performing a task
Технология (Technology)	операцияларни кетма-кетликда бажарилиш жараёни	The process of execution of the sequence of operations
Тупроқ (soils)	Табий неъмат	natural grace
тупроқ фрезаси (soil millers)	Тупроқни жадал юмшатадиган машина.	The rapid abatement of soil
Чизел (chisel)	Тупроқни ағдармасдан чукур ишлов берадиган қурол.	The depth of processing weapons

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАШИНАЛАР

чизел-култиватор (chisel-cultivator)	Тупроқни ағдармасдан чукур ишлов берадиган қурол.	The depth of processing weapons
Уруғ (seed)	Үсимлик ҳосили	fruit of the plant
экиш ва ўтқазиш усуллари (Techniques of sowing and planting)	Дон ва кўчатларни маълум бир тартиб билан экиш ва ўтқазиш	Seeds and planting saplings in a specific order
Сеялкалар (Seeders)	Бошоқли дуккакли экинлар уруғини экишга мўлжалланган машина.	Designed to sow the seeds of grain legume crops
Эккичлар (Openers)	Уруғларни, кўчатларни ишлов берилган тупроққа экиш ва ўтқазишни таъминлайдиган ишчи орган.	Processing plants the seeds in the soil, planting and working the body ensure
миқдорлаш аппарати (sowing machines)	Уруғлар ва тугунакларни миқдорлаб берадиган восита	Tools that the number of seeds and tubers
уруғ ўтказгич (spermaduct)	Миқдорлаб ўзатилган уруғларни эккичга етказиб берадиган восита.	To provide the amount sent to sow the seeds
кўчат ўтқазиш машинаси (transplanted)	Кўчат ўтқазиш ишларини бажарувчи машина.	Work on planting machine
картошка экиш машинаси (Potato planter)	Картошкани тайинланган миқдорда экишни таъминлайдиган восита.	Provide for the planting of potatoes in the amount assigned to the vehicle
экиш чуқуриги (planting depth)	Экин уруғларининг тупроққа кумиш чуқуриги	Miniatures of sowing seeds in the soil to a depth
Ғалла (Cereals)	Бошоқли экинлар	Grain crops
мум пишиш (wax ripeness)	Дон маҳсулотларининг тўлиқ пишишидан олдинги ҳолати.	Before fully ripened seeds
Дон (Corn)	Бошоқли, дуккакли экинларнинг асосий ҳосили.	The harvest of grain legume crops
Сомон (Straw)	Бошоқли, дуккакли экинларнинг пояси.	Cereals, leguminous crops stalk
Поя	Бошоқли, дуккакли	Cereals, leguminous crops

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАШИНАЛАР

(Stem)	экинларнинг хосилийиғиширилганидан кейинги маҳсулот.	after harvesting
Бошоқ (Virgo)	Бошоқли, дуккакли экинларнинг меваси.	Cereals, legumes, fruit crops
Усуллар (means)	Маълум бир ишни амалга оширишда қўлланиладиган амаллар тартиби.	The sequence of steps used in the implementation of a specific case
Комбайн (Combine)	Фалла массасини ўриб, ҳосилини янчиб, донини ва сомонини алоҳида-алоҳида йиғувчи машина.	Grain harvest, thresh, separate the grain and straw collector car
Ўргич (reaper)	Фаллани ўрадиган ва йиғиб ўзатадиган восита.	Harvest grain harvesting and transmission means
янчиш аппарати (threshingmachines)	Фаллани янчиб, донини сомондан ажратувчи қурилма.	Daniel straw crushing the grain separator device
Барабан (Drum)	Янчиш аппаратининг асосий ишчи органи.	Working body of the milling apparatus
дон тозалагич (cleaning)	Янчилган донни тозалаш қурилмаси.	Milled grain cleaning equipment
Сомонэлагич (strawwalker)	Янчишиш аппарати билан ишлов берилган, дони ажратиб олинган ўсимлик пояларидан донни ажратувчи қурилма.	Milling machine processing, grain separated from the stems of the plant grain separator device

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Махсус адабиётлар:**

1. Engineering Principles of Agricultural Machines. Errata. 2006.c.-169-552.
2. Landtechnik. Stuttgart. 2005.c.-10-404.
3. H. Eichhorn. Landtexnik. Landwirtschaftliches Lehrbuch. Stuttgart, 2005, -660 Seiten.

### **Интернет ресурслар:**

1. [www.lemken.com](http://www.lemken.com)
2. [www.john deert/com](http://www.john deert/com)
3. [www.rambler.ru](http://www.rambler.ru)
4. [www.yahoo.com](http://www.yahoo.com)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
6. [www.edd.ru](http://www.edd.ru)